



Ф.Қ.Ахмедов  
Ш.Ү.Атамуродов

БОШЛАНГИЧ СИНФЛАР  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Аҳмедов Ф.Қ., Атамуродов Ш.Ў.

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАР ЖИСМОНИЙ  
ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ**

(5111700-Бошлангич таълим ва спорт тарбиявий иши йўналишида таҳсил  
оладиган талабалар учун ўқув қўлланма)

TOSHKENT  
«VNESHINVESTPROM»  
2019

**УДК: 545.621.2**

**ББК: 542.2**

Бошланғич синфлар жисмоний тарбия назарияси ва методикаси.  
Аҳмедов Ф.Қ., Атамуродов Ш.Ў. – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги – Т.: «», 2019. – 145 бет.

**Муаллифлар:**

**Ахмедов Фурқат Қўлдошевич.** Жиззах давлат педагогика институти  
Жисмоний маданият факультети декани, доцент, педагогика фанлари  
номзоди.

**Атамуродов Шодиёр Үралович.** Жиззах давлат педагогика институти  
жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси мудири, катта  
ўқитувчisi.

**Тақризчилар:**

**Шарипова Д.Д.** Тошкент давлат педагогика университети, зоология ва  
анатомия кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори.

**Эшназаров Ж.Э.** Самарқанд давлат университети, жисмоний маданият  
назарияси ва методикаси кафедраси мудири, профессор, педагогика фанлари  
номзоди.

**Салимов Ф.С.** Бухоро давлат университети, жисмоний маданият  
назарияси ва методикаси кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

**Муҳаррир:**

**Ибрагимова Ф.Э.** Жиззах давлат педагогика институти, бошланғич  
таълим факультети декани, филология фанлари номзоди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус талим вазирлигининг 2019  
йил 4 октябр даги 892 - сонли буйруғига асосан нашр этишга руҳсат берилди.

©Ф.Қ. Аҳмедов, Ш.Ў. Атамуродов

ISBN 978-9943-4444-4-7

©VNESHINVESTPROM nashriyoti, 2019

Мақур үкув қўлланма олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган тилибалир, узлуксиз таълим тизмининг барча бўғинларида фаолият кўрсетиштган профессор-ўқитувчилар, педагоглар жамоаси ва илмий ташкотчилар учун зарур манба бўлиб, таълим жараёнига жорий этиш миссионида барча фанлар қатори амалиётга татбиқ этишда услубий ёрдамни тифсизни утайди, у 5111700- “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” бакалаврият таълим йўналишининг “Бошланғич синфлар жисмоний тарбия ва шрияси ва методикаси” фанидан үкув қўлланма сифатида тавсия этилади.

This handbook is a resource for students, faculty and staff of academic institutions, who are working in all levels of the continuing education system, as a methodologically assisted implementation of all sciences in practice. 5111700 - "Primary education and sport educational work" is recommended as a textbook on the subject "Bases of theory and methodology of elementary classes in the field of bachelor education".

Это пособие является ресурсом для студентов, преподавателей и сотрудников академических учреждений, работающих на всех уровнях системы непрерывного образования, и качестве методологического пособия по индивидуальному изучению всех наук на практике. 5111700 - «Начальное образование и спортивно-педагогическая работа» рекомендуется в качестве учебника по предмету «Основы теории и методологии начальных классов в области бакалавриата».

## КИРИШ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг бош масалаларидан бири сифатида қаралади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонига асосан давлат дастури ишлаб чиқилди. Бу дастур амалга оширилган ишларимизнинг изчил давоми сифатида муҳим жужжат булиб, унда давлатчилигимизнинг барча йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу дастурнинг тўртинчи йўналиши, яъни “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган йўналишида таълим-тарбиянинг барча бўғинларини янада ривожлантиришининг йўллари алоҳида белгилаб берилган.

Таълим тизимида умумий ўрта таълим 1-9 ва 10-11 синфларни қамраб олиб, таълимнинг бу босқичи ўқувчилар учун энг масъулиятли давр хисобланади. Умумий ўрта таълимнинг энг дастлабки бўғини бошланғич таълим ўзига хос аҳамиятга эга эканлигига доимо алоҳида эътибор қаратилган.

Бу борада Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов Олий мажлиснинг IX-XIX сессиясида (1997 й 27 август) шундай деган.

“Эски таълим тизимининг энг ёмон кусури бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб қараётганимиздадир. Очиқ айтишимиз керак: Билими саёз муаллимлар ҳам биринчи синфда дарс бераверади. ... Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диidi, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар беркитиб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади. Замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат булиши керак. Бола 1-4 синфларда қандай билимга эга булиши лозим. Улар тарбияси қандай булиши керак. Шу масалаларга жавоб топишимиз зарур...”

Биринчи Президент И.А.Каримовнинг ўз вақтида билдирган мулоҳаза иш тақлифларидан кейин бошланғич таълимда бир қанча ижобий амалий шиннир қилинди.

“Гаълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ узлуксиз таълим тизимида болаларни ўкув фанлари бўйича муайян билимларни эгаллашлари орқали кўникма ва малакаларини ташкинигтириш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим-тарбия вазифаларини самарали ташкил этишдан иборат.

Бу вазифаларни амалга оширишда мактабгача таълим ҳамда умумий ўрти таълимнинг бошланғич таълим тизими алоҳида ўрин туради.

Мактабгача таълимда таълим-тарбия беришнинг тартиб қоидалари буюк мутафаккир олимларнинг асарларига, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келган миллий ҳаракатли ўйинлар орқали комил инсон қилиб тарбияланшига қаратилган.

Сўнгги йилларда Республикаизда мактабгача таълим тизимида туб ишлодатлар амалга оширилиб, бу борада, айниқса, 2017 йил 30 сентябрда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “Мактабгача таълим тизими бошкрувиши тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ташкиниги фиолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017-йил ПФ-3305-сонли юрор ёбул қилинди.

Бу юрорги иносин мактабгача таълим йўналишига қатор талаблар ёгунилди. Энди олдинги мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг билим сиптигиси билан ҳозирги мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг билим сиптигиси тубдан фикр қилинди. Ҳозирги мактабгача таълим ёшдаги болалар умумий ўрти таълимнинг бошланғич таълим дастурлари ҳақида ҳам мавзумотларги эга бўлиб боради, жумлидин, жисмоний тарбиядан ҳам.

Бошланғич таълимнинг ўкув дастурлари тубдан янгиланди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Бошланғич таълимни такомиллаштириш юзасидан олиб бориладиган ишларнинг барчасида ҳам

ўкувчиларнинг жисмоний тарбияси уларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлиги асосий масала қилиб қўйилди.

Хусусан, бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарслари учун соатлар микдори ўзгарди. Дарсдан ташқари, мактабдан ташқари жисмоний тарбия ва спорт ишларига эътибор кучайтирилди. Ўкувчиларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғуланишлари учун барча шартшароитлар яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларида ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилди ва керакли жиҳозлар билан таъминланди. Баркамол авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спортга алоҳида катта эътибор қаратилганлиги туфайли унинг моддий таъминоти билан бирга илмий-услубий томонлари ҳам қайгадан янгиланди. Янги ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари асосида жисмоний тарбиянинг ўкув дастурларига мос “жисмоний тарбия” 1-4 синфлар учун ўкув қўлланмалари ҳам яратилди. (К.М. Маҳкамжонов, П.Хўжаев – Т: 2016-2018 й.)

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу ўкув қўлланма шуниси билан аҳамиятлики, унда бошланғич синфлар жисмоний тарбия назарияси ва методикасига оид барча янги маълумотлар дастур асосида кетма-кетлик билан ўрин олган ва тегишли тавсиялар берилган.

Ушбу ўкув қўлланмадан 5111700-Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши талабалари, жисмоний маданият йўналиши, шунингдек, умумтаълим мактаб ўқитувчилари, олимпия заҳиралари коллежи ўқитувчилари ва ўкувчилари, олий ўкув юртларининг талабалари ўкув жараёнида, иш фаолиятида самарали фойдаланишлари мумкин.

# **1-БОБ. БОШЛАНГИЧ СИНФЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ**

## **1.1. Бошлангич синфлар жисмоний тарбия назарияси ва методикаси**

### **Фанининг мақсади ҳамда вазифалари**

**Финни ўқитишдан мақсад - бўлажак кадрларга “Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” бўйича атрофлича ва чукур касбий билимлар берин. Келажакдаги иш фаолиятларида касбий-амалий аҳамият касб этувчи жисмоний маданият бўйича касбий билимлар, кўнижма ва малакалар ҳамда ишни педагогик технологиялардан фойдалана олиш каби билимлар билан куроллантиришни кўзда тутади.**

**Фанинг вазифаси - бўлажак бошлангич жисмоний тарбия ўқитувчиларига ўкув муассасалари умумтаълим мактаб бошлангич синф ўқунчиларини жисмоний тарбия машғулотларида умумривожлантирувчи миниқлардан, умумий ва маҳсус машқлардан фойдаланиш ҳамда спорт мусобиқалари, спорт байрамларини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда синфдан ташқари тўғаракларни ташкил қилиш каби билимларни шаклланишини ўрганишта кўмаклашади.**

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанини ўзлаштириш жартийидан ималти ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

Бошлангич синфлар жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанининг мақсади ҳамда вазифалари; Узбекистон Республикасидаги жисмоний тарбия тизимишнинг умумий тавсифи; Узбекистон Республикаси тарбия тизимишнинг жисмоний маданият ва спорт бўйича қабул қилган куроллантиришни ахамияти; Жисмоний маданиятнинг жамиятдаги вазифалари ва шакллари; Жисмоний тарбия назарияси бўйича олиб борилашган тадқиқот услубигарни; Жисмоний тарбия воситалари; Жисмоний тарбияни жисмоний миниқлар техникисини тавсифи ҳақида билимларга эга бўлиши керак.

Жисмоний тарбиянинг дидактик тамойиллари; Жисмоний тарбия машғулотларида кўлланиладиган жисмоний тарбия методлари; Ҳаракатларни ва жисмоний сифатларни тарбиялашдаги қатъий

тартиблаштирилган машқ услуби; Ҳаракатларга ўргатиш жараёни асослари; Ҳаракатларга ўргатиш босқичларининг тузилиш асослари; Ўргатиш босқичларининг асосий йўналиши ва хусусияти; Ҳаракат малакаларини ташкил этиш қонуниятлари; Мехнатни рацонал ташкил этишда жисмоний тарбиянинг аҳамияти; Ишлаб чиқаришда касбий амалий тайёргарлик; Мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси; Умумий ўрта таълим тизимида жисмоний тарбияни ўрни ва аҳамияти; Таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилиш ва ўтказиш усуллари; Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш усуллари; Синфдан ташқари олиб бориладиган жисмоний тарбия ишларига тавсиф; Ўқув ишларини режалаштириш; Жисмоний тарбия дарсларида педагогик назорат: педагогик таҳлил, хронометраж, пулсометрия ўтказиш услубияти, дарс ишланмасини тузиш ҳақида кўникмаларга эга бўлиши керак.

Умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний тарбия; Спортнинг назарий асослари; Спорт мусобақалари тизими; Спорт тренировкасининг воситалари ва методлари; Спорт тренировкасининг тамойиллари; Жисмоний сифатларни (куч, тезкорлик, чаққонлик, эгилувчанлик, чидамлилик) тарбиялаш методикаси; Мусобақа фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари; Спортчини тайёрлаш тизими; Спортчининг жисмоний техник ва тактик тайёргарлиги; Спортчиларни тайёрлашда юкламага умумий тавсиф; Спорт формаси тараққиётининг қонуниятлари ҳақида малакаларга эга бўлиши керак.

### **Текшириш учун назорат саволлари**

- 1.Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанининг мақсади нимадан иборат?
- 2.Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанининг вазифалари нимадан иборат?
- 3.Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фани нимани ўргатади?
- 4.Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фани қайси фанлар билан алоқадор?
- 5.Жисмоний маданиятнинг жамиятдаги вазифалари ва шакллари?

6. Жисмоний тарбиянинг воситалари?

7. Спортини тайёрлаш тизими?

8. Спортининг жисмоний ва техник ва тактик тайёргарлиги?

9. Укуп ишларини режалаштириш?

10. Бошлигич синф ўкувчилар жисмоний тарбияси?

## 1.2. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жисмоний маданият ва спорт бўйича қабул қилган ҳужжатларининг аҳамияти

Дастлабки йиллардан бошлаб барча соҳалардаги каби таълимда, жисмоний тарбия ва спортда ҳам куплаб қонунлар, қарорлар ҳамда формотишлар қабул қилинди.

“Таълим тўғрисида” ги Қонун 1997 йил 29 августда қабул қилинган бўниб, у 5 боб, 34 моддадан иборат. Бу қонуннинг 12 моддасида умумий ўрга таълим босқичлари қуидагича:

Умумий ўрга таълимнинг энг дастлабки бўғини бошланғич таълим ўчири хос аҳамиятга эга эканлигига доимо алоҳида эътибор қаратилган. Бошлигич таълим I-IV синфлар ҳисобланади. Бошланғич таълим умумий ўрга таълим олиши учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўнишка исосларини шакллантиришига қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфида бошлир оғли-етти ёндан қабул қилинади.<sup>1</sup>

Ҳукуматимиз томонидан умумий ўрга таълим мактабларида ўкувчи-бенарга таълим тарбия берини билан биргаликда, уларнинг жисмоний ризосиданнинг замонати оғлибор берилмоқда.

Мамлакатимизда Ўсб қенабтини ёш интиданинг жисмоний ва маънавий олиоматларни шакллантириши, сонном турмуш тарнига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришини тонг муҳим ширти сифатида болалар омманий спортини ривожлештиришини тъминлаш мислидиди Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган бўлиб, у 8 боб,

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Таълим тўғрисида. 1997 йил. 29 август, 9-сон

47 моддадан иборат. Бу қонунинг 11 моддасида. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

- таълим муассасаларида болалар спортини ривожлантиришини ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлашни таъминлайди;
- болалар ва ўкувчи ёшлар ўртасида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ташкил этади;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ўкув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этади;
- халқ таълими тизимининг таълим муассасалари ўкувчилари ўртасида спорт мусобақаларини («Умид ниҳоллари») ташкил этишда иштирок этади;
- болалар спортининг моддий-техника ва ресурс базасини ривожлантириш чораларини кўради;
- ўсиб келаётган ёш авлодни спортга муҳаббатини ўйғотиш, спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, жисмоний ва маънавий комилликка интилиш муҳимлиги тушунчасини шакллантириш, бо-лаларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга ва заарли одатлардан халос этишга доир чора-тадбирлар мажмуини амалга оширади;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-хукукий хужжатларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- болаларни жисмоний тарбиялашнинг замонавий шакллари ҳамда усулларини болаларнинг жинси ва ёшига қараб уларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг, спортга қобилиятли болаларни ихтисослаштирилган спорт таълим муассасаларида ўқитиш учун танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқиши ҳамда жорий этишга кўмаклашишни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қонун  
хуяжитлирига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги  
ПФ-4947-сон Фармони билан қабул қилинган «2017 – 2021 йилларда  
Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор  
пурналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг тўртинчи йўналишида  
«тавтим сифатини юксалтириш ва малакали кадрлар билан таъминлашни  
кучайтириши» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги  
ПФ-3031-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори, Жисмоний тарбия ва спорт  
тадбирларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат  
бонкоруни тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари  
тўғрисида”ти 2018 йил 5 марта даги ПФ-5368-сонли Фармонида асосан  
үскутиларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, улардан истеъодли  
шарарни сарилаб олиш (селекция) ҳамда болалар ва усмирлар спорт  
микабири спорт базасини шакллантириш мақсадида кейинчалик  
министрий спорт мусобақаларида иштирок этиш учун жисмоний тарбия  
шарарини (синфдан ташқари ва бошқалар) мақсади, вазифалари, спорт  
тұғарылары және маңгұлолтарини ташкил этиш, ўсиб келаётган ёш авлод  
тарбияси за унинг миదанинг ҳақида фикрларини билдириб, йиғилишда  
Президент жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини янада ривожлантириш  
бўйича истикబоллиги мухим шартларини белгилаб берди.

Академик жисмоний тарбиярлари ва сипоматлиги даражасини  
белгилоичи «Алномин» ш. «Барчинбо» махсус тестларини қабул қилиш ва  
мусобиқашрини үтказни тартиби тўғрисида Вазирлар Мажкамасининг 2019  
Йил 29 январдаги 65-сонли қарор қабул қилинди.

<sup>2</sup>“Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ти Қонуни. Тошкент ш., 2015 йил 4 сентябрь, ЎРК-394-сон

Ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт тадбирлари билан шуғуллантириш ишлари яхши йўлга қўйилмагани, ўқувчилар бўш вақтларида таълим муассасаларида спорт обьектларидан фойдаланмаганини кўрсатиб ўтди. Бундан ташқари жойлардаги бўш турган хусусий обьектлар негизида ёшларни оммавий спортга жалб қилиш учун имтиёзли ҳизмат кўрсатувчи спорт марказларини ташкил этиш, ёшларни спортга жалб қилиш учун “Алпомиш” ва “Барчиной” тестларини мусобақа тарзда ўтказишини ҳамда уч даражадаги кўкрак нишонлари билан тақдирланишини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

### **Текшириш учун назорат саволлари**

1. “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг моҳияти нимадан иборат?
2. “Узбекистон болалар спортни ривожлантириш жамғармаси”нинг вазифаси нимадан иборат?
3. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг моҳияти нимадан иборат?
4. “Алпомиш” ва “Барчиной” тест меъёрининг мақсади нимадан иборат?
5. “Алпомиш” ва “Барчиной” тест меъёрининг янги тахрири қачон қабул қилинди?
6. “Алпомиш” ва “Барчиной” тест синовларига тайёргарлик кўриш ҳакида маълумот беринг?
7. “Алпомиш” ва “Барчиной” тест синовларини бажарилиш шартлари нимадан иборат?
8. «Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари тўғрисидаги низом қачон қабул қилинди?
9. Махсус тестларнинг вазифалари нималардан иборат?

### **1.3. Бошлангич синфлар жисмоний тарбия назариясига оид**

#### **дастлабки асосий тушунчалар**

Таълим соҳасига оид барча фанлар қатори бошлангич синфлар жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанида ҳам маълум тушунчалар шаҳарлар мавжуд. Бу тушунчаларни ўзлаштириш талабаларнинг сийодхонигини ошириш ҳамда муомала маданиятини шакллантиришда ордим беради. Ҳозирда ишлатилаётган тушунчалар жамиятимизнинг турли тарихий даврларидан бизга маълумдир. Уларнинг мазмуни жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанининг ривожланишида ҳамда амалиётда ғулланнишига кўра кенгайиб бормоқда. Мазкур бўлимда факат асосий тушунчалар келтириб ўтилган, чунки бу тушунчаларсиз “Бошлангич синфлар жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” фанини ўзлаштириб бўлмайди, боинча тушунчалар таърифи тегишли бўлимларда келтириб ўтилади.

Бошлангич синфлар жисмоний тарбия назариясида асосий фойдаланиладиган тушунчалар қуидагилардир: жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик, жисмоний тарбия, жисмоний маданият, жисмоний кимолот, жисмоний машқ, жисмоний сифатлар, жисмоний билим, спорт, спорт формаси каби асосий тушунчалардир. Юқорида келтирилган барча тушунчалар ўз аҳамияти жиҳатидан бирдек муҳимдир, булар тұғрисида янада түшік маълумот олиш учун үкув қўлланманинг тегишли бўлимларида тұхтиламиз.

**Жисмоний ривожланиш тушунчаси** – турмуш шароитининг, хусусан, тарбияний тиесирида киши организми ва функцияларининг вужудга келишин ҳамди үтгариши жараёнидир.

**Жисмоний тайёргарлик тушунчаси** – жисмоний тарбияда учта асосий йўналини минжуд бўлиб, инсон жисмоний тарбияси ана үша рамкалар асосида амалга оширилади. Улар умумий жисмоний тайёргарлик, касб-хунар жисмоний тайёргарлиги, спорт тайёргарлигидир.

**Жисмоний тарбия тушунчаси** – педагогик жараён бўлиб, маҳсус танланган жисмоний машқлар орқали инсон организмининг функционал

жиҳатларини такомиллаштириш, шахсни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қаратилган тарбия фаолиятидир.

**Жисмоний маданият тушунчаси** – жамият аъзоларининг жисмоний камолотга эришишини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун маҳсус воситалар, методлар ва шароитларни яратиш ҳамда улардан рационал фойдаланиш бўйича эришган ютуқларнинг мажмуасидир. Жисмоний маданият умумий маданиятнинг бир қисми бўлиб унинг юксалиши жамият ривожланишининг асосидир.

**Жисмоний камолот тушунчаси** – жамият аъзоларини жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлиги ва унинг кўрсаткичларининг мавжуд жамият аъзоларининг жисмоний тайёргарлиги учун қўйилган талаб ва нормаларини бажара олиш малакалари ва кўникумлари ҳамда ўз организмининг функционал ҳолатини турмуш шарт – шароитларига мослай олишга оид назарий ва амалий билимларининг йигиндинсини ўз ичига олади.

**Жисмоний машқ тушунчаси** – жисмоний тарбия қонуниятлари талабларига жавоб берувчи, онгли равишда бажариладиган ихтиёрий ҳаракат фаолиятларининг турли туркумлари тушунилади.

**Жисмоний сифатлар тушунчаси** – инсон ҳаракат фаолиятининг фаоллигини таъминлашга қаратилган сифатларга жисмоний сифат деб аташ қабул қилган.

**Жисмоний билим тушунчаси** – жисмоний машқларни бажаришга оид маҳсус назарий тушунчалар ҳамда уларни амалда қўллаш маҳорати ва кўникумларини ўз ичига оладиган билимлар мажмуаси жисмоний билимни ташкил этади.

**Спорт тушунчаси нима** – инсоният ҳаётида тарихан шаклланган инсон фаолияти бўлиб, танлаб олинган спорт турида юқори натижаларга эришиш ва маҳсус мусобақалар шароитида ғолибларни аниқлаш, уларни тақдирлашдан иборат. Спорт ҳозирги жамиятнинг ажralmas таркибий қисми бўлиб унинг жамиятдаги вазифалари хилма-хил ва кўп кирралидир.

**Спорт формаси (шакли) түшүнчеси** – педагогик нұқтаи назардан корытнанда спортчының ютуққа эришишига оптимал тайёр экани, ҳамма ғомонлама, рухий, жисмоний, техник ва тактик жиҳатдан юқори даражада орнапшилек эканлыгидан иборатдир. Спорт формасини доимо сақлаб туриш мүмкін әмас, у вактингча сақланади ва маълум муддатда йүқотилади. Бунинг түрліча сабаблари мавжуд.

**Умумий жисмоний тайёргарлик** – соғлиқни мустаҳкамлашга, кенг поприда ҳаракат малакалари ва күнікмаларига эга бўлишига, ўзидан кейинги маҳсус тайёргарликка замин бўлиши учун хизмат қиласиган асосий ҳаракат сифотларини ривожлантиришга йўналтирилган. Умумий жисмоний тайёргарлик мақсадида жисмоний тарбиянинг барча турдаги воситаларидан, химия-хилжисмоний машқлардан, табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллардан фойдаланилади. Умумий жисмоний тайёргарлик жисмоний тарбиянинг барча этапларида кўпроқ мактаб жисмоний тарбия гигиениди, оммавий жисмоний тарбия ишларида ва жисмоний машқлар билан ишлениндуват шуғулланиш шакллари орқали амалга оширилади.

**Касб-хунар жисмоний тайёргарлиги** – бу жисмоний тарбиянинг мутихессеслештирилган, аниқ меҳнат тури ва мудофаа фаолиятига тайёршишга йўналтирилган жараёндир. Бунда асосан жисмоний машқларнинг хунар ёки касбга яқин бўлган турларидан фойдаланилади. Касбга шундайни жисмоний тайёргарлик воситаларининг қўлланиши меҳнат сарнот манақибиришини шиклованини эгаллаш жараёнини тезлаштиради, мөхнат узукдоринини оптиради, организмнинг, ташки мухит таъсирининг ширарин фикторлариги юршигини курсланини яхшилайди. Умумий ва касб жисмоний тайёргарлиги деб юргитиш маълум даражада шартли бўлиб, ишном йўнилини ҳам бир-бирини тұлдыради.

**Спорт тайёргарлиги** – жисмоний тарбияда маҳсус йўналишни ифода етади. Бунинг вазифаси инсонни ташлаб олинган бирор спорт турида юқори натижаларга эришишни таъминланадир.

**Жисмоний реабилитация** – одам организмининг бузилган ёки вақтинча йўқотилган функцияларини ҳамда ногиронларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг ижтимоий ҳамда касбий фаолиятга бўлган қобилиятларини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ҳамда усулларидан фойдаланган ҳолда тиклаш (тузатиш ва компенсация қилиш);

**Жисмоний рекреация** – жисмоний маданият тури бўлиб: жисмоний машқлар ва енгиллаштирилган спорт машқлари воситасида асосий меҳнат фаолиятидан фаол дам олишни ташкил этишидир. (Саёҳатлар, хордиқ чиқариш, санатория ва бошқалар).

### **Текшириш учун назорат саволлари**

1. Жисмоний ривожланиш тушунчаси нима?
2. Жисмоний тайёргарлик тушунчаси нима?
3. Жисмоний тарбия тушунчаси?
4. Жисмоний маданият тушунчаси нима?
5. Жисмоний камолот тушунчаси нима?
6. Жисмоний сифат тушунчаси нима?
7. Спорт тушунчаси нима нима?
8. Спорт формаси тушунчаси?
9. Спорт тайёргарлиги деганда нима?
10. Умумий жисмоний тайёргарлик нима?

### **1.4. Бошланғич синфлар жисмоний тарбия воситалари**

Жисмоний тарбиянинг воситалари бошланғич синфларда ҳам, албатта, амалдаги жисмоний машқлар, табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари, гигиеник омилларидан иборат.

Бошланғич синф жисмоний маданият воситаларидан бири жисмоний машқларни тўғри танлаш мақсаддага мувофиқдир.

## Жисмоний машқларнинг тарихан ривожланиши

Жисмоний машқни вужудга келиши тарихан қатор дарсликларда (Л.Д. Новиков, Б.А.Ашмарин, Л.П.Матвеев, А.Абдуллаев, Ш.Х.Хонкелдиев, Н.Хўжаев, Т.С.Усмонхўжаев, А.К.Акрамов, Р.Абдумаликов ва бошқалар)да ибтидоий жамоа тузуми даврига тўғри келади деб курсатилади. Жисмоний машқнинг вужудга келишида объектив сабаб қилиб ибтидоий одамнинг қорин тўйдириш мақсадида ов қилиши мисол бўлса, субъектив сабаб сифатида онгнинг шаклланиши деб қаралди.

Ибтидоий куролларни ишлатишни билмаган ибтидоий одам ўз ўлжасини (овини) ҳолдан тойдиргунча қувлаган. Бу билан овчи организми катта жисмоний тайёргарликка муҳтожлик сезган.

Жисмоний тайёргарлиги етарли бўлмаганларининг ўзлари овига ем бўлган. Шунга кўра вақт ўтиши билан ибтидоий одамлар овга гала-гала бўлиб чиқадиган бўлдилар.

Ибтидоий куроллар: тош, қиррали тош бойланган найза, хас-чўп билан номигагина беркитилиб қўйилган чоҳлардан ва бошқалардан овчилар фойдаланган шу тариқа ижтимоий онг шакллана бошланган. Овда иштирок этолмай қолган қабиланинг қариялари ёшларга тошни нишонга отиш, унинг зарбини кучайтиришни машқ қилдира бошлаган ва бу билан тарбияга асос солинган, тарбия жараёнининг элементлари шакллана бошлаган. Кейинчалик улоқтириш, кувиб этиш ёки қочиш учун югуриш, сакрашлар машқ қилина бошланган. Бу эса жисмоний машқларни ҳамда жисмоний тарбиянинг элементларининг вужудга келиши ва шаклланиш даври деб қаралган. Шу кунга келиб бу машқлар ҳозирги замоннинг енгил атлетика, гимнастика, спорт үйинлари, якка курашлари, туризм ва спортнинг бошқа турлари тарзида жисмоний тарбия жараёни учун асосий восита сифатида фойдаланилмоқда. Жисмоний машқлар хилларининг кўпайишига инсоннинг меҳнат фаолияти ҳам таъсир кўрсатди. Маълумки, меҳнат жисмоний куч, чидамлилик, тезкорлик, чаққонликдек инсоннинг жисми (ҳаракат)

сифатларининг маълум даражадаги тайёргарлиги, унинг ривожланганигини талаб қиласди.

Тарбия амалиётида, асосан, инсон меҳнат фаолиятида қўллайдиган ҳаракатларини кўпроқ машқ қиласди. Жисмоний машқнинг ривожланишида диний маросимлар, байрамлардаги ўйинлар, рақслар, ҳарбий фаолиятдаги, саноатдаги онгли равишда бажариладиган ихтиёрий ҳаракатлар восита бўлиб хизмат қиласди.

Шу даврга қадар жисмоний тарбия жараённида жисмоний машқлар, табиатни соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллардан жисмоний тарбиянинг воситаси сифатида фойдаланилади.

Жисмоний машқлар жисмоний тарбиянинг асосий воситаси бўлиб, у тарихан гимнастика, ўйинлар, спорт ва туризм тарзида гурӯхларга ажратилиб, тарбия жараёнининг воситаси сифатида фойдаланиб келинди.

**Жисмоний машқ деб** – жисмоний тарбия қонуниятлари талабларига жавоб берувчи, онгли равишда бажариладиган ихтиёрий ҳаракат фаолиятларининг турли туркуми тушунилади. Бундай ҳаракат фаолиятлари гимнастика, ўйинлар, спорт ва туризм машқлари сифатида тарихан тизимлаштирилди, ҳозирги кунда уларнинг замонавий усуллари тўпланди ва тўлдирилди. (А.Абдуллаев, Ш.Хонкелдиев).

## I. Гимнастика

Бошланғич синфларга гимнастиканинг қуидаги турлар ўргатилади: асосий гимнастика, спорт гимнастикаси, гимнастиканинг амалий турлари.

- 1. Асосий гимнастикага** - Сафга туриш, умумривожлантирувчи машқлар, гигиеник гимнастикаси.
- 2. Спорт гимнастикасига** - Спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, акробатика.
- 3. Гимнастиканинг амалий турларига** - Амалий касбий гимнастика, иш жойларида бажариладиган гимнастика, даволашда қулланиладиган гимнастика.

## II. Үйинлар

Боннингич синфларда жисмоний тарбия асосан үйинлар орқали стагнилади. Үкувчиларга үйинлар орқали ҳаракатнинг қуидаги турлари: юриш, ютуриш, сакраш, тусиклардан ўтиш, қаршиликни енгиш кабилар ўргатилади, үкувчилар учун үйинлар асосан диққатни, фикрни жамлашда ҳамда жисмоний сифатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Жамоавий үйинлар эса дўстлик ва ўртоқлик ҳиссини тарбиялашда ёрдам беради. Үйин атамаси хилма-хил фаолиятни ифодалайди. Табиат үйини, куч үйини ва бошқалар. Маданият соҳаси бўйича эса актёр үйини, олимпиада үйинлари ёки спорт үйини, буларнинг ҳаммаси хилма-хил маъно касб этади. Үйин тарихий тўплланган ижтимоий ҳодиса сифатида фаолиятнинг айрим тури ҳисобланади. Үзининг ҳаётй аҳамияти орқалигина жамиятда қизиқиш уйғотади ва айрим одамларни үзига тортади.

Үйин фаолиятида одам үзини ўраб олган муҳит билан ўзгача алоқада, бир мақсадга йўналтирилган фаолиятда бўлади ва ҳам жисмоний ҳам ақлий қобилиятини шакллантириш мақсадида машқлар бажаради. Мехнатдан фарқли ўлароқ, үйин пайтида моддий неъмат яратилмайди. Үз ҳаёти учун табиат инъомларидан бевосита фойдаланмайди. Үйин шароитида хилма-хил ҳаракатни танлаш имконияти бор. Бу эса үйновчининг ўз ҳис-ҳаяжонини, ижодий қобилиятини, фаоллигини ҳамда ташаббусини ишга солишга мажбур қиласи.

Хозирги кунда үйинчилар сонига қараб яккама-якка жамоа бўлиб, кўпчилик (омма билан) үйнайдиган үйинлар мавжуд. Бу эса педагогика ва ҳаётда ҳаракатли үйинлар ва спорт үйинлари сифатида тарбиявий восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ҳаракатли үйинлар жисмоний тарбия воситаси сифатида жамоали, жамоага уюшмай, үзининг маълум спорт майдонига, стандарт қоидасига эга бўлмаган, қийин жисмоний машқларнинг айрим элементларини ўз ичига олган ҳаракатлар тарзида улар аста-секинлик билан қийинлаштирилиб бир

шаклга келтирилиб, спорт ўйинларига айланди. Демак, спорт ўйини ҳам ҳаракатли ўйиндир.

Спорт ўйинлари жисмоний тарбия воситаси сифатида ўзининг қатъий ўйин қоидалари ва талабларига, спорт майдони жихозларига эга. Ўйин пайтида вазифаларни бир кишининг индивидуал ҳал қилмай, жамоа ҳал қилади. Бу ўйинлар бўйича мунтазам мусобақалар уюштирилади. Ўйинчиларга даража (разряд) ва унвонлар берилади. Спорт ўйинлари мунтазам ўсишда ва ривожланишда (техникаси ва тактикасининг ривожланиши унинг самарадорлигини кучайтиради). Жамоа бўлиб ўйнайдиган ҳаракатли ўйинлар уч турга бўлинади: а) ўйинчиларни жамоаларга ажратмай ўйнайдиган ўйинлар; б) жамоали ўйинга айланиб кетадиган ўйинлар; в) жамоаларга бўлиб ўйналадиган ўйинлар (барча спорт ўйинлари киради):

Кейинчалик эса ўйин ўйинчиларнинг ўзаро фаолияти шаклига кўра (командали ўйналадиган ўйинлар) қуйидагиларга бўлинади:

а) ўйин пайтида рақиб команда ўйинчилари танаси, унинг қисмлари бир-бирига тегмай ўйналадиган ўйинлар - волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка ва бошқалар.

б) рақиб ўйинчилари бир-бирига тегиши билан ўйналадиган ўйинлар: футбол, баскетбол ва бошқалар.

Тарихан мавжуд жисмоний тарбия тизимлари ўйиннинг шу томонларни хисобга олиб, жамият аъзолари ҳар томонлама жисмонан гармоник тарбиялашнинг асосий омилларидан бири деб тан олганлар ва тарбия жараёнида ундан фойдаланганлар.

### III. Спорт

Спорт сўзи аввалига ўйин маъносида тушунилар эди, кейинчалик эса кўнгил очиш воситаси деб қарала бошланган.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида спортда юқори натижаларга эришиш ёки мусобақада ғолиб чиқиш, кўнгил очиш, дам олиш воситаси деб қаралиб келинди.

**Хомирги пайтда спорт сўзининг маъноси –** Бу инсоният ҳаётида тарихи тақлланган фаолият тури бўлиб, танлаб олинган спорт туридан юқори натижаларга эришиш ва махсус мусобақалар шароитида ғалабаларни ашондип ва уларни тақдирлашдан иборат.

#### **IV. Туризм**

Бошланғич синфларга режага асосан табиатни, шаҳарларни, тарихий музейларни танитиш ва жисмоний тайргарликни ошириш мақсадида ҳифтганинг шанба, якшанба кунлари ота-оналари билан дам олишни мизмунли ташкил қилиш мақсадида саёҳатлар ташкил қилишни роқалаштириш керак. Туризм деганда биз экскурсия, саир, саёҳат, поход, тоққа чиқишни тушунамиз.

Бошланғич синф ўқувчиларига жисмоний маданият воситаси бўлган туризмнинг асосий хусусияти асосан қисқа муддатли саирлар ва экскурсиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Жисмоний машқ техникаси ҳақида маълумот**

Ҳаракат вазифасини осон самарали ҳал қилиш учун танланган ҳаракат акти (фаолият)ни – жисмоний машқ техникаси деб аташ қабул қилинган.

Бошқача қилиб айтганда, жисмоний машқ техникаси деб - ҳаракат вазифасини осон, самарали ҳал қилиш учун танланган ҳаракат фаолияти тушунилади. Жисмоний машқ техникаси доим ўзгариб турди ва такомиллашади.

Техника – грекча сўз бўлиб «бажара олиш санъати» деган маънони билдиради. Жисмоний машқ техникаси доим ўзгариб турди ва такомиллашади. Такомиллашган ҳаракат техникаси юқори натижа кўрсатиш гарови бўлиб унга спортчиларнинг тинимсиз тер тўкиши орқали эришилади. Спортчининг жисмоний тайёргарлигининг ортиши ёки унинг гавдаси тузилиши (анатомияси), бошқача айтганда жисмоний ривожланганликни кўрсаткичларнинг турли-туманлиги (сон суюгининг калтали ёки узунлиги, елка суюги ўлчамининг турли хиллиги ва ҳ.к.) спорт тури – жисмоний

машқлар бажариш техникасининг асосини унинг звенолари ёки деталларининг ўзгаришига, алмашишига сабаб бўлиши мумкин.

### **Табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари**

Табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари: ҳаво, қуёш нури, сув кабилардир жисмоний маданиятнинг воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Ҳаётий шароит, муҳит инсонни турли вазиятларда моддий неъмат яратиш, яшашга мажбур қиласди. Бунга кўнишиш, унга тайёр бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун табиатнинг инъоми ҳаво, сув, қуёш нури инсон иш қобилиятини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлашнинг асосий воситасидир.

Жисмоний маданият жараёнида очик ҳавода, қуёш нури остида, сув ва бошқалардан фойдаланиб жисмоний машқларни бажариш самаралидир. Чумилиш, офтобда тобланиш, ҳавонинг иссиқ-совуғи жисмоний машқлар билан инсон организмига турлича таъсир кўрсатади. Машғулотлар давомида бу воситалардан тизимли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ишни шундай ташкил қилиш лозимки, жонажон Республикализнинг географик, иқлимий ва экологик ҳолатини ҳисобга олиб барча вилоят ва ҳудудларда табиатнинг соғломлаштирувчи кучларидан фойдаланишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш муаммоси ҳал қилиниши лозим. Масалан, қуёш нуридан фойдаланишда соат 10.00 дан 12.00 гача алоҳида, 16.00 дан 17.30 гача ёши, жинси ва бошқа индивидуал хусусиятларини ҳисобга олинмасдан тобланса, унинг таъсири турлича бўлади. Жисмоний машқларнинг меъёри, юкламанинг умумий миқдори, машқнинг интенсивлигини эътибордан четда қолдириш табиатнинг соғломлаштирувчи кучларидан фойдаланишда салбий натижаларга олиб келишини унутмаслигимиз лозим.

### **Гигиеник омиллар**

Гигиеник омиллар – шахсий ва жамоат гигиенаси талабларини ўз ичига олиб, меҳнат гигиенаси, овқатланиш, дам олиш ва ташқи муҳитнинг зарарли факторлари ва бошқалар жисмоний машқларни бажариш (дарс,

худостисл меник қилиш) машғулотларида гигиеник талаб ва нормаларга риоя өткенини тикозо этади. Улар жисмоний машқлар таъсирчанлигини, саморидорингни оширишини илмий, амалий жиҳатдан исботлаган.

Гигиеник шароитни етарли даражада таъминлаш, жисмоний тарбия учун фойдаланиладиган моддий-техник база, спорт анжомлари, жиҳозлар ва минисуд кийим-бошнинг ҳолатига боғлик.

Жисмоний машқлар, табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омилларни рационал қўллаш инсон саломатлигини мустаҳкамлайди иш жисмоний қобилияtlарни ривожлантиради.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотлари инсон ҳаётий физиологиянинг органик қисмига айлансанагина жисмоний тарбия тизимининг соғломлаштирилишига йўналтирилган тамойилни амалга оширишнинг имкони бўлади. Бошқа томондан, керак бўлган гигиеник нормаларга риоя қилинсанагина жисмоний машқлар керак бўлган самарасини беради. Жисмоний тарбиянинг маҳсус воситаси ҳисобланмаса ҳам, гигиеник омиллар жисмоний тарбиянинг вазифасини тўлаконли ҳал қилиш учун аҳамият касб этади. Педагогик жараён қанчалик пухта ташкилланмасин, овқатланиш, уйқу кун тартибига риоя қилинмаса, шунингдек, машғулотлар тиббиёт талабларига жавоб бермайдиган жой ва жиҳозлар билан ўтказилса, улар, албатта, самарасиз бўлади. Мана шунинг учун мактаблардаги жисмоний тарбия дастурларига гигиенага оид билимлар мазмунини ифодаловчи назарий маълумотлар учун мавзулар тавсия қилинган. Улар жисмоний тарбия жараёнидан ташқаридаги инсоннинг ҳаётий фаолиятини ташкилловчи ва жисмоний тарбия жараёни таркибидаги воситалардир.

### Текшириш учун назорат саволлари

1. Жисмоний тарбиянинг воситаларига нималар киради?
2. Жисмоний машқ нима?
3. Жисмоний машқ техникаси нима?
4. Табиатни соғломлаштирувчи кучларига нималар киради?
5. Гигиеник омилларга нималар киради?

6. Башлангич синфлар гимнастика ҳақида маълумот беринг?
7. Ўйинлар ҳақида маълумот беринг?
8. Туризм ҳақида маълумот беринг?
9. Спорт ҳақида маълумот беринг?
10. Техника ҳақида маълумот беринг?

### 1.5. Жисмоний тарбиянинг дидактик тамойиллари

Жисмоний тарбия назариясида амал қилинадиган “жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғлиқлиги”, “жисмоний тарбиянинг соғломлаштиришга йўналтирилганлиги”, “шахсни ҳар томонлама ривожлантириш» тамойилларидан ташқари таълим жараёнининг услубий тамойиллари ҳам мавжуд. Тарбия жараёнидаги барча тамойиллар жисмоний тарбия учун қўлланилиши мумкин, лекин инсон тарбиясининг бу йўналишининг хусусийлиги ўқитишнинг тамойилларига алоҳида мазмун ва талаблар кўяди. Инсон фаолиятининг биологик, физиологик, биохимик, биомеханик қонуниятлари эса фикримизнинг далилидир.

«Онглилик ва фаоллилик», «Кургазмалилик», «Мунатазамлилик», «Кучига ярашалик ва индивидуаллаштириш», «Талабларни аста-секинлик билан ошириш» дек услубий тамойиллар ва қоидаларга тизимли риоя қилиш орқали ўқитиш жараёнида кутилган муваффақиятларга эришиш мумкин.

Ўқитишга онгли муносабат ва унда шугулланувчининг фаоллиги ҳар қандай педагогик жараёнинг самарадорлигини оширади. П.Ф.Лесгафт илгари сурган жисмоний тарбия таълимидаги онглилик ва фаоллилик тамойили ҳаракат фаолиятларини механик равишда тақлид қилиб бажариш орқали ҳаракатларни ўзлаштиришни қатъян қоралайди ва биринчилардан булиб ҳаракатларни таққослай олиш, унинг таҳлилини қилиш орқали назарий билимларни ва ҳаракат фаолиятларини эгаллаш ғоясини илгари сурди. У “жисмоний машқ билан, шугулланиш фақат кучни, жисмоний ривожланганлигининг курсаткичларини оширади”, – деган қўпол тушунчани асосий хатолардан бири деб курсатди.

Тарбия жирафтида бу тамойилни құллаш машғулотнинг умумий визифалырыг қызықиши уйғотиши ва фикрлашни шакллантириш билан бөлишкенди. Энг аввало, ҳаракат фаолиятининг ҳәёттүй-амалийлиги аник миссионир Әрдамида, таълимни мавзулаштириш орқали амалга оширилади. Демек, Үқитишнинг бошланғич этапидаги тор, онгли фикрлаш доираси, қалыптар (қоматининг чиройли бўлиши, кучининг ортиши ва ҳакозолар) машғулотлардаги ҳәёттүй-амалий ҳолатлар орқали, жисмоний маданият ва спорт минигулотларида шахсни ижодий меҳнаттага ва ватан мудофаасига тиббеттисидек вазифаларни ҳал қилиш билан аста-секин ихтисослик биномишига таяниб амалга оширилади. Махсус оммабоп адабиётлар, үзиниминир тавсия қилинади. Назарий билимларнинг ортишига эришиш оидлийик тамойилининг ўзак мақсадларидан биридир. Бу мақсадга эриша олмаслик кундузлик бажариладиган жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларига одатнинг шаклланишини сусайтиради, жисмоний машқлар билан шуғулланишини турмуш тарзига айланишига түсқинлик қиласи. Бундан ташкири, шуғулланувчилар жисмоний маданият, спорт мавзуларига оид мунитим миңручишлар, сұхбатлар, ҳикоялар эшитишлари, мактаб жисмоний тарбия дистурининг назарий қисмини ўрганишлари, методик ва хужжатли физикалар күришлари, ўз-ўзини тиббий назорат қилиш қоидаларини библиография, “актив, пассив дам”, “бажара олиш”, “ҳаракат малакаси”, “олий ҳарбият тартиби”, “миссионити” ижобий ва салбий қучиши” атамалари көспөттениң түшүнүшлөргө лозим.

Уйғиторушчи, мустасабаминини, такомиллаштирилиши лозим болсоң, ҳардан физиологияни нима учун ишнин үқитувчиси ёки мураббий күрситгандек сыйфарин шарт қойылганда үқути оигига этказилиши мажбурияти төзгі көнди. Миниатиган бирмөслир (волейболчи) турмушда бармоқларнинг позик ҳаракатларини толиб қоладиган касбларни эгаллашда (соатсоз, заргар ва бопқалар) құл көленин оигига еттан шуғулланувчи таълим жараёнига онгли муносабатда бўлишидан тишиқари, унинг фаоллиги ортади.

Машқ, ҳаракат техникасини эгаллаш оз энергия сарфлаб самарали ҳаракат қилиш, уни бажарип орқали организмда содир бўладиган турли хил ўзгаришларни тушуниш, топширикка нисбатан онглилик ва фаолликни оширади.

Ўқитувчиларнинг кўтаринки кайфияти, юзидағи табассуми, кийимларнинг ярашганлиги ва ихчамлиги, ҳаракатларни ҳавас қиласидаган даражада чиройли, равон кетма-кетликда бажариши, машқлар таркибини унинг бажарилиши ритмiga мослаб, тўртликлар тарзида бараварига айтиладиган айтишувлар киритилиши таълим жараёнидаги вазифаларни ҳал қилишга зўр қизиқишни кучайтиради ва фикрлашни шакллантиради.

Жисмоний тарбия жараёнида онгли анализ ва жисмоний машқни бажаришда назоратдан фойдаланиш таълимнинг принципиал механизмларидан биридир.

Онгли равиша бажарилаётган “ихтиёрий ҳаракат”нинг моҳиятига етиб, унинг бажарилиши техникасининг асоси, бўғинлари, деталларини назорат қила олишнинг аҳамияти таълим жараёнида ўз самарасини бериши илмий-амалий исботланган.

Абелпскийнинг тажрибаси бўйича шуғулланувчиларни сакраш техникасига ўргатиш учун 120-150 уриниш (попитка) тавсия қилинган. Уринишлар тугаллангандан сўнг шуғулланувчилар билан шу ҳаракатнинг тузилиши, бажариш техникаси ҳақидаги сұхбатлар натижаси ўта қониқарсиз бўлган.

Навбатдаги гурухга эса машқ техникаси, унинг тузилиши, ҳаётий-амалий аҳамияти ҳақида етарли даражадаги назарий тайёргарликдан сўнг машқни бажариш тавсия қилинганда, шуғулланувчилар 2-3 уринишдан кейин машқ техникасини осонгина ўзлаштириб олганликлари кузатилган.

Амалиётда юқори малакали спортчилар машқни спорт техникаси автоматлашган даражада, яъни ҳаракатни олий мақомда бажара олишни ўз олдиларига мақсад килиб қўядилар. Механик равиша тушунмай, кўр-кўроня, таклид тарзида машқ қилишнинг самарасизлиги, сурункали машқ

бийнің жарығында мөбүридан ортиқ энергия сарфлашга, шуғулланувчыда шу  
харакатта иисбеттік соғын, “тоқатсизликни”ни шакллантиради. Шунинг учун  
ондің тәжілі – үз ҳаракатини бағолай олиш, үқитиш жараёнининг чұзилиб  
кеңіншінде олдин олади.

Онгли аналитіда машқ техникасининг таҳлили билангина чегараланмай,  
уннан биомеханик, математик ҳисоблаш, биоритмия ва спорт  
метропотыныннің қонуниятларини назарда тутган ҳолда, шуғулланувчининг  
биомеханикалық, спорт физиологиясы, биохимия соҳаларидаги билимларга  
тәнгендей. Тәсілкни талаб қылувчи машқлар вақтнінг микроинтервалини,  
сокиностың жиһозларидаги машқлар эса ҳаракатнің фазодаги чегараларини,  
зарыптаныннің іткәзилаёттанлигини ҳис қилишдек талабларни құяды, бу үз  
шапқында, ихтиєрій ҳаракатларнінг бажарилишини онгли назорат қилишга  
уралады.

Минцин бажаришдан олдин уннің тузилиши, ижроси ҳаракатнінг  
інформасияның фикран күз олдига келтира олиш (“идеомотор тренировка”) –  
онглиниң тәмомшыларының асосий воситаларидан биридей.

Фаолтық миниулогтарда шуғулланувчиларнің барчасини тугал банд  
келди, уннан фасолияттің “фронтал”, “турухли”, “ташкыллаш орқали”,  
“ағасий жиқеушіл” өнгіл күшімшама спорт анжомлари қўйиш”, кучига яраша  
буникан миниулогтар Бирнеки ҳафтага тайёргарлик ва машғулотдан сўнг  
байори бойнаштар, шуғулланувчилар машқни мустақил бажаришга  
уралады. Үз үшін ортасын сөнір бұлады.

Тәжілі жарығында үннен на мусобақа (“Жисмоний тарбияннің  
үспелілікі” көңілкүнде жарыс) методикасының құлланыши, спорт майдони,  
миниулог. Үткесілдіктегі жарығында әдеби жиһозларини, гигиеник  
орастынан, тилем жарығында шуғулланувчиларды жонбошлик күрсатыш,  
пазификации ҳал ішінде учун жанобағарлік хиссесін үз бўйинга ола билиш,  
мисъулшыттің ҳис этиши ви үшіншілерин жирафасига ижодий ёндашишни  
тарбиялайды.

Машқни кўрсатиш тушунчаси жисмоний тарбия таълими жараёнида ўзининг кенг маъносига кўра педагогика назарияси рамкасидан аллақачонлар чиқиб кетган. Ҳозирги кунда бу тушунча ўзига ҳис қилиши, образли ифодалай олиш, ташқи шаклини ифодалаб намойиш қилишдек кенг маънони олади.

Таълим жараёнида бажариб кўрсатиш ва қўришнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги. Ҳаракат фаолияти ҳақидаги бирламчи (бошланғич) тушунча машқнинг натурал шаклда бажарилишини кўргандан сўнг ҳосил бўлади. Кўргазмали қуроллар, суръатлар, чизмалар, макетлар, кино суръатлар (секинлаштириб олинганлари), кино-бадиий, хужжатли, ўкув фильмлари, видео, мультвидео ва ҳ.к. тарзида кўрсатилади ва тақлид тарзида уларни бажариб ўкувчидан талаб қилинади.

Ўзлаштириш жараёнининг асосий омили ҳисобланган кўргазмалиликнинг икки кўриниши амалиётда мавжуд булиб, улар машқни айнан бажариб ёки воситали ёрдами билан кўрсатиш деб фарқланади.

Айнан ёки воситали кўргазмалилик таълим жараёнида ўқитувчига машқни намунали даражада бажариб кўрсатиш талабини кўяди. Намунали даражадаги кўрсатиш, намойиш қилиш содир булиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш амалда исботланган. Амалиётда эса ҳаракатнинг қандай бажарилишини ўкувчи кўрмай туриб, унинг техникасини ўргатиш бошлаб юборилади ва бу уз навбатида шуғулланувчиларни хатоларига сабаб бўлади. Уларни тузатиш таълим жараёнининг вақтини чўзилишига олиб келади. Машқни намунали тарзда курсата олмайдиганлар машқларни олдиндан танланган ва тайёрлаган шуғулланувчи орқали кўрсатишдан фойдаланиши лозим.

Ҳаракат фаолияти хақида бирламчи (дастлабки) тушунча ўкув кино тасмаси, чизма, расм, макет, плакат ва бошқаларда машқни шуғулланувчиларга кўрсатиш орқали ҳосил қилинади, айниқса, катта, ўрта, мактаб ёшидагилар учун кўргазмалиликнинг бу услуби уларнинг фикрлаши, ҳаракатни ҳис қилиши учун қўл келадиган воситадир. Ҳис қила олиш қобилияти яхшироқ шаклланган шуғулланувчидаги кўз олдига келтира олиш,

башни ким билини (швейцариянин механик) тарзда бўлса ҳам аҳамияти каттадир. Уйинса, таълимнинг кетма-кетлиги ўзлаштиришда (ҳаракатни бўлакларга бертиб үргитиши), йўлланма берувчи машқлар (ҳаракат техникасининг асосий ишни бўлган машқлар)дан фойдаланиш, ҳаракат техникасини ўзлаштиришини осонлаштирадиган (бажарилиши таркибида айнан шу ҳаракат элементлари бор) машқларни қўллаш таълим жараёнига қўргазмалилик саломини қўйдиган асосий талаблар бўлиб, бу ҳаракат хақидаги тушунчалар мозоинин оширади.

Машқни бажаришда “ўз соясидан фойдаланиш”, “ҳаракат сатҳи таълимни белгилаш”, “тақлид қилиш”, “мўлжал олиш”, “ўхшатиш”, “ўргазманлигининг услублардандир.

Булар таълим жараёнини фаоллаштиради, бирламчи малакани юнилинириш ва ҳаракатни олий тартибда бажара олишга йўл очувчи асосий омишлардир.

Индивиддининг имконияти, қобилияти, хусусияти, жинси, ёши, жисмоний риводининглиги, жисмоний тайёргарлиги ва бу тамоил мазмунининг омишлари бўлиб, таълим жараёнини бойитади. Таълимга онгли муносабат, бу яхридилини физиоликнинг намоён бўлиши, танланган фаолиятнинг изжросида ўргазманлигининг самараси, кучига ярашалилик ва индивиддининг хусусиятлари бинан чамбарчас боғлиқ ва кўзланган мақсадга тез эришиш учун постизир.

Кучига ярашалишини туб маъноси организмнинг ҳаётий физиотехникинин калдум ишлари функционал хусусияти ва қобилиятини хисобга олини демайдир. Бу тамоил қобилиятини чегарасини аниқлай олиш ташбии кўюди. Демис, таълим жиришин турли широитда хилма-хил ташки тиқозо этади. Месъёр бўлиб турли хил ёндағиларнинг жисмоний машқлар билан шугулиниш дастурлари, уларнинг жисмоний сифатлари учун белгиланган нормалар хизмат қилиши лозим. Собиқ Иттифоқ жисмоний тарбия тизимида “Мехнатга ва Ватан мудофаасига тайёр” жисмоний тарбия

комплекси жамият аъзоларининг, барча ёшдагиларнинг (6 дан 60 ёшгача) жисмоний тарбиясининг дастури ва жисмоний тайёргарлиги нормаларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, кучига ярашалилик тамойили талаблари чегарасидан чиқмаган. Мамлакатимизда эса бу вазифани Республика аҳолисининг жисмоний тайёргарлигини аникладиган “Алпомиш” ва “Барчиной” тести талаблари ва нормалари бажаради.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларида меъёри аниқлаш тарбиячи мураббийлар ва педагоглар, тиббий ходимнинг биргаликдаги тизимли изланишлари орқали амалга оширилади. Машқ қилиш учун организмга кучига яраша бўлмаган машқ меъёрига машқни организмнинг зўриқиши орқали энергия сарфлашга системали мажбур қилишнинг салбий оқибатлари ҳозирги кунда ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан исботланган. Маълум даражадаги жисмоний тайёргарликка эга бўлган спорт тайёргарлиги бор шуғулланувчининг организми учун меъёр хисобланган ҳажмдаги жисмоний машқлар янги, шуғулланишни эндиғина бошлаганлар учун кучига яраша бўлиши мумкин, лекин уни меъёр қилиб олиш нотўғри бўлади.

Жисмоний тарбияда кучига ярашалилик ўзгарувчандир. Шуғулланишнинг маълум даврида танланган меъёрга чидаш учун катта жисмоний, руҳий зўриқиши талаблари кўйилса, бир мунча вақтдан сўнг у кучига яраша бўлиб, меъёрга айланади, буни тарбия натижасининг ижобий томонга ўзариши деб қаралади.

Маълумки, янги ҳаракат вужудга келган ҳаракатларнинг эскиларини базасида шаклланади. Шунга кўра жисмоний тарбия жараёнидаги асосий ҳал қилувчи ролни машқни ўзлаштириш эгаллайди. Материални шундай ўргатиш лозимки, унинг мазмуни, организмга таъсириининг кучи, ўқитишнинг навбатдаги этапи учун янги поғона ролини ўйнасин. Амалиётда бу фикр “маълумдан номаълумга”, “ўзлаштирилмагандан ўзлаштирилганга”, жисмоний машқлар билан шуғулланишда эса “кучига яраша эмасдан кучига ярашаликка” деб формулировка қилинади.

Булан тиңқари, назифаларни машғулотдан-машғулотга, аста-секинлик олардың индивидуаллаштириш ҳам таълим жараённинг асосий шартларидан боришир. Бу эса осондан қийинлашиб боришни тақозо этади. Булар, албатта, таълим жиравинининг услубий хусусиятларини вужудга келтиради.

Индивидуаллаштириш ўқитишнинг муҳим омили. Ўқувчининг психомоний ривожланганлиги кўрсаткичлари – бўйи, танаси ва аъзоларининг узун ёки қисқалиги, йўтон ёки ингичкалиги, вазни, бўғинлар присигчанилиги, кўкрак қафаси, экспурсияси жисмоний сифатлари – куччилиги, тезкорлиги, чаққонлиги, чидамлилигининг ривожланганлиги, психология нуқтаи назаридан қайси типга мансублиги ва бошқалар индивиднинг хусусиятлари ҳисобланиб, улар таълимнинг самарадорлигига китта таъсир кўрсатади. Ўқитувчи ёки мураббийнинг индивидни қайд қилинган хусусиятларидан бирортасига нисбатан лоқайдлиги тарбия жараёнида, машғулотлар самарадорлигидан кўзланган мақсаддан узоқлаштиради.

### Текшириш учун назорат саволлари

1. Жисмоний тарбиянинг дидактик тамойилларига нималар киради?
2. Онглилик ва фаоллик тамойили деганда нимани тушунасиз?
3. Мунатазамлилик тамойили деганда нимани тушунасиз?
4. Кучига ярашалик ва индивидуаллаштириш тамойили деганда нимани тушунасиз?
5. Кўргазмалилик тамойили деганда нимани тушунасиз?
6. Талабларни аста-секинлик билан ошириш тамойили деганда нимани тушунасиз?
7. Жисмоний тарбия дарсларида дидактик тамойили қандай қўлланилади?
8. П.Ф.Лесгафт дидактика ҳақида нима деган?
9. “Франтал” дегани нима?
10. “Гурухли” дегани нима?

## **1.6. Бошланғич синфлар жисмоний тарбия машғулотларда**

### **құлланиладиган жисмоний тарбия методлари**

Жисмоний тарбиянинг үқитиши предмети сифатидаги махсус билим ва ҳаракат фаолиятлари үқитувчидан үқитишига хос маълум усуслар ва усусларни билишни талаб этади. Таълим (үқитиши)нинг усуслари күп бўлишига қарамай уларнинг ҳеч бири универсал эмас. Таълим усусларининг тавсифини билиш бу услублар таркибидан қулайини танлаб олишга, үқитиши вазифаларини ҳал қилиш учун нисбатан самаралиларини ажратиб олишга имкон беради.

Үқитиши жараёнининг турли шароитда, турли хилдаги шуғулланувчилар билан кенг доирадаги вазифаларни ҳал этиш имкониятини берадиган ва тарбиячи ёки мураббий құллайдиган фаолиятни усулият деб аташ қабул қилинган бўлади. Масалан: кўргазмалилик ҳаракат фаолиятлари билан таништириш, уларни турли ёшдаги үкувчилар, катталарда такомиллаштиришдек турли хилдаги таълим вазифаларини осон ҳал қилишда фойдаланиш мумкин.

Усул - бу педагогнинг шундай таъсир фаолияти, үқитишнинг қандайдир маълум бир шароитида таълимнинг хусусий вазифаларини (ёки уша вазифаларни бирор қисмини) осон ҳал этиш учун құлланилади. Масалан: машқни үкувчига ёnlamasiga ўзи ён томони билан туриб кўрсатиши үкувчига тўғри туриб кўрсатгандан яхшироқ самара беради. Тушунча осон ҳал бўлади.

Хар бир методнинг турли хил методик усуслари бўлиши мумкин. Улар сон-саноқсиз даражада кўп бўлиб, маълум вакт мобайнида айримлари йўқ бўлиб кетса, айримларининг кўринишлари ўзгаради, үқитувчининг ижодий изланиши, фаолияти натижасида янгилари ҳам вужудга келиб, амалда қўлланилади. Кўпинча үқитиши даражасига хос методик усуслар ҳажмини үқитувчи, мураббийнинг кўпроқ билиши уларнинг фаолиятига баҳо беришда муҳим роль ўйнайди.

Тажрибасиз үқитувчиларда баъзан усулият - методик усульнинг ташки аломатларини ўзида мужассамлагандек кўриниши мумкин. Масалан: айрим

Запискин бўлакларга ажратиб ўргатиш уларнинг тизимини яратадан иссиликни олиб келади, натижалар кутилгандай бўлмайди. Бу усул кўп холди методик усулга ўхшаш бўлади. Аслида у янги ҳаракатни ўчиштиришида қўлланиладиган асосий усулиятдир.

### **Таълимнинг усулиятларига қўйилган умумий талаблар**

Ҳар қандай конкрет ҳолатда у ёки бу усулиятни мақсадга мувофиқ ҳолда қўллани қатор талабларга риоя қилишни тақозо этади:

**1. Усулият, албатта, илмий асосланган бўлишилиги (олий нерв фаолияти) мувофиқлиги.**

**2. Қўйилган вазифага ўқитиш усулиятининг мувофиқлиги.**

Вазифаларнинг олдиндан аниқ белгиланмаслиги таълим усулиятларини тўгри танлаш имконини бермайди. Мисол, дарсда “козёл”дан оёқларни кериб таяниб сакрашни ўргатиш (ўқитиш) вазифаси қўйилган бўлса, усулиятни танлаш мумкин бўлмай колади (бўлакларга ажратиш билан ва ҳаракатни тўла бажариш билан ўқитиш методларига таяниш мумкин холос). Нисбатан аниқ вазифа, масалан, “козёл”дан оёқларни кериб сакрашда қўллар билан “депсиниш”ни ўргатиш қўйилса, машқни бўлакларга ажратиш билан ўргатиш усулини қўллашга имконият пайдо бўлади.

**3. Таълим усулиятини ўқитиш жараёнида тарбиялаш характерини шакллантириши.** Ҳар бир танланган усулият айнан шу ҳаракат фаолиятини ўқитишнинг фактат эфектини таъминлаш нуқтаи назаридангина бўлмай, тарбия вазифалари позицияси талабига қараб ҳам боғланиши зарур.

**4. Усулиятларнинг қўлланиши таълим тизимидағи барча тамойилларнинг мувофиқлиги ва амалда қўлланилишига таянишига лозимлиги.** Усулиятни алоҳида олинган тамойил билан алоқасини бир томонлама изоҳлаш ва уни тушунтиришига йўл қўйиб бўлмайди. Масалан: агар ўқитувчи кўрсатиш усулиятини қўллаган бўлса, уни кўргазмалилик тамойилига тўла риоя қилаётир деган хulosamiz хотүгри бўлади. Маълумки, бу тамойил қатор усулиятлар тизими орқали қўлланилади.

**5. Ўқув материалы хусусиятларининг мувофиқлиги.** Ўқитиш методлари маълум даражада бўлса-да жисмоний машқларнинг турларига боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда фақат сўз билан ифодалашнинг ўзи кифоя қилса, нисбатан қийин вазифаларни ҳал қилишда эса қўрсатиш усулиятини ҳам қўллаб туришга тўғри келади. Ўйналадиган машқлар, гимнастика, спорт ва туризм тарзидаги машқларни ўқитиш ўзининг хусусий усулиятларига эга эмас. Жисмоний тарбия усулиятлари жисмоний машқларнинг барча турлари учун бир хилдир. Шу билан бирга бу турларнинг ҳар қайсиси қандайдир даражада бўлса-да, бир хил усулиятнинг усулларидан фойдаланишга йўналтирилган бўлиб бошқаларидан нисбатан озроқ фойдаланилади. Бундай қарамлилик қанчалар кам бўлса, ўқитиш натижаси шунча яхши бўлади.

**6. Ўқувчилар ва гурӯҳнинг тайёргарлигини мувофиқлиги.** Масалан, айрим ҳаракат фаолиятларини ўзлаштиришда яхши тайёргарликка эга ўқувчилар учун қисмларга ажратиб ўргатиш методини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, нисбатан тайёргарлиги мавжуд бўлганлари учун эса бу ҳаракат фаолиятни эгаллашни йўлланма берувчи машқлар билан бошлиш лозим бўлади. Сўз билан ифодалаш усулиятидан фойдаланишда ўқувчиларнинг умумий билимлари даражаси бир мунча юқори бўлса, ўрганиш жараёни осон кечади.

**7. Ўқитувчининг индивидуал хусусиятлари ва имкониятларининг мувофиқлиги.** Албатта, ҳар бир педагог таълимнинг барча усулиятларини тұла ҳажмда эгаллаган бўлиши, баъзи ўқитувчилар айрим усулиятларни яхши, айримларини эса яхши билмайдилар. Жисмоний тарбия жараёнида ўқитувчининг бундай хусусиятларни ҳисобга олишга тўғри келади. Агар маълум ҳолатда икки хил усулиятдан бир хил натижа чиқиши аниқ бўлиб қолса, албатта, ўқитувчи ўзи пухта билган усулиятни қўллаши лозим.

**8. Машғулотлар шароитининг мувофиқлиги.** Масалан, мактабдаги дарсларда тирмашиб чиқишига ўргатиш фақат бир ёки икки арқон билан амалга оширилса, ҳаракатни бир бутунлигича тұла ўргатиш усулиятидан фойдаланиш самара бермайди, чунки машғулотнинг зичлигига путур этади.

Судон фойдаланиш методида ўқитувчи залнинг акустикасини ва спорт ойданнинг сатҳини ҳисобга олмаса, ўзи учун қўшимча нокерак тұжымдашып дуц келади.

9. Усулиятларнинг турли хилларидан фойдаланиш талаби. Усулиятларнинг ҳеч қайси бири гегемон, етакчи ёки универсал була склади. Уларнинг барча турларидан фойдаланиш, таълимнинг самарасини ошириди. Ҳар бир усулиятнинг ўзига хос яхши томонлари бўлишини оғизбордан соқит қилиб бўлмайди. Улардан саводсизларга фойдаланишнинг мөрбати яхши бўлмайди. Самара бераётган усулиятлар бошқа пайтда умуман ироқиз, ҳатто заарали ҳам бўлиб қолиши мумкин. Щунинг учун педагогика жорійни таълимнинг усулиятларидан мақсадга мувофиқини танлай билишни тикозо этади. Кўрсатиш тушунтириш билан, тушунтиришни кўрсатиш билан ифодалаш, тузатишлар кўрсатмалар ва ҳоказолар билан қўшиб олиб борилган ўкун-тарбия жараёни амалиётда ўз самарасини тез кўрсатади. Шуғулланувчиларнинг баркаси учун ярайдиган, таълим шароитининг баркаси шароитига мос келадиган усулиятлар умуман йўқ десак, хато қилмаган бўламиз. Амалиётда қайси бир усулиятни универсал метод сифатида юқори баҳоласак, уни барча ўқитувчи кўллай бошлайди, бу ўз навбатида, ўқитувчи ижодкорлигини чегаралаб кўяди, ўкувчининг барча имкониятларидан фойдаланиш имконини бермайди. Бу фикр П.Ф.Лесгафт томонидан образли тарзда ифодаланган: “Айтиш мумкинки”, “Усул бу мен”. Усул шундан иборатки, билимли, тушунадиган ўқитувчи ўз ишини ўзи олиб бораверади”.[9]

**Таълим усулиятлари тавсифи.** Ўқувчиларнинг билимларини ошириш, малака ва кўниқмаларни эгаллаш учун таълим методлари уч гурухга ажратилади. Ҳар бир гурух бир неча хил методларни ўз ичидаги мужассамлаштирган. Мужассамлаштирилган усулиятларни жисмоний тарбия таълими жараёнидаги ўрнига кўра сўздан фойдаланиш, кўргазмали ҳис қилиш ва амалий усулиятлар деб гурухланади ва улардан педагогик жараёнда кенг фойдаланилади.

## **Ўқитишининг усулиятлари**

**Сўздан фойдаланиш усулиятлари** - ҳикоя, ифодалаш, тушунтириш, сухбат, муҳокама, топшириқ, кўрсатма, баҳолаш, буйруқ.

**Кўргазмали ҳис қилиш усулиятлари** - кўрсатиш, намойиш этиш, плакатлар, кинограммалар, доскага бўр билан чизиш, ўкувчиларни ўзи чизгани, макетлар, моделлар, ранг ва товуш сигналлар.

**Амалий усулиятлари** – қатъиян ва қисман регламентлаштириш ва ҳаракатни бир бутунлигича тўла ўргатиш. Ўйин ва мусобақа.

Усулиятларнинг мавжуд уч гурухи орқали ўзлаштирилган фаолияти билан организмнинг турли анализаторлири тизими ёрдамида таништириш таъминланади: ўкувчи эшитади, ўқийди, ўзи ҳаракат жараёнини ҳис қиласди. Ишга иккала сигнал системаси жалб қилинади. Ҳаракат фаолиятини ўқитишида амалий усулиятлар муҳим ахамият касб этади. Биринчиси, иккинчисига пойдевор қўйса, уни қуриб битириш, яъни ҳаракат фаолиятининг ижроси ўйин ёки мусобақа усулияти орқали амалга оширилади.

Ўқитувчи ўз фаолиятини асосан сўз ёрдамида (конструктивлик, ташкилотчилик, изланувчанлик орқали) амалга оширади, шунингдек, ўкувчилар билан ўзаро мулоқот ва муносабат ўрнатади. Сўз таълим жараёнини фаоллаштиради, айтарли тўла ва аниқ тасаввурнинг шакллантиради, таълимнинг вазифасини чуқурроқ ҳис қилиш ва фикрлашга ёрдам беради. Сўз ёрдамида ўқитувчи ўкув материалидан фойдаланади, унинг ўзлаштирилиши натижасини баҳолайди ва таҳлил қиласди, бу билан ўкувчини ўз-ўзини баҳолашга ўргатади ва ниҳоят, сўз бўлмагандан, ўқитувчи таълимнинг барча жараёнига ҳаракатларни, ўкувчининг хулқи юриш-туриши ва бошқа шунга ўхшаш жараёнларни бошқара олмаган бўлар эди.

Шундай қилиб, ўқитувчи сўзнинг икки функциясидан фойдаланиш имконига эга, биринчиси, сўзнинг маъноси орқали ўқитилаётган материалнинг мазмунини ифодалаш, иккинчиси, эмоционаллик - ўкувчининг ҳиссиётига таъсир этиш функциялари.

Сүзини міньоси ҳаракат вазифасини ҳал қилишда ўқувчилар учун  
мәннен көзінің түшунарлы ифодалайдиган бұлсін. Б.А.Ашмарин қуидаги  
жобағын тапсындарин тақлиф этади.

1. Сүз міньосининг мазмуни ўқувчилар хусусиятлари ва таълим  
вазифаларига мувофиқлашған бўлиши; янги ҳаракат фаолиятини  
түшунтиришдан аввал дастлабки түшунтиришдан фойдаланиш, бу билан  
харәкәт фаолияти асосини англаш ва сўнгра ҳаракат техникасининг  
жетекларини баён қилиш ва унга тушуниб бориш.

2. Сўздан фойдаланган ҳолда ўзлаштириладиган ҳаракат фаолиятини  
фойдасини түшунтириш. Масалан, болалар тирмашиб чиқишининг эркин  
усулини бир оз билғанликлари сабабли кўпинча координация талаб  
келдиган уч усул билан тирмашиб чиқиши ўрганишга хоҳиши пасайиши  
юз беради. Тушунарли тарзда бу усулининг афзалликлари тушунарли сўзлаб  
беришса, ўзлаштиришга салбий муносабатни йўқقا чиқариш мумкин.

3. Сўзниң ҳаракат фаолиятидаги алоҳида ҳаракатларнинг ўзаро  
боғлиқлигини аниқлашдаги зарурлиги. Айниқса, йўлланма берувчи  
машқларни бажаришда буни ёддан чиқармаслиги лозим. Бундай машқлар  
айтарли эмоционал бўлмай, уларни ўзлаштирилаётган асосий ҳаракат  
фаолиятлари билан боғлиқлигини англаш кераклиги талаб қилинади.

4. Ўқитувчининг машқ техникаси асосини түшунтиришдаги нутқига  
катта аҳамият бериш, асосий зўриқиши талаб қилинадиган дақиқаларини  
еслатиши. Одатда бу мақсадда кўрсатма айтиш тарзидаги ифода ва иборалар  
(“кўлларни”, “бошни” ва ҳ.к.) дан фойдаланилади.

5. Суз образли бўлиши кераклиги. Образ воситасида ифодалаш  
машқнинг кўргазмалилигини оширади ва ўқувчиларга фаолиятни анча  
тушунарли қиласи. Ўқувчилар билимлари ва ҳаракат тажрибасини ҳисобга  
олган ҳолда, ўқитувчи қўйилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган  
керакли деталларга ўқувчи диққатини қаратиши мумкин.

6. Ўқувчиларга ҳали автоматлашмаган ҳолда бажараётган ҳаракатлари  
ҳақида (тузатишга тўғри келиб қолган пайтлардагиси бундан мустасно)

гапириш мақсадга мувофиқ әмас. Ўқитувчи ўкувчининг автоматлашган ҳаракатлари ҳақида гапирса, ўкувчи ижро вақтида ҳаракатни ўша фазалари устида ўйлади, натижада автоматлашган ҳаракатлар таркибида узилишлар содир бўлади.

Сўзнинг эмоционаллик хизмати ўкув ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Эмоционал жиҳатдан ранг-баранглик сўзнинг таъсир кучини оширади ва маъносини тушунарли қилади. У ўқитувчининг ўз фанига, ўкувчига бўлган муносабатини билдиради, ўкувчининг қизиқишини оширади, ўзининг ютуғига ишонтиради, қийинчиликларни енгиш учун куч бағишлайди.

Умумий педагогика жараёнида доимо сўздан фойдаланилади. Жисмоний тарбия жараёнида уни қўллаш ўзига хос мазмuni ва услубий хусусиятлари билан ажралиб туради.

Айтиб бериш (хикоя) – ўкувчи фаолиятини ўйин тарзида ташкиллаштириш учун кўпинча ўқитувчи томонидан айтиб бериш қўлланилади.

**Сўз билан ифодалаш** – бу ҳаракат фаолияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш усули бўлиб, фаолиятнинг характерли белгилари сўз орқали саналади, нима қилиш лозимлиги тушунтирилади, нима сабабдан айнан шундай қилиш зарурлиги гапирилади. Ундан ўкувчининг ҳаракат тажрибаси ва билимiga асосланиб дастлабки – бирламчи тушунча ҳосил қилиш ёки энг содда ҳаракатларни ўзлаштиришда фойдаланилади.

**Тушунтириш** – ҳаракат фаолиятларига онгли муносабатнинг муҳим усулларидан бири бўлиб, у “нима учун?” деган асосий саволга жавоб беради.

**Сұхбат** – бир томондан, фаолликни оширади, ўз фикрини айтиш малакасини шакллантиради, бошқа томондан, ўқитувчига ўз ўкувчиларининг билиш, бажарилган ишни баҳолаш учун ёрдам беради. Сұхбат факат ўқитувчининг ўкувчиларга берган саволлари ва уларга ўкувчиларни жавоблари ёки ўз дунёқарашларини эркин гапириб бериш, ўртага ташлаш тарзида амалга оширилади.

**Мұҳокама** - бирор вазифаны аниқ ҳал қилиб бүлинганидан сўнг үтказилиши билан сұхбатдан фарқ қиласы. Мұҳокама үқитувчи томонидан үтказилса, бир томонлама үкувчилар иштироки билан үтказилса, икки томонлама бўлди деб айтиш мумкин.

**Топшириқ** – дарс олдидан вазифа қўйиш ёки дарс давомида хусусий вазифа қўйиш тарзида берилади. Вазифанинг биринчи шакли шу билан характерланадики, үқитувчи бирданига вазифани бажаришининг бир неча усулларини топшириқ тарзида тушунтиради. Үкувчиларга эса фақат талаб қилингандарни бажариш вазифаси қолади холос. Топшириқнинг иккинчи шакли үкувчилар учун нисбатан қийинроқ бўлиб, улар үқитувчидан вазифани фақат ифода тарзида оладилар, уни ҳал қилиш, ечишни мустақил қидиришга мажбур бўладилар.

Баҳолаш ҳаракат фаолияти бажарилишининг таҳлили натижасидир.

**Кўрсатма** – қисқалиги билан ажралиб туради ва сўзсиз бажаришни талаб қиласы. Бу үкувчи дикқатини фақат вазифани бажариш лозимлиги ва бир вақтнинг үзида уни бажариш мумкинлигига қаратади, үкувчининг ишончини ошириш учун хизмат қиласы. Кўрсатма орқали үкувчи вазифани ҳал этишнинг аниқ мўлжалини, шунингдек, хеч бир асосларсиз хатоларини тузатиш мумкин.

**Команда** – жисмоний тарбия жараёнидаги хусусий ва энг кўп тарқалган сўздан фойдаланиш усулияти. У фаолиятни сўзсиз бажариш, ҳаракатни тугатиш ёки темпни ўзгартиришнинг буйруғи шаклидир. Сафдаги командалар (армияда, дарсда, машғулотлардаги), ҳакамликдаги маҳсус реплика (сўз ташлаш)лар, старт олиш командалари ва бошқалар тарзида учрайди. Мактабгача ёшдаги болаларда командалар қўлланилмайди. Бошланғич синфдаги болаларда эса командалар чекланган бўлади. Командаларнинг самарадорлигига сўзни зарур ургу билан талаффуз эта билиш, нутқ ва үкувчилар ҳаракати ритмини ҳис қила олиш ва ривожлантириш, овознинг оҳанги ва кучи, уни турлича ўзгартира олиш қобилияти, қадди–қомати, қўлларини ифодали ҳаракатлантира олиши ҳамда

Ўкувчиларнинг интизомига юқори даражадаги таъсир этадиган воситаларданdir.

Саноқ – керак бўлган ҳаракат темпини йўлга қўйишда фойдаланилади. У бир неча усуллар орқали амалга оширилади; овоз билан ҳисоблаш (“бир, икки, уч, тўрт!”), бир бўғинли сўзларни кўшиб санаш (“бир-икки-нафас олинг!”) ва ниҳоят, турли хилдаги қўшиб санашлар, қарсак, ритмли овоз бериш ва х.к.

Бу гурухдаги усулиятлар шуғулланувчиларда ҳаракат фаолиятининг бажарилишини кўриш ва эшитиш орқали таъминлайди. Кўриш, бажарилаётган пайтдаги эшитиш ҳам шуғулланувчиларда ҳаракат фаолияти хақида ҳар томонлама кенг тасаввур ҳосил қиласди, бу навбатдаги такрорлаш учун тахминий асосни кенгайтиради. Кўргазмали ҳис қилдириш нисбатан чуқурроқ, тезроқ ва пухтароқ ўзлаштиришга имконият беради, ўзлаштириладиган ҳаракат фаолиятига қизиқиши орттиради. Болаларни ўқитишида кўргазмали ҳис қилдиришда муҳим роль ўйнайди, чунки уларда тақлид қилиш, бевосита изжрони кўришга интилиш жуда кучли ривожланган.

Кўрсатиб ҳис эттириш шундагина кўл келадики, қачонки, машқнинг ижросини кўриш орқали қабул килинаётган ҳаракат фаолияти структураси тушунарли ва ўқувчи онгига етган бўлса, улар таълим жараёнидаги фаол ва самарали фаолиятга туртки бўлади. Агарда шуғулланиш жараёни жонсиз, фаолиятлар номигагина бажарилса, бунда ўқувчилар пассив ижрочига айланади. Натижада ўрганувчи ўзининг ҳаракат фаолиятини таҳлил қилишга ҳаракат қилмай, диққат эътиборини ҳаракатнинг ташқи томонига кўринишига қаратади холос, бу ўз навбатида, психик жараёнларнинг активлитини пасайтиради, фикрлашнинг бир томонлама бўлишига олиб келади.

Ҳаракат фаолиятининг ўқитувчи (ёки ўқувчи) томонидан намойиш қилиниши жисмоний тарбия таълимида зарурий кенг тарқалган усулиятлардан ҳисобланади.

Ўқувчининг онги унга кўргазмали сингдирилганига тақлид қилиб турдими таҳлил қила олиш қобилиятига боғлиқ. Агар ўқувчи кўрганини оғанин қина олса ва у таҳлилга ўргатилган бўлса, унда тақлид қилиш ўқувчининг билими, ўзлаштириш қобилиятини ўсиши учун самарали суннадан бирига айланади. Ўқитувчининг сўзисиз тақлид қилиш “кўргину бўладар” тамойили асосида ўқитиши, кўрган машқининг бажарилишини тушунмай, фикрламай мантиқсиз тақрорлашга айланади. Натижада ўқувчи ўқитуучиси кўрсатганини кўр–кўrona бажарадиган, ҳаракат фаолиятларининг асосий қонуниятларини англамайдиган ижрочиларига оғаниниб қолиши мумкин, бундай ҳолатга йўл қўймаслик лозим.

Кўрганига тақлид қилиш асосан ўқувчининг ёши ва жисмоний тайёргарлиги даражасига боғлиқ. Кичик мактаб ёшидаги болаларда тақлид қилишга интилиш, синчковлиги, қизиқувчанлиги орқали содир бўлади (асосан, катталарга ўхшашга уриниш), катта мактаб ёшидаги болаларда эса ҳаракат фаолиятига онгли муносабат, ҳаракат техникасини тушуниб, осонроқ шарт тезроқ эгаллашга интилиш асосида содир бўлади.

Кўрганига тақлид қилишнинг самарадорлиги тўрт факторга боғлиқ:

- 1) ўқувчиларнинг тақлид қилишга тайёрлиги, уларнинг тайёргарлиги даражасининг тақлид қилинадиган объектни ўрганишдаги қийинчилигига, мувофиқлиги, шунга кўра, жисмоний машқ ижроси қийинлиги шундай даражада бўлсинки, уни эгаллаш учун ўқувчидан факат максимал зўриқиши талаб қилинсин;
- 2) ўқувчиларнинг тақлид обьекти ҳақидаги тасаввурларининг тўлалиги;
- 3) ўқувчидан қизиқишига сабаб бўладиган тақлиднинг таълимга хос туб мотиви учун имкон яратиш, унинг моҳияти даражасини фарқлай билиш;

Жисмоний машқни кўрсатиш учун қўйиладиган методик талаблар:

- a) ўрганилаётган ҳаракат фаолиятини ижодий тақрорлашга имконият очиш мақсадида кўрсатишни комментария қилиш билан олиб бориш;

б) курсатиш пайтида ўкувчиларнинг ўқитувчининг эмоционал ҳолатига тақлид қилишини эътибордан четда қолдирмаслик орқали таълим жараёнига муносабатни шакллантириш мухим аҳамият касб этади.

Курсатишнинг мазмунини ўқитиш вазифалари мазмунига мувофиқлиги:

а) кўриши орқали тўла тасаввур ҳосил қилиб, машқни тақорлай билиш, курса-ю ҳаракатини бажара олмаса таълимда самара бўлмайди;

б) ҳаракат фаолиятини эгаллаш, ўрганишни кўрсатиш талаб этилса, машқ техникасининг ижроси курсатувда ишдивидуаллаштирилиши ва спорт маҳоратини юқори даражада ифодалайдиган бўлиши лозим;

в) ўкувчи диккатини алоҳида ҳаракатларга ва акцентлаштирилган зўриқишлиарга қаратиш лозим бўлиб қолса, курсатиша машқнинг айнан ўша жойлари тақориий, ургу бериб, секинлаштирилиб намоён қилинади, аниқ бўлмаган, палапартиш курсатишлиарга йўл қўйилмаслиги, ижро эса ўкувчилар томонидан намуна сифатида қабул қилиниши керак бўлади.

Жисмоний машқни ўкувчи томондан курсатишга қўйидаги ҳолларда рухсат берилиши мумкин:

а) ўқитувчи саломатлиги ёмонлиги туфайли ҳаракат фаолиятини курсата олмаса;

б) курсатиша ўқитувчи имкони бўлмай нокулай ҳолатда туриб қоладиган бўлса (масалан, боши ерга қараб ёки ўкувчиларга орқаси билан туриб қолса);

в) ўқитувчи ўкувчида ҳаракатни бутунлай бажариб бўлмайди деган фикр тўла онгига сингиб қолганини сезган тақдирда уни йўқотиш учун;

г) ўкувчи мисолида машқ ижросини индивидуаллашган техникасини намойишкорона бажариш керак бўлиб қолган тақдирда.

Курсатиша ўқитувчи шундай низомга риоя қилиши керакки, у барча ўкувчиларга раҳбарлик қила олсин, ўкувчилар машқни фақат бир томондан эмас (масалан, ён профилда оёқларни букиш ёзишнинг кўриниши қандай бўлади ва х.к.) курсата олсин.

Бундан биркинин керак эмаслигини кўрсатиш”ни ўқитувчи томонидан  
жизоний қилинга рухсат бериладиган ҳолатлар: ўкувчи бажарилган машқга  
табоботий қаринни билса; ўзларининг ҳаракатларини таққослаш солиштириш  
жизонияни эга бўлса; машқни таҳлил қила оладиган бўлганларида;  
контактини шонтирадиган тушунтиришлар билан олиб бора олса ва  
жизонини тақид, масҳара қилиш мақсадида бўлмаса. “Ойнада” аксини  
уралиск кўрсатувлар факат содда ҳаракатлар, асосан, умумий  
ривожинтирувчи машқларни кўрсатишида қўлланилиши тавсия этилади.  
Ейтин ҳаракатларни бу усулда кўрсатиш қоидага кўра ижронинг  
табиийлигини, Энгиллигини йўқолишига олиб келиши амалиётда  
изботланган.

**Кўргазмали қуролларни намойиш қилиш** – ҳаракат фаолиятини  
предметли тасвирини хис қилиш учун қўлланилади. Намойиш қилиш  
кўрсатишидан кўра қулайликга эга ва керак бўлса, диққатни статис  
қонгларга, фазаларнинг алмашинишига қаратиш имконияти мавжуд бўлади.  
Намойиш педагогик вазифа билан қанчалар аниқ боғлиқ бўлса, уни дидактик  
имконияти шунчалар ортади. У қўшимча усул бўлиб қўлланилаётган у ёки бу  
методни тўлдириш учун хизмат қиласди. Кўргазмали қурол ўзининг ўлчови,  
шакли, ранги, ўз элементлари жойлашишининг зичлиги билан ўкувчи  
томонидан жадвални қабул қила олиш тамойилларини ифодаласин, турлича  
кўргазмали қуролларнинг ҳар бирини намойиш қилинишида риоя қилиниши  
лозим бўлган айрим усулият қоидаларга буйсунсин.

**Плакатлар** – ҳаракат ҳолатини курсатишида бажаришда урғу берадиган  
қийин жойларни ўзида акс эттириши, ўкувчи диққатини чалғитадиган  
элементлардан ҳоли бўлиши зарур. Айниқса, мазмунига кўра фаолият  
таркибидаги ҳаракатлар кетма-кетлигини бир вақтнинг ўзида акс эттирган  
плакатларнинг киммати юқори бўлади.

**Намойиш қилиш** – ўкувчилар томонидан материални қабул қилишга  
шароит яратиши зарур: биринчидан, болаларда кузатиладиган предметга  
қизиқиши шакллантириши; иккинчидан, уларнинг диққати таълимнинг аниқ

вазифаларига ҳал қиладиган этакчи элементларга йўналтирилган бўлиши зарур. Тушунтириш ва намойиш қилиш вақти, ҳажмини таълимнинг вазифасига бўйсундириш керак бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам кўргазмали хис қилиш ўқитувчи саволлари ва ўқувчининг жавобларини натижаларни аниқлаш учун аҳамияти каттадир.

Плакатларни намойиш қилиш техникасининг барча учун бир хил талаблари мавжуд эмас. Улар дарсдан, машғулотдан олдин илиб кўйилади ёки дарс давомида ҳаракат фаолиятининг зарур бўлган фазалари, элементларини ўқувчилар дикқатининг аниқ вазифаларни ҳал қилишга йўналтириб намойиш қилиш учун амалиётда кўлланади. Ўқувчиларни чалғитмаслик учун намойишдан сўнг улар тезлик билан йигиштириб олиниши ёки жоиз бўлса, қолдирилиши ҳам мумкин.

**Доскага бўр билан чизмалар чизиш – ўқитувчи етарли даражада чиройли чиза олиш қобилиятига эга бўлсагина рухсат этилади.** Бу плакатлардан бир оз афзалликкага эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг ўрнини тўла боса олмайди. Биринчидан, ҳаракат фаолиятини аста-секинлик билан чизаётib, ҳаракат фазаларини навбат билан алмашиниши, машқ техникасининг асоси, унинг деталлари ҳақида эсда қоларли тасаввурни ҳосил қилиш осон бўлади. Иккинчидан, расм жуда ҳам содда, майда - чуйдалардан ҳоли бўлиши мумкин, у ўз навбатида, ўқувчиларни чалғитмайди. Учинчидан, доскадаги расм намойиш қилишининг энг оператив методи, дарснинг ҳар қандай дақиқасида қўшимча вақт сарфламай, ўқитувчи ундан фойдаланиши мумкин.

Ўқувчиларнинг ўзларини ҳаракат фаолияти хақидаги чизмалари, ўз фикрларини график тарзда ифодалаш, бажара олишни образли қилишни ўйлашга ўргатади.

Жисмли кўлланмалар нисбатан чегараланган дидактик имкониятларга эга. Тўла кўриниши, ёнбошдан, гавданинг тўла ҳаракати траекторияси, амплитудасини намойиш қилиш имконини беради.

**Кинофильм** – барча техник қийинчиликларга қарамай, педагогик қартина жуда катта дидактик имкониятларга эга. Кинофильм ҳаракат фасонити ижросининг энг юқори спорт маҳорати даражасида, қолаверса, уни ғалабантириб секинлаштириб, тұлалигича, айрим деталларига акцентни өткөтіп күп маротабалаб тақрорлаш имконини беради. Күргазмали ҳиссесинде ҳаракат ҳолатининг тезлаштирилган частотада кинога олиш жуда салғындықтың тәсілдерінде қарастырылады. Бу, үз навбатида, ҳаракатнинг барлық деталларини күриш имконини беради.

**Овоз ва рангли сигналлар** – керак бүлган товушли ва рангли мұлжаллар - ҳаракатни бошлаш ёки тугаллаш (ёки алоҳида ҳаракатлар) учун позитив бүлган темп, ритм, амплитуда ва ҳоказоларни беришда құл келади. Бу метрономни “уриши” ҳаракатта керакли темп бериш учун, ердаги белгилар, биірекчалар, улоқтириш ва х.к. Кенг тарқала бошлаган электрон овозли стикцилар, автоматлаштирилган мүлжаллар (мишенлар), зудлик билан шыборот берувчи махсус қурилмалар таълим жараёнининг самарадорлигига тиісир күрсатмоқда.

Бу усулиятлар үкувчиларнинг үзларини фаол ҳаракат фаолиятларига иссосланған. Шартли равище уларни икки гурухға ажратамиз: қатыиған ва қисман регламентлаштирилған машқ усулбиятлари (Б.А. Ашмарин). Улар орасидаги фарқ нисбий. Даражаси ва ҳарактери турлича бүлса-да, регламентлаш дақиқаси ҳар бир усули ҳам мавжуд. Маълум шароитда турлича кичик гурухлардаги (подгруппадаги) икки хил усул бирлаштирилиши мүмкін. Қисман регламентлаштирилған машқ усули ва мусобақа усулияты орқали бир хил ҳаракат фаолияти үқитилиши мүмкін.

**Қатыиған регламентлаштирилған машқ усулияты** – ҳаракат шаклини, юклама катталигини, унинг ортишини, дам олиш билан түғри навбатлашувини ва регламентлаштириш орқали ҳаракат фаолиятини күп маротабалаб бажариш билан характерланади. Бунинг натижасида алоҳида

ҳаракатларни танлаб олиб, аста-секинлик билан улардан зарур бўлган ҳаракат фаолиятини тузишга имконият яратилади.

Ҳаракат фаолиятини ўзлаштиришдаги бўлакларга (қисмларга) ажратишни тўла ўргатиш усули билан бир-бирини тўлдириши ва турли шароитга мувофиқ, ўкув вазифаларини аниқ белгилаб ўкувчиларнинг гурухли ва индивидуал характеристикасига, таълим этаплари, ўкув материалининг ҳарактери ва мазмуни, ўкув воситаларининг сони (жиҳозлар, снарядлар ва бошқалар)га қараб қўлланилиши керак. Асосан, бу усулидан жисмоний сифатларни ривожлантириш мақсадида фойдаланилади. Машқ белгиланган вақт ичида танланган ҳаракат суръати (темпи), ритми, амплитудаси ҳаракат фазаларини ўзгаришсиз берилган кетма-кетликда олдиндан тузилган дастур асосида бажаришни тақозо қиласи.

Қисмларга (бўлакларга) ажратиш билан ўзлаштириш усули бошланишида ҳаракат фаолиятини алоҳида бўлакларга ажратиб, уларни аста-секин зарур бўлган умумийликка бирлаштиришни назарда тутади. Бу усулиятни тўлақонли амалга ошириш кўп ҳолда ҳаракат фаолиятининг алоҳида бўлакларини қисмларга ажратса олиш ва уни ажратиш лозим эмаслигини билишни ҳамда амалда уни бажара олишни уddyalай оладими-йўқми шунга bogliq. Педагогик амалиётидаги қатор илмий ва амалий изланишлар ҳар қандай ҳаракат фаолиятини таркиб топтирган бўлакларга – қисмларга ажратиш мумкинлигини исботлади. Қисмларга ажратиш чегараси ва унинг ҳарактери таълимнинг вазифаларига мувофиқ ҳолда, машқни бўлаклай олишни билишни тақозо этади. Бир бутун таркибдаги алоҳида элементлар орасида белгиланган муносабатлар ўрнатилади. Бир бутун бўлишни аниқлаш фақат уни қисмларга ажратишни англаш, бир бутун бўлиш қонуниятларини билиш орқали амалга оширилади.

Бўлакларга бўлиш қисмларга ажратиб ўргатиш усулиниң ҳарактерли белгиси хисобланади. У бутун бир ҳаракат фаолиятини эгаллашни енгиллаштирувчи бошланғич бир этап холос, якуни бўлиб ҳаракатни тўла ўрганиш тушунилади. Якунида ўкувчилар ҳаракат фаолиятини

Охиригача бир бутун деб қабул килишлари лозим. Бу  
жаросида асосий ва иккинчи даражали элементлар бўлиши  
хамаси мухимдир. Барчasi у ёки бу даражада ўзида  
хумий ютуқقا пойdevор куради.

Харикат фаолиятини қисмларга ажратиш усуллари турли туман бўлади,  
бекин уларнинг ҳар бири охирида аниқ йўлланма берувчи машқларнинг  
пужудиги келишига олиб келади. Ўзининг вазифасига кўра ҳамда табиатига  
вўри тўла бир бутун ҳаракатнинг “булаклари элементлари” билан тамоилида  
фирқига эга бўлмайди ва мақсадга мувофиқ йўналтирилган булакларга бўлиш  
фирқининг натижаси ҳисобланади.

**Йўлланма берувчи машқлардан – тўла ҳаракат актини ўзлаштиришни**  
осонлаштириш учун олдиндан, бир қатор хусусий билимларни бериш  
нишфаларни ҳал этишда фойдаланилади. Шунинг учун бир бутун ҳаракат  
фаолиятининг нерв-мускул зўриқиши элементларининг тузилиши ва  
характерига мослаб, уларга ўхшаш йўлланма берувчи машқларни топиш  
муҳим аҳамиятга эга. Йўлланма берувчи машқлар марказий нерв тизимидағи  
иффектли изнинг тўпланишига имкон беради, оқибатда улар энг содда вактли  
шюқалар маълум ўхшашлик ва координацион умумийликлар орқали асосий  
машқни ўзлаштиришни енгиллаштиради.

Йўлланма берувчи машқлар тизими ўқитиш учун мўлжалланган фаолият  
таҳлили натижасида уни таркибий қисмларга бўлиш ва уларга нисбатан  
жавоб берадиган даражадаги элементлар, уларни ажратиб, ўқитишида  
қўллашни тақозо этади. Йўлланма берувчи машқлар бир бутун шаклда ва  
ўқувчилар кучига яраша бўлиши керак. Ҳаракат фаолиятини бўлакларга  
бўлишнинг характери, йўлланма берувчи машқларнинг сони, уларнинг  
навбати – ўқитишинг индивидуал шароитига қараб қўллаш учун ўқитувчи  
томондан танланади. Ҳар бир йўлланма бериш машини қўллаш, унинг  
давомийлиги (узунлиги), моҳияти, қийинлиги ва аҳамиятини эътиборга  
олишда, ўқувчилар тайёргарлигига қаралади.

Йўлланма берувчи машқларни шартли равишида икки хил кўринишда тасаввур қилиш мумкин:

- 1) бир бутун ҳаракатдан ажратилган қисмлар ёки бутун ҳаракат, лекин улардан деталларни ажратиб олингани билан, фаолиятнинг қисми ҳеч қандай қўшимчасиз соф ҳолда, қисмларга бўлиб ўзлаштирилаётган ҳаракат фаолияти техникасини ажратилган ҳолдаги кўриниши тарзида;
- 2) йўлланма берувчи машқнинг кўриниши ўзлаштирилаётган фаолиятнинг белгиланган структурасини тузиш учун қўлланилиши мумкин бўлган шаклидаги кўринишда.

Қисмларга бўлиб ўзлаштириш ҳаракат фаолиятини ўзлаштириш жараёнини енгиллаштиради ва педагогик афзалликка эга. Ўкувчи мўлжалланган мақсадга аста-секинлик билан, шахсий тажрибаларни тўплаш орқали келади ва улардан зарур бўлган ҳаракат фаолияти шакланади. Бутун ҳаракат актидаги ҳар қайси деталнинг ролини тушунган ҳолда диққат бир жойга тўпланади, ҳар бир дақиқа эсда қолади, буларнинг ҳаммаси айrim бўлакларни пухта ўзлаштиришга сабаб бўлади, фаолиятни тўла эгаллаш енгил шароитда ўтади, таълимнинг – ўқитишнинг вақти қисқаради. Айrim ҳолларда усулининг самарадорлиги, энг аввало, машқнинг сифатига боғлик бўлади ва ҳаракат маданиятининг ошиши билан кўзга ташланади. Йўлланма берувчи машқларнинг кўплигини дарсларни нисбатан турли-туман булиши, таълим жараёни қизиқарли ўтишига сабаб бўлади.

Ҳаракат малакаларини қисмларга ажратиш орқали тўпланган бой ҳаракат захираси вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам беради ва шуғулланувчилар ҳаракат тажрибасини янада оширади.

Бўлакларга ажратиб ўқитиш методи йўқотилган малакаларни тезда тикланишига таъсир кўрсатади. Координациясига кўра ўта қийин машқларни ўзлаштиришда бу усулият бебаҳодир. Лозим бўлса бўлакларга ажратиш айrim бўғинлар, ажратиб олинган мускул гуруҳларига алоҳида таъсир этиш имкони бу усулида ўта юқори бўлади.

Дөснүү машқ төхөннөөн кийин машинасынан билемай қисмларга ажратиш, фавқулодда үзүүлүп жана йүллүнма берувчи машқлар, улардан нотуғри фойдаланиш ҳаракат төхөннөөн шаклланиш жараёнига салбий таъсир күрсатади.

Харикаттии тұла ўзлаштириш усули ҳаракат фаолияти таълимнинг окунның вазифасы нимадан иборат бўлса, шунга яқин кўринишда ўзлаштиришини назарда тутади. Бу усули ҳар қандай ҳаракат актини ўзлаштиришинг якуний этапида бўлакларга ажратиб ўқитиш усулиятидан сўнг кўринилади.

Жисмоний машқ техникасини такомиллаштириш уни тұла бажариш оркени амалга оширилади. Ҳаракат фаолиятини бир бутунлигига ўзлаштириш ҳаракат фаолиятини бажариб кўриш, синашда энг қулай усуладир. Аксарият ҳаракат фаолиятлари шунчалар соддаки, уларни бўлакларга ажратиб ўқитиш вақтни беҳуда сарфлаш демакдир, шунинг учун ҳаракат ҳолатини тұла ўргатиш амалиётда кўпроқ қўлланилади. Айрим ҳаракат фаолиятларини биз ҳали илмий равишда бўлакларга ажрата олмаймиз, шунингдек, ўзини тұла оқлаган йўлланма берувчи машқлар тизимини ҳам ҳозирча ишлай олганимизча йўқ.

**Қисман регламентлаштирилган машқ усулияти** – кўзда тутилган вазифани бажариш учун ўкувчиларга фаолиятни нисбатан эркин танлашга йўл қўяди. Бу усулидан, қоида бўйича такомиллаштириш этапда фойдаланилади, бунда ўкувчи этарли даражадаги билим ва бажара олишга малакасига эга бўлганлиги ҳисобга олинади. Бу гурухчага киравччи ўйин ва мусобақа методлари турли белгиларга эга бўлишига қарамай, уларни ягона умумийлиги мавжуд: уларни қўллашда ўкувчилар орасида доимо рақобат (бир-бирини мағлуб қилиш) ҳиссиёти устун бўлади, ўкувчиларда ўз кучини, у ёки бу фаолиятини бажаришда устунлигини исботлаш учун интилиш ҳар доим юқори бўлади.

**Ўйин усули** – жисмоний тарбиядаги ўйинларнинг кўпчилик белгиларини ўзида мужассамланган. Дарсликнинг “Жисмоний машқларнинг педагогик классификацияси” бўлимида ўйин жисмоний машқ характеридаги

тизим тарзида, яъни жисмоний тарбия воситаси кўринишида берилган. Лекин жисмоний тарбияда ўйинлар таълим ва тарбиянинг самарали усулияти сифатида ҳам мавжуд булиши мумкин. Шу сабабли ўйин методининг табиатини ўйин моҳиятини очиш орқалигина тушуниш мумкин холос.

Ўйиннинг моҳиятини ўрганишнинг нисбатан перспектив йўналишининг услубият назарияси ҳисобланади. Шунга мувофик, ўйинлар инсоннинг олдиндан белгиланган ҳаётий шароитда ишлаб чиқарган ўзининг юриш-туриши, хулқи чегарасидан чиқмайдиган ўзига хос элементларнинг моделидир (Н.И.Понамарев). Ўйинда шартли равишда бутун бир ҳаётий ситуация ўз ифодасини топиши мумкин (масалан, ўйинларда тақлид қилиш), инсон ҳаракат фаолиятининг айримлари турмуш, меҳнат, мудофаа фаолияти характеридаги ҳаракатлар булиб, уларда асосан одамлар орасидаги ўзаро муносабат моделининг мавжудлилиги ётади. Ўйин тарихан вужудга келган жамият ҳодисаси булиб, одамларнинг ҳарбий ва меҳнат фаолияти асосида пайдо бўлган ва у инсон ҳаётининг моддий ва ижтимоий шароитлари билан белгиланади. Ўйин ҳаётий реалликни акс эттиради ва бир вақтнинг ўзида ўзининг соғ шартли қонунларига бўйсунади. У бизни ўраб олган борлиқни ўзгартиришни назарда тутмайди, лекин инсонни ижодий меҳнатга тайёрловчи шарт сифатида инсон маданиятининг муҳим манбаи ролини ўйнайди. Шунга боғлик ҳолда ўйин куйидаги хизматларни бажаради: тайёрлов (инсонни жисмоний ва руҳий кучларини такомиллаштириш, социал фаоллик ва ижодкорликни тарбиялади) ва кўнгил очиш, муносабатларни, шунингдек, уларни ўраб олган муҳит орасидаги муносабатларни шакллантиради. Бу каби асосий хизматлар ўйинларнинг йўналиши ва мазмунини белгилайди.

Жисмоний тарбиядаги барча ўйинларнинг асосий мазмuni инсоннинг жисмоний камолотга эриштиришга имконият яратувчи ҳаракат фаолиятлари ташкил этади. Ўйинлар ҳамда гимнастика, спорт, туризмдаги фарқни кўп ҳолда шартли деб тан олишимиз лозим, бу шартлар турларнинг ривожланиш меъёрига қўра янада яққол қўринади. Ўйинга конкрет ҳаракат фаолиятлари

тәсіми деб қараң зарур, улар белгиланған қоидалар рамкасида бажарылады ол метод сифатида жисмоний машқ характерига қарамай, турлича педагогик аспиринацияның қал этиши мүмкін.

Үйинлар усули тарзидә фақат умумий қабул қилингандаридек амалға онырылмайды. Үйин усули воситалари ва уларнинг шаклига кўра расмий үйиншарга нисбатан деярли кенг тушунча саналади. Масалан, үйин услуби асосида дарснинг ҳамма қисмларини үйинларсиз ўтказиш мүмкін (тоққа сабхит үйинни). Мувозанат сақлаш машқини бажараётib тўсиклардан ошиши ёки чукурликлар устидан ўтиш тарзидаги үйинлардан фойдаланиш мүмкін.

### **Текшириш учун назорат саволлари**

1. Жисмоний тарбиянинг методларига нималар киради?
2. Сўздан фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?
3. Кўргазмалилик методи деганда нимани тушунасиз?
4. Амалий методларга нималар киради?
5. Усул нима?
6. Таълимнинг услубларига кўйиладиган талаблар?
7. Сўз билан ифодалаш деганда нимани тушунасиз?
8. Кўрсатма деганда нимани тушунасиз?
9. Саноқ нима?
10. Кўргазмали қуроллардан қандай фойдаланасиз?

### **1.7. Ҳаракатларга ўргатиш жараёни асослари**

Ўкувчига билим берішда жисмоний тарбия таълими муҳим ўринни эгаллайды. Бу жараёнда ҳаракат фаолиятини ёки унинг маълум бўлагини бажаришга ўргатылади, жараён машқ қилиш – такрорлаш орқали амалга оширилади ва шуғулланувчида шу ҳаракат ҳақида назарий билимнинг шаклланишига, жисмоний сифатларни ривожлантириш ва тарбиялашга олиб келади. Демак, жисмоний тарбия жараёнида таълим маҳсус билимларни ва

ҳаракатни бажара олишни ўзлаштириш ва уни ўқувчига, шуғулланувчига узатишни уюштиришини йўлга кўйишдан иборатdir.

Ўқитиш практикасида «ҳаракат фаолияти таълими», «ҳаракатга ўргатиш», «ҳаракат малакаси», «ҳаракат кўникмаси», «назарий билим», «қила билиш», «тарбиялаш», «ривожлантириш» ва ҳоказодек атамалардан фойдаланилади ҳамда юқорида қайд қилинганидек, жисмоний маълумот беришдек мақсадни амалга оширади.

**«Ҳаракат фаолиятини (ёки жисмоний машқни) ўрганиш»**, нисбатан қисқа педагогик вазифадир. «Ҳаракат фаолиятини ўрганиш» (ёки жисмоний машқни ўқитиш) атамаси ҳаракат фаолияти аниқ бўлиб, унинг назарий билими ҳам берилганда қўлланилади. Ҳаракат фаолиятини ўқитишда ҳаракат малакаси шаклланади, кўникма вужудга келади, бир вақтнинг ўзида мувофиқ жисмоний ҳаракат сифатлари: куч, тезлик, чидамлилик, чаққонлик, мускуллар эгилувчанлиги ва бўғинлар ҳаракатчанлиги ривожланади. Шу сабабли педагогик жараёнда эътибор аниқ бир нарсага, таълимга малакани шакллантиришга ёки ҳаракат сифатларини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Ҳаракат фаолиятини ўқитишнинг хусусиятлари. Ҳаракат фаолиятини ўқитиш жараёнида фақаттина билим бериш ва тарбиялаш вазифалари қўшиб ҳал қилинмай, согломлаштириш хусусиятига оид вазифалар ҳам ҳал қилинади. Ҳеч қайси умумтаълим предметида бунчалар яққол намоён бўлмайдиган согломлаштириш вазифаси ҳаракат фаолиятини ўқитишда ёрқин намоён бўлади.

Ҳаракат фаолиятини ўқитишда билим бериш вазифалари ҳам ўзини хусусиятлариға эга. Ўқув материалларини эгаллаш жараёнининг етакчи компоненти ўқувчиларнинг актив ҳаракат фаолиятидир. Уларнинг ўқув-мехнат фаолияти ҳаммадан аввал потенциал жисмоний куч сарфлашни талаб қиласди. Ўқувчининг ўқув фаолиятининг айrim қонуниятларини билиш, инсоннинг иш қобилиягининг умумий қонуниятларини ҳисобга олиш кераклигини тақозо этади. Индивиднинг иш қобилияти бир неча факторларга

ишилдидан (ота-онасидан) мерос қобилиятлар, ҳәётй жараёнда түшнүктүп тажрибалар ва маълум белгиланган шароитда аниқ фаолиятни тапкира олиш. Бу факторлар қанчалар яхши ривожланган бўлса, инсон шунчалир катта ишчанлик (қобилияти)ни намоён қила олади.

Одатдаги шароитда инсон ўзининг иш қобилиятининг бир қисмидангина фойдалана олади холос. Захирасидаги деб ҳисобланган бошқа қисми фақат ошириб қўйилган максимал талабларга жавоб беришда намоён бўлиши мумкин. Одатдагидан ташқари ташқи шароит муҳим резерв иш қобилиятининг намоён бўлишига имконият яратибгина қолмай, одамнинг қобилиятни максимал мобилизация қила билишни тарбиялайди. Максимал мобилизация қобилиятини ривожлантириш, ўз навбатида, шароитга боғлик.

Ҳаракат фаолиятини ўқитишнинг иккинчи хусусияти ҳаракат мишакалари тизимини шакллантириш ҳисобланади. Фақат ҳаракат фаолияти тизимиғина ўкувчи жисмоний тайёргарлигининг характеристини белгилайди. Мактаб ўкувчилари жисмоний тарбия дастуридаги ҳаракат фаолиятлари тизими ҳәётй амалийлиги принципига амал қилинган ҳолда шундай танлаб пжратилганки, уларнинг кўпчилигини кундалик турмуш амалиётда кўллашлари мумкин. Тизимнинг амалиётда кўлланилиши учун ундан бир-бирини такрорлайдиган ёки иккинчи даражали бўлган фаолиятлар чиқариб ташланган. Бу жараённи объективлаштириш учун ҳозирги қунда математик ҳисоблаш (статистика) услубиятидан фойдаланилмоқда. Улар ёрдамида ҳаракат фаолиятлари таркибидаги ўзаро боғлик бўлган ва бир-бирига ўхшаш элементлар миқдорининг характеристи ўрганилмоқда. Ўхшаш элементлар миқдори ўкувчилар ёши ва жинсий хусусиятларининг чегарасини эътиборга олинмоқда. Масалан, 30 метрга югуриш 60 метрга югуриш билан солиштирилганда уни бошқа ҳаракат фаолиятлари билан кўп маротаба боғланишларга эга эканлиги ва шунинг учун у боланинг ривожланиши локомацияси (М.А. Годик) даражасининг умумлаштирилган кўрсаткичи сифатида қаралиши мумкин экан. Тирмашиб чиқиш ва мувозанат саклаш машқлари эса бошқа ҳаракатлар фаолиятлари тизимиға нисбатан қарам эмас.

Бошқача қилиб айтганда, бу фаолиятларнинг таъсири натижаси бошқа фаолиятларнидан юқори ёки паст булиши мумкин (К.Д. Бақунено).

Учинчи хусусияти – таълимни икки йўналишда амалга оширишда харакат сифатларини комплекс ривожлантириш билан алоқадорлиги.

а) ҳаракат малакаси ҳаракат сифатларини ривожланиши билан боғлиқдир, энг аввало, айнан ўша ҳаракат малакасига оид ҳаракат сифатлари ривожланади.

б) ҳаракат малакаси учун маҳсус хусусиятга эга булган ҳаракат сифатини ривожлантириш бир вақтнинг ўзида бошқа сифатларни ривожлантиришдан самаралироқ кечади.

Масалан: Кисқа масофага югуришни ўқитишда тезлик ривожланади, лекин тезлик кучни, чидамлиликни ва бошқаларни оптимал ривожлантиргандагина эфектлироқ ривожланади.

Ҳаракат фаолиятларини ўқитишнинг самарадорлиги жисмоний билим ва жисмоний ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари билан аниқланади. Билимлар тизими ва ҳаракат фаолиятларини эгалланишини тўғри ташкилланган педагогик жараён, албатта, жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларнинг ошишига олиб келади.

Билим бериш вазифаларининг ҳал қилиниши тарбиявий вазифаларнинг амалга оширилиши билан органик бирлиқдадир. Таълимнинг тарбиявий характери ҳақидаги тушунча жисмоний тарбиянинг асосий қонуниятларидан бири тарзида юзага чиқмоқда. Маҳсус ташкилланмаган жараён сифатида жисмоний машқлардан фойдаланиш жараёни ҳеч қандай педагогик қимматга эга эмас, уларнинг тарбиявий таъсири тўлалигича педагогик жараённинг сифатига боғлиқ. Уз давридаёқ П.Ф.Лесгафт мускулларни машқлантиришга инсон психикасига ва унинг интелектига таъсир этувчи кучли восита деб қараган.

Барча фанларнинг ўқитувчилари қатори жисмоний маданият ўқитувчиси ҳам тарбия жараёнида тарбиянинг барча элементлари комплексини ўз тизимида ушлаб туришга одатланиши лозим. Тарбиянинг умумий

жизнеподходи ҳал қилинишига ўкув фани ўз таъсирини ўтказмай қолмаслиги мунисипалитетларга аёнлигига қарамасдан, жисмоний тарбия учун характерли булган ишларни олдинга суради:

-жисмоний машқлар билан шуғулланишга одатлантириш. Бу одат, оғаннеси, ҳозирги замондошимиз учун зарур. Кам ҳаракат қилиш, организмга жисмоний юкнинг камлиги, ҳаракат фаоллигининг сустлигини енгис мүммосини ҳал қиласди, мустақил жисмоний машқ билан шуғулланиш мини улоги учун вақт топишга ўргатади;

-жисмоний қийинчиликларни енгисни ва мардонаворликни тарбиялаш. Қийинчилик ҳаракат фаолиятини ўзлаштириш маълум даражадаги хавф, тикшерилчилликни, максимал жисмоний ва психик зўриқишини талаб қиласди, пайдамиятли даражадаги юкламани организм сарфлаган энергияси тикланиб ўштурмаган фонда бажара олишга ўргатади;

-гигиеник малака ва одатларни тарбиялаш. Жисмоний машқларнинг спарадорлиги асосан гигиеник омиллардан тўғри фойдаланиш билан боғлиқ. Ҳаракат фаолиятларини ўқитишнинг жараёни иш режимига риоя килишини тарбиялаш, овқатланиш, уйку, тана ва баданини парваришлап, кийим-бош ва бошқаларни ўз ичига олади;

-ўкувчилар орасида ўзаро муносабатларни тўғри шакллантиришга орнишиш. Чунки ҳаракат фаолиятларини ўзлаштириш, такомиллаштириш коллективчиликка таяниб муносабатларни ташкиллаштириш эмоционаллик билан алоқадор. Шуғулланувчиларнинг, айниқса, турли жинсдагиларнинг юқори даражадаги ўзаро ёрдами ёки рақиблик орқали алоқаси, дўстлик, ўртоқчилик, ўғил болалар ва қизлар орасидаги юқори ахлоқий муносабатларнинг шаклланишида бебаҳо воситадир;

-ҳаракат фаолиятлари давомида мустақилликни тарбиялаш. Ўкувчиларнинг спорт зали ёки спорт майдонида ҳаракатланишига нисбатан мустақил булиш, бир томондан ўкувчиларнинг ўз-ўзларини бошқаришига имкон берса, иккинчи томонидан, ўз фаолиятига жавобгарликни ҳис қилиш

учун шароит яратади, ўз ҳаракат фаоллигига онгли муносабатни ва уни амалга ошириш усулини ўйлашга ўргатади;

-умумий ва хусусий тарбиявий вазифаларни ҳал қилиш ўқитувчи билан ўқувчини юқори даражадаги ва хусусий алоқаси (ўқитувчининг коммуникативлик компоненти) шароитида амалга оширилади.

Тарбия вазифаларини таълим жараёнида тұлақонли амалга ошириш учун уни тизимли рационалды билим олиш вазифаларини ҳал қилиш билан құшиб олиб борилмаса, күтилған натижага эриша олмаслик амалиётда исботланған.

-согломлаштириш вазифалари ҳаракат фаолиятларини ўқитища жисмоний тарбиянинг барча воситаларини комплекс рационалды құллаш орқали ҳал этилади.

Таълим жараёни тиббий күрик (назорат) хулосаларига мувофиқ дифференциаллаштирилади ва ўқувчилар асосий, тайёрлов ва маңсус тиббий гурухлар деб номланувчи гурухларга ажратиласы.

Ўқув материали мазмуни ва унинг ўқувчиларга берадиган жисмоний юкламаси уларнинг ёши, жинси ва жисмоний тайёргарлигига қараб қатый дифференциаллаштирилиши лозим. Бу талабнинг бузилиши фақатгина ўқув материалини ўзлаштирмаслигигагина олиб келмай, ўқувчининг саломатлигига ҳам катта путур этказиши мүмкін.

Ўзлаштириш жараёнининг үзида, ҳатто энг қоидали қилиб уюштирилған таълимда ҳам, жароҳат олиш хавфи мавжуд. Бу табиий рационалды, ўқитувчидан жисмоний машқ билан шуғулланиш жойини жуда ҳам пухта тайёрлаш, ўқувчилар фаолиятини ташкиллаштиришдаги уюшқоқликка риоя қилиш ва ўқувчига ёрдам бериш ёки унинг хавфсизлигини таъминлашга (страховка) тайёрликни, доимо хушёрликни талаб қиласы.

Таълимнинг самарасига ташқи факторлар (спорт анжомлари ва жиҳозларнинг соз булиши), согломлаштириш вазифаларининг ҳал қилиниши (машғулот жойининг тозалиги, ҳаво ва бошқалар) аҳамиятли даражада таъсир қиласы.

Харемат фиолиятларини ўқитишининг юқорида қайд қилинган  
жумла пари ўқитувчидан психо-физиологик билимларнигина талаб қилиб  
бўлиши, якори даражадаги анатомо-физиологик ва методик таёргарликка оид  
жумла парига эга бўлишни тақозо этади.

Бисмоний тарбияга хос бўлган кўп қиррали вазифаларнинг барчаси  
харематни бижара олиш (қила олиш) ва ҳаракат малакасининг шаклланишига  
бўлишидир. Бу жараёнга хос қонуниятларни билиш ҳаракат фаолиятларини  
шаклланинг барча этапларида мазмунининг тўғри ва раонал бўлишини,  
харемат фаолиятларини эгаллашдаги нотекисликларга барҳам беради ва  
харематни вариациясини йўлга кўйиш учун имконият яратади, дарслар  
имконини нисбатан талаб даражасида тузиш, тайёрлов ва йўлланма берувчи  
жумла паридан самарали фойдаланиб малаканинг ижобий ва салбий кучини  
тадминлаяди.

Гаълим жараёнида ҳаракат фаолиятларини ривожлантириш. Ҳаракат  
фаолиятларини ўқитиши жараёнида тананинг у ёки бу қисми (бўлаги)да  
харематни бошқаришнинг характеристири ўзгаради, натижада ҳаракат фаолиятини  
шаклланинг даражаси ортади. Б.А.Ашмарин бу жараённи қуидагича  
инфодилаган:

Ўқувчи (шуғулланувчи) маҳсус билимлар базасида ва тизимли машқлар  
шаклланишида ҳаракат фаолиятини бажариш учун белгиланган имкониятлар  
чегарасига етади, такомиллаштириш учун эса чегарасиз имкониятларга эга  
бўлади (олий тартибда ҳаракат қила билиш). Ҳаракат фаолиятини  
шаклланинг уч босқичга бўлиниши шартлидир. Босқичларнинг стабил  
чегараларининг мавжудлиги билим бериш вазафаларини белгилаш ва уни ҳал  
қилиш учун қулайдир.

Ески тажрибалар, билимларга таяниб қила билиш (қила олиш)нинг  
шаклланиши ҳаракат фаолиятини эгаллаш жараёнидан бошланади.

Ҳаракатни бажара олиш (қила билиш) – бу ҳаракат фаолиятининг ҳар  
бир бўлагига ўқувчининг дикқат-эътиборини тўплаш (концентрациялаш)  
шарти асосида ўрганилаётган ҳаракат фаолиятидир.

Характерли аломатлари – тұла, бир бутун ҳаракат фаолияти таркибидаги ҳаракатларни бошқариш автоматлашмаган ҳолда бажарилади. Натижада үқувчининг онги ҳаракатнинг ҳар бир элементининг қандай бажарилишиң синтези билан үта банд бўлиб, иш юқори даражадаги энергия сарфлаш ҳисобига – иқтисод қилинмай, аҳамиятли даражадаги чарчашиб дош бериш ҳисобига бажарилади;

-ҳаракат вазифасини бажариш усули стабил эмас (такрорлашларнинг мароми турлича). Бу босқичда ҳаракат вазифасининг осон, кўп энергия сарфламай ҳал этиш усули изланади.

-ҳаракатни қила билиш, ҳаракат фаолиятини биринчи үрганаётганлар четлаб үтадиган хатолардан ҳоли бўлган фаолият эмас. Тўғри, малакагача үтиш даврининг узунлиги, даражаси турлича ва у үқувчи қобилияти, таълим услубининг такомиллашганлиги, ҳаракат фаолиятининг тұла таркибининг осон ёки қийинлигига ва ҳоказоларга боғлиқ.

Аҳамияти ҳаракатни бажара олиш асосан ижодий изланишлар орқали, таққослаш, солиштиришлар, ҳаракатни бажариш усулларини баҳолаш, уларни бир бутун ҳаракат фаолиятига бирлаштириш бўлиб билим бериш учун катта имкониятларни очади.

Ҳаракатни қила билиш ҳаракат фаолиятини эгаллашнинг шундай даражасики, характерига кўра у барча йўлланма берувчи машқларга tenglashтирилади. Агарда улар стабиллашиб қолса, ўзлаштирилаётган ҳаракат фаолияти малакасининг шаклланишида муаммолар вужудга келишига сабаб бўлади. Маълумки, тұла ҳаракат таркибидан ажратилган, изоляцияланган бўлак үрганилаётган, тұла ҳаракат таркибиға кирганды маълум ўзгаришларга учрайди.

“4” баҳо олиш учун – 3 марта.

“3” баҳо олиш учун – 2 марта.

**Изоҳ:** Уғил болалар 4 марта паст турникда тортилса, юқори даражада. 1 марта паст турникда тортилса, ўрта даражада. 2 марта паст турникда тортилса паст даражада куч сифати шаклланаётганлиги маълум бўлади. Агар юқоридаги ҳолатларда тортила олмаса, демак, кучлилик жисмоний сифати яхши шаклланмаганлигидан далолат беради. Ўқитувчининг вазифаси паст даражани ўртага, ўрта даражани юқорига махсус танланган машқлар ёки харакатли ўйинлар орқали кўтаришдан иборат.

#### **4-синф ўқувчиларида кучлилик жисмоний сифати қуидаги машқлар орқали ривожлантирилади**

Угил болалар учун паст турникда тортилиш (марта)

“5” баҳо олиш учун – 5 марта.

“4” баҳо олиш учун – 4 марта.

“3” баҳо олиш учун – 3 марта.

**Изоҳ:** Уғил болалар 5 марта паст турникда тортилса, юқори даражада. 4 марта паст турникда тортилса, ўрта даражада. 3 марта паст турникда тортилса паст даражада куч сифати шаклланаётганлиги маълум бўлади. Агар юқоридаги ҳолатларда тортила олмаса, демак, кучлилик жисмоний сифати яхши шаклланмаганлигидан далолат беради. Ўқитувчининг вазифаси паст

даражани ўртага, ўрта даражани юқорига махсус танланган машқлар әкі  
харакатли үйинлар орқали күтаришдан иборат.

Бошланғич синфларга кучни шакллантирадиган тахминий машқулар  
куйидагилар:

Скамейкада ётиб құлға таяниб букиш ва ёзиш.

Скамейкага үтирган холда гавдани эгиш ва тұғрилаш.

Орқа билан ётиб оёқларини күтариб унинг учини пешонага текказиш.

Инсоннинг куч намоён қила олишдаги асосий фактор – мускул  
зүриқиши, лекин унинг танасининг массаси (вазни) ҳам маълум даражада рол  
үйнайды. Шунга күра, абсолют ва нисбий куч деб ҳам фарқланады.  
Биринчисида инсоннинг танаси вазнини ҳисобига олмай, қандайдир бир  
харакатда куч намоён қила олиши тушунилса, иккинчисида, унинг тана  
вазнининг ҳар бир килограммiga тұғри келадиган қилиб намоён қилинадиган  
кучнинг меъёри тушунилади.

Бошланғич синф үқувчиларига кучни ривожлантиришнинг типик  
воситалари: 7-9 ёшда жисмлар билан умумий ривожлантирувчи машқлар,  
қийшик үрнатылған гимнастика скамейкаларига тирмашиб чиқиш,  
гимнастика деворидаги машқлар, сакрашлар, улоқтиришлардир;  
10-11 ёшдагилар учун - катта мускул таранглигини талаб қиласынан  
жисмларни күтариш билан умумий ривожлантирувчи машқлар (тұлдирма  
тұплар, гимнастика таёқлари ва х.к.)да, уч усул билан вертикал арқонга  
тирмашиб чиқиш, енгил жисмларни улоқтириш ва бошқалардан.

Бошланғич синф үқувчилари жисмоний сифатлари шаклланиб бориши  
даражасини босқичма-босқич юқори даражага олиб чиқыш үқитувчининг  
касбий маҳоратига боғлық булади.

### Текшириш учун назорат саволлари

1. Жисмоний сифат деганда нимани тушунасиз?
2. Жисмоний сифатларнинг бир-бири билан алоқадорлиги нимада?
3. Куч сифати деганда нимани тушунасиз?
4. Кучнинг неча тури мавжуд?

Бағдарламжык жисмоний сифати деганда нимани тушунасиз?

Бартоқ нима?

Жисмоний сифатларни тарбияловчи машқлар ҳақида маълумот беринг?

## 2.2. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти

Бағлангич синфларда жисмоний тарбия фанини үқитиши кўйидаги дастур асосида амалга оширилади. (2017-йилдаги дастурдан олинган).

Н/р	Дастур бўлимлари	Синфлар			
		1	2	3	4
1.	Назарий билим асослари	Дарс жараёнида			
2.	Гимнастика	16	16	16	14
3.	Енгил атлетика	16	18	18	18
4.	Ҳаракатли ўйинлар	32	32	24	12
5.	Спорт ўйинлари: - баскетбол, волейбол, гандбол -футбол	-	-	-	10 8 12
6.	Кураш	-	-	-	-
7.	Шахмат	2	2	2	2
8.	Сузиш	-	-	-	-
Жами соат:		66	68	68	68

### 1- синфлар учун жисмоний тарбия

Ўкувчиларда шакллантириладиган таянч компетенция элементлари:

**Коммуникатив компетенция:** мустақил фикрини оғзаки ифода эта олиш, мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш ва гурӯҳларда ишлай олиш.

**Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси:** жисмоний тарбияга оид бўлган маълумотларни оммавий ахборот воситаларида кузатиб бориш.

**Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:** мунтазам равишда ўзни устида ишлаш, ақлий, ахлоқий, эстетик, кун тартиби ҳамда гигиеник қоидаларга амал қила олиш.

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:** атрофида бұлаётгап воқеа, ҳодиса ва жараёнларини англаш ва ҳис этиш, муомала маданиятига әтпі бўлиш.

**Миллий ва умуммаданий компетенция:** аждодлардан авлодларға ўтиб келаётган миллий урф-одатларни билиш, тенгдошлари билан дўстона муносабатда бўла олиш.

**Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:** жисмоний машқларни бажаришда математик саноқ сонларни санаш ёрдамида бажариш.

### **Назарий билим асослари**

Машғулотлар ўтиш жойи (спорт зали ва майдончалар) ҳамда унда фойдаланиладиган спорт анжомларининг номлари ва уларни қўллаш ҳақида тушунча. Шахсий гигиена ва кун тартибига риоя қилиш. Инсон саломатлигига жисмоний машқларнинг аҳамияти. Сув ёрдамида чиниқишилар. Спорт турлари бўйича бажарилаётган ўкув-машғулотлари жараёнида бажариладиган жисмоний машқларга қўйиладиган талаблар ва хавфсизлик қоидалари.

Спорт кийимларига қўйиладиган гигиеник талаблар. Инсон саломатлиги учун очиқ ҳавода бажариладиган машқларнинг аҳамияти. Табиатнинг соғломлаштирувчи (қуёш, сув, ҳаво) омилларининг инсон организмига таъсири. Киши учун қадди-қоматнинг аҳамияти, ҳаракат ва кўникмаларни ривожлантириш. Спорт залида туриш ва юриш қоидалари. Гигиеник гимнастиканинг аҳамияти.

**Саф машқлари, сафланиш ва буйруқларини билиш.**

Ўкувчиларни енгил атлетика спорт майдончасида ўзини тутиш қоидалари ҳамда юриш, югуриш, сакраш ва улоқтириш турлари ҳақида тушунча.

Ҳаракатли үйин турлари ва уларнинг қоидаларини ўргатиш. Ҳаракатли ушунчаликни үйнашда ўқитувчининг кўрсатмаларига ва сардорнинг ахондигига риоя қилиш, үйин бошланиши ва үйин жараёнида ўз жойларини аниқ ўзилашни билиш.

### **1-синфлар учун Гимнастика (16 соат)**

#### **1-мавзу: Саф машқлари. (1 соат)**

Сафланиш, навбатчи ўқувчидан билдиргини қабул қилиш, (ўқитувчи ўсунишлар билан саломлашиш “Ассалом!”); Саф машқлари, асосий тик туриши; кетма-кет ва ёнма-ён бўлиб бир қаторга, айланма бўлиб сафланиш; юнглик бўйлаб сафга туриш, қўл ушлашиб доира ҳосил қилиш; сафда юриш ва тұхташ машқларини бажариш; саф буйруқларини бажариш: “Синф сафлан！”, “Синф текислан！”, “Синф ростлан！”, “Синф ўнгга！”, “Синф чапга！”, “Синф ортга！”, “Синф қадам бос！”, “Синф тұхта！” кабилар.

#### **2-3-мавзу: Үмумривожлантирувчи машқлар. (2 соат)**

Буюмларсиз (асосан бериладиган машқлар қоматни тўғри шакллантириш, қўлларни ҳар томонга кўтариш, гавдани олдинга, ортга, ёнга оғиши, оёқларда ўтириб туриш, оёқ учida сакраш), буюмлар билан (гимнастика таёқчаси, байроқча, катта ва кичик тўплар билан машқлар, аргамчида сакраш ва гардишни айлантириш) машқларини бажариш.

#### **4-5-мавзу: Таяниб сакраш. (2 соат)**

Гимнастика ўриндиғида турган жойда юқорига қайишиб сакраб, пастга юмшоқ тушиш; гимнастика ўриндиқ устидан пастга, тўшакка юмшоқ сакраб тушиш; гимнастика ўриндиқдан таяниб сакраб ўтиш машқлари; гимнастика ўриндинига таяниб, ўнг ва чап томонларга сакраб ўтишлар.

#### **6-7-мавзу: Тирмасиб чиқиши. (2 соат)**

Тирмасиб чиқиши машқлари: гимнастик нарвонга қия кўйилган гимнастик ўриндиқ устидаги тиззаларда туриб юқорига тирмасиб чиқиши ва пастга тушиш; ёнга оёқ-қўллар ёрдамида гимнастик нарвонга таянган ҳолда чиқиши ва пастга тушиш; арқон, узун таёқни ушлаш ва эркин усулда тирмасиб чиқишига оид бўлган машқлар; гимнастик ўриндиқнинг орасидан

ёки баландлиги 40-50 см бўлган тўсиқлар (барер) спорт жиҳозлари таҳтидан ўтиш машқлари.

**Назорат иши. (1 соат).**

**(1-7-мавзулар асосида).**

**8-9-мавзу: Осилиш ва таянишлар. (2 соат)**

Осилишлар: гимнастик нарвонга орқа билан суюнган ҳолда ўтириб, қўлларда осилиб туриш; осилиб туриб, тиззаларни букиб кўкрак қафасигина кўтариш; паст турникка бир қўлда, икки қўлда осилиб туриш.

Таянишлар: гимнастик ўриндиқ устида қўлларга таянган ҳолда гавдани олдинга эгиб, оёқларни орқага кўтариш; гимнастика ўринидигида қўлларни букиш ва ёзиш.

**10-12-мавзу: Акробатика. (3 соат)**

Чўққайиб ўтирган ҳолда орқага ва олдинга тебраниш машқлари; ғужанак бўлиб ўтириш; ғужанак бўлиб ўтирган ҳолда олдинга умбалок ошиш; белда тик туриш; ётган ҳолатда “кўпrik” ҳосил қилиш; қорин билан ётган ҳолда икки оёқ учини қўл билан ушлаб керишиш; ётган ҳолда оёқ учларини бошга текказишга ҳаракат қилиш.

**13-мавзу: Мувозанат сақлаш ва координацион қобилиятни ривожлантириш. (1 соат)**

Полда, гимнастик ўриндиқ устида оёқ учida, ён томонларда (ички ва ташки), товонларда юришлар; қўл ҳолатларини ўзгартириб оёқ учida юриш; гимнастик ўринидигида турган жойдан юқорига сакраб оёқ учida юмшоқ тушиш; гимнастика ўринидигида  $90^{\circ}$ - $180^{\circ}$  га бурилиш машқлари ва пастга юмшоқ сакраб тушиш; эни 10 смли чизик устида мувозанат сақлаб юриш; бир оёқ учida (ўнг ва чап оёларни алмаштирган ҳолда) 13-15 сония мувозанат сақлаб туриш.

**14-мавзу: Бадий гимнастика ва рақс элементлари. (1 соат)**

Бадий гимнастика машқлари уйғунлигигида рақс ҳаракат элементларини ўргатиш. Мусиқа журлигига халқ рақслари элементларга мос бўлган қўл ва

арықтапарини бажариш. Масалан: “Читтигул”, “Чертмак”, “Урдаклар”, “Нанс қадамлари”. “Андижон полкаси”.

### **Назорат иши. (1 соат).**

*(8-14-мавзулар асосида).*

### **Үқүпчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар:**

**Согломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва күллай**  
**компетенцияси:** гимнастик машқларнинг инсон саломатлигига бўлган  
омиллари ва аҳамиятини билиб олади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тұғри бажариш**  
**орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** саф,  
умумривожлантирувчи, таяниб сакраш, тирмасиб чиқиш, осилиш ва таяниш,  
шробитика, мувозанат сақлаш машқларини кетма-кетликда бажаради.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усуулларда фойдаланиш**  
**компетенцияси:** гимнастика турига оид бўлган асбоб-анжомлари номларини  
билиди ва улардан хавфсиз фойдалана олади.

### **1-синфлар учун енгил атлетика (16 соат).**

#### **15-16 мавзу: Юриш. (2 соат)**

Юришга оид бўлган машқлар; секин, ўрта тезликларда юриш (20-30 м);  
тұғри чизик устида оёқ учида, товонда, оёқнинг ички ва ташқи томонларида  
юриш; қад-қоматни тұғри тутиб юришга эътибор бериб юриш;

доира бўйлаб бир қатор бўлиб юриш машқлари (оёқ учида чизик  
бўйлаб, ярим чўққайиб, 30-60 м га қоматни ростлаб).

#### **17-мавзу: Югуриш. (1 соат)**

Турли масофаларга югуришни таништириш ва югуриш машқлари (якка  
тартибда, жуфтлашиб югуриш);

Паст стартда туриш; паст стартдан туриб югуриш (паст стартда туриш,  
чиқиш, масофа бўйлаб югуриш, мэррага кириб бориш) қоидалари;

#### **18-мавзу: Масофа бўйлаб югуриш. (1 соат)**

Масофа бўйлаб 15-20 мга тез суръатда югуриш машқлари; югуриш йўлакчаси бўйлаб якка, жуфтлик тартибида қисқа масофага юриш ва югуриш машқлари;

**19-20 мавзу: 3x10 мокисимон югуриш. (2 соат)**

3x10 м мокисимон югуришга оид бўлган машқларни бажариш ва мокисимон югуришни ўргатиш.

**Назорат иши. (1 соат)**

**(15-20-мавзулар асосида)**

**21-мавзу: Юқори старт. (1 соат)**

Юқори стартда туриш қоидалари ва қоматни тўғри тутиб, секунд тезлиқда 2 дақиқа давомида масофа бўйлаб югуриш;

**22-мавзу: Масофани тез суръатда югуриш. (1 соат)**

30 м масофани тез суръатда югуриш; йўналишни ўзгартириб тиззани баланд кўтариб, оёқ учида ўртacha тезлиқда югуриш машқлари.

**23-24 мавзу: Сакрашлар. (2 соат)**

Турган жойда, ҳаракатда (турли тарафларга: олдинга, ортга, чапга, ўнгга) сакраш машқлари;

Турган жойдан узунликка сакраш (фазаларига қатъий эътибор қаратиш); югуриб келиб тўлдирма тўп, узун арқон устидан баландликка ва узунликка сакраш; 4-6 қадамдан югуриб келиб узунликка сакраш фазаларини бажариш.

**25-мавзу: Буюмлар воситасида сакрашлар. (1 соат)**

Чизилган чизик, арқон ва тўлдирма тўп устидан сакрашлар.

Тепага осилган буюмга сакраб қўлларни текказиш машқлари (турган ва турли ҳаракатларда).

**26-28 мавзу: Улоқтириш. (3 соат)**

Тенис коптогини тўғри ушлаш; нишонга аниқ улоқтириш; тенис ва бошқа ҳар хил коптоКларни нишонга аниқ улоқтириш машқлари; турган жойдан чап ва ўнг қўлларда тенис коптогини улоқтириш машқлари; 3-4 қадам ташлаб тенис коптогини узоқликка улоқтириш.

## **Назорат иши. (1 соат)**

**(21-28 мавзулар асосида)**

**Ўкувчиларда шаклланадиган фанға оид компетенциялар:**

**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олини компетенцияси:** енгил атлетиканинг юриш, югуриш, сакраш ва улоқтириш турлари ҳақида тушунчага эга бўлади ҳамда уларни бир-биридан фириклиди.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетлиқда тўғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** паст ва юғори стартлардан туриб мокисимон югуриш машкларини бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантиради.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усусларда фойдаланиш компетенцияси:** енгил атлетикага оид бўлган асбоб-анжомлар номини билади ва улардан фойдалана олади.

## **1-синфлар учун ҳаракатли ўйинлар. (32 соат)**

**29-32 мавзу: Ҳаракатли ўйинлар ва уларни ўйнашда унинг қоидалари билан таништириш. (4 соат)**

Ўйин турлари ва қоидалари билан таништириш; ўйин вақтида якка ва жамоа тартибida ҳаракатланиш қоидалари, жамоадошларига ёрдам бериш.

**33-36 мавзу: Ҳаракатли ўйинларни ўйнашдан аввал бажариладиган машқлар. (4 соат)**

Спорт анжомларидан фойдаланган ҳолда юриш, қўл ва оёқ, гавдани ҳар хил ҳолатда ҳаракатлантириш; майдончада йўналишни турли тарафларга ўзгартирган ҳолда секин ва тез юришлар; оёқлар учida ва товоналарда юришлар; сакрашга доир бўлган бир ва икки оёқлаб сакраш, турган жойдан, ҳаракатланган ҳолда олдинга сакрашлар; аргамчida, ҳалқада сакраш; тўпни ирғитиш: кичик ва катта тўпларни ирғитиб илиб олиш; ўкувчиларнинг юзмаз турган ҳолда тўпни бир-бирларига ирғитиш; тўпни узоққа отиш; ҳар хил нишонга улоқтириш ва саватчага тушириш машқларини бажариш.

**37-60 мавзу: Ҳаракатли ўйинларни ўйнаш. (24 соат)**

“Чархпалак”, “Хамма тезда ўз жойига”, “Данак”, “Оёғингни хұл қилма”, “Бир қаторга сафланинг!”, “Ким күп ёнғоқ йиғиш”, “Түншіл эстафета”, “Сакрагичли эстафета”, “Яширингани топиш”, “Нишонга аник от”, “Бекинмачоқ”, “Ким узокқа улоқтиради”, “Топишмоқ”, “Тортишмачоқ”, “Чамалаш”, “Қоч болам, қор келди”, “Қовун полиздан”, “Үрта бармоқшы топ”, “Чопон”, “Қопқон”, “Қирқ тош”, “Загизгон”, “Жамбул”, “Беш тош”, “Пат”, “Қизил байроқ”, “Картошка әкиш”, “Құнғироқча”, “Сакра бодом чумчуклар”, “Келади-кетади”, “Ечки болалари”, “Бүек сотувчи”, “Қурувчилар”, “Космонавтлар”, “Сокқа”, “Олиб қочар”, “Тұпни айланы ичига туширма”, “Қуриқчи”, “Хурмача боғи”, “Оқ теракми”, “Қулоқ чұзма”, “Тұп ўртага”, “Аргамчи билан эстафета”, “Сакраб үт ва қочиб кет”, “Биргалашыб сакраймиз”, “Кучлилар ва чаққонлар”, “Түсіқлардан ошиб үтиш”, “Ким узокқа отади”, “Саватта тұп тушириш”, “Узатдингми, үтир”, “Доирата торт”, “Қовун полизида”, “Хурозлар жанги”, “Жуфт-жуфт булиб тортишиш”, “Сехрли катаклар”, “Қармокча”, “Қирктош”, “Чупон”, “Чавандозлар”, “Машқни бажар, әслаб қол” ҳаракатли үйинларининг үйин тасрифи, қоидаларини үқувчиларга ұргатиши.

#### **Ұқувчиларда шаклланадиган фанға оид компетенциялар:**

**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва құллай олиш компетенцияси:** ҳаракатли үйин турлари ва уларнинг қоидаларини билиш орқали үйин бошланиши, үйин жараёнида қоидага асосан үзини бошқара олади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тұғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** ҳаракатли үйинлари қоидаларига риоя қилған ҳолда бажаради ҳамда жисмоний сифатларни ривожлантирувчи машқларни бажара олади.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усуулларда фойдаланиш компетенцияси:** ҳаракатли үйинлари турларига қараб спорт анжомларларини танлайди, фойдаланади ҳамда үйин жараёнида хавфсизлик қоидаларига амал қила олади.

## **1-синфлар учун шахмат. (2 соат)**

### **61-62 мавзу: Шахмат. (2 соат)**

Шахмат тахтаси, сипоҳлар, сипоҳларнинг шахмат тахтасида оғизинуви ҳамда уларнинг ҳаракатланадиган йуналишларини ўртатиш.

**Ўқувчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар:**

**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қуллай олиши компетенцияси:** шахмат тахтаси катаклари ва унда доналарни жойлаштириш, доналарнинг номларини билиш орқали ҳаракатлантира олади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тұғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** доналарни ҳаракатлантира олади.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усуулларда фойдаланиш компетенцияси:** шахмат доналарини бир-биридан фарқлай олади.

### **1-синфлар учун сузиш.**

Сузиш ҳавзаларида үзини тутиш қоидалари. Аввал қуруқлиқда кейин сувда эркин сузиш усулида құл ва оёқ ҳаракатларини бажариш. Сувга тушиш ва нафас олиш.

**Мавзуларни ўрганиш учун – 62 соат.**

**Назорат ишлари учун – 4 соат.**

**Жами – 66 соат.**

## **2- Синфлар учун жисмоний тарбия**

**Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенция элементлари:** Коммуникатив компетенция: мустақил фикрини оғзаки тарзда ифода эта олиш, мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш ва гурухларда ишлай олиш.

**Ахборотлар билан ишлеш компетенцияси:** жисмоний тарбия фанига оид оммавий ахборот воситаларида жисмоний тарбияга оид бўлган маълумотларни кузатиб, тушуна олиш;

**Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:** мунтазам равища үзистида ишлаш, ақлий, ахлоқий, эстетик, кун тартиби ҳамда гигиеник қоидаларга амал қила олиш.

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:** атрофида бұлаёттың воқеа, ҳодиса ва жараёнларини түшүниш ва ҳис этиш, муомала маданияттың әзгабынан зерттеуде әрекеттесуде қызығушылықтың әдебиеттегі әсерлерін сипаттауда бүлиш.

**Миллий ва умуммаданий компетенция:** аждодлардан авлодларға үтиб келаётгандык миллий урф-одаттарни билиш, тенгдошлари билан дүстона муносабатда бұла олиш.

**Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликлариdan хабардор бүлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:** жисмоний тарбия фанига оид янгиликларидан хабардор бүлиш.

### **Назарий билим асослари**

Очиқ ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланишининг инсон саломатлигига бұлған таъсири.

Спорт турлари ҳақида қисқача маълумот. Ҳаракатли үйинлар орқали ривожланувчи жисмоний сифатлари (куч, тезкорлик, чидамлилик, чаққонлик, әгилувчанликка) қисқача тавсиф. Кун тартиби, уни тузиш ва риоя қилиш.

Саф олдида ва охирида юрувчилар ҳақида түшүнча. Бажарилиши мураккаб бұлмаган гимнастика машқларини бажаришда нафас олиб чиқаришнинг навбатлашуви. Машғулотта спорт кийимини тайёрлаш. Машғулот жараёнида шикастланишини олдини олиш қоидаларини үргатиши. Саломатликни мустаҳкамлашта қаратылған жисмоний машқлар, жисмоний сифатларни ривожлантириш, қадди-қоматни яхшилаш, иш қобилиягини оширувчи машқлар. Юриш, югуриш машқларини бажаришда нафас олиш ва чиқариш. Овқатланишга қўйиладиган талаблар.

Гимнастикада фойдаланиладиган спорт жиҳозларини билиш. Енгил атлетика машғулотларида ўзини тутиш (юриш-туриш) қоидалари. Паст ва юқори стартда туриш қоидалари. Ҳаракатли үйинларнинг үқувчилар организмига ижобий таъсири, уларнинг соғлом жисмоний ривожланишида,

шарнишида, қадди-қоматини тикланишида, ҳаракат фаолиятининг ўсиши, кишилик ҳамда жисмоний кўникма, малака ва сифатларининг ташкиниши; ҳаракатли ўйинларнинг тарбия ва таълим жараёнида гимнастик ахлоқий ва эстетик жиҳатдан шакллантиришдаги роли, ўйин концептлари ва уларга риоя қилиш. Сувда сузиш ва унинг аҳамияти, ўз-ўзини назорат қилишни билиш.

## **2-синфлар учун гимнастика (16 соат)**

### **1-мавзу: Саф машқлари. (1 соат)**

Саф элементлари (сафда туриш, бурилишлар) машқлари; бир кишилик қитордан икки, уч кишилик қаторга ўтиб сафланиш ва қайта сафланиш.

### **2-3 мавзу: Умумривожлантирувчи машқлар. (2 соат)**

Дастлабки ҳолатда туриш, қадди-қоматни тўғри шакллантириш учун қўл, оёқ машқларини бажаришда турли ҳолатларни тўғри бажариш; машқлар мажмуасини буюмлар ва буюмларсиз бажариш; гимнастик нарвон ёнида ва гимнастика анжомлари (таёкча, аргамчи, кичик тўп, қум солинган халтача) билан машқлар мажмуасини бажариш.

### **4-мавзу: Таяниб сакраш. (1 соат)**

Гимнастик ўриндиғида бажариладиган машқлар (қўлларга таяниб ўнгта-чапга сакрашлар).

### **5-6-мавзу: Тирмашиб чиқиш. (2 соат)**

Кия кўйилган гимнастик ўриндиқда ( $20^{\circ}$ - $30^{\circ}$ ) бурчак пастдан ва юқоридан ушлаб тирмашиб чиқиш;

полда (тиззалаб) тўрт оёқлаб доира атрофида олдиндаги тўлдирма тўпни навбатма-навбат кўллар билан итариб судралиб юриш; бирор (30-40 см баландликдаги) тўсиқ тагидан ўтиш;

баландлиги 70 см келадиган тўсиқ устидан ошиб ўтиш;

ўриндиқдан ўриндиқка ошиб ўтиш (оралиқ 20-30 см) машқларини бажариш.

### ***Назорат иши. (1 соат)***

### ***(1-6-мавзулар асосида)***

## **7-мавзу: Осилиш ва таянишлар. (1 соат)**

Осилишлар: турган ва ётган ҳолатда осилиш; гимнастика нарвончасиги орқа билан турган ҳолатда осилиб оёқларни букиш ва ёзиш; қўлларни буқсан ҳолда осилиб туриш; букилиб осилган ҳолатда тортилиш; паст турникда осилиш машқлари.

Таяниш: қўлларга таяниб ётган ҳолда ва тиззалаб туриб гимнастик “кон”, гимнастика ўриндиғида бажариладиган машқлар.

## **8-9 мавзу: Мувозанат сақлаш. (2 соат)**

Гимнастика ўриндиқда буюмларни қўлда ушлаб юриш (тўп, ҳалқа, гимнастик таёқча); гимнастик ўриндиқнинг таг қисмини (тўнкарилган) эгилган ҳолатда унинг устидаги түсиклардан ҳар хил ҳаракатларда юриш; ён томон билан қадамлар қўйиб юриш; полга чизилган чизиклар устида текис юриш; бир оёқда тик туриб, қўлларни ҳар хил ҳолатда тутиб иккинчи оёқни ёнга, олдинга, орқага кўтариш; бир оёқда туриб, қўлларни ёнга узатиб мувозанатни сақлаш; “қалдирғоч” ҳосил қилиш; ярим шпагат туриш.

## **Назорат иши. (1 соат)**

*(7-9 мавзулар асосида)*

## **10-12 мавзу: Акробатика. (3 соат)**

Ғужанак бўлиб ўтириш орқали олдинга, орқага умбалоқ ошиш; куракларда тик туриш; ён томонларга думалаш; ётган ҳолатда “қўприк” ҳосил қилиш; қорин билан ётган ҳолда икки оёқ учини қўл билан ушлаб, керишиш; аргамчи ва гардишлар билан турли машқларни бажариш.

## **13-мавзу: Бадиий гимнастика ва рақс элементлари. (1 соат)**

Мусиқа жўрлигидаги машқларни бажариш; қадамларда сакраб олдинга ва ўнг томонларга юриш; қўл ва оёқ ҳаракатларини мусиқага мослаб бориш; миллий мусиқа ритмларини ижро этиш: “Андижон полкаси”, “Лазги”. Ритмик гимнастика элементлари ва аэробика: “Валс”, “Полка қадамлари”, “Ўрдакчалар рақси”.

## **Назорат иши. (1 соат)**

*(10-13 мавзулар асосида)*

**Укупчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар:**  
**Союзлишиштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олиш компетенцияси:** сафланиш, асосий тик туриш, кетма-кет ва ёнма-ён бўлиб оир юторга, айланма бўлиб сафланиш, чизик бўйлаб сафга туриш, қўл шинниб доира ҳосил қилиш машқларини бажара олади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** ғрилабки бадантарбия машқларини кетма-кетликда бажара олади, шахсий гигиенага амал қиласи, баданни чиниқтириш машқларини бажара олади.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усуулларда фойдаланиш компетенцияси:** гимнастика анжомларни жойлаштиришда хавфсиз холда тўғри ўрната олади, фойдалана олади.

## **2-синфлар учун енгил атлетика (18 соат)**

### **14-мавзу: Юриш. (1 соат)**

Турли суръатда масофа бўйлаб ҳаракатланиб спортча юриш; ҳаракат тезлигини ўзгартириб юриш; қўлни ҳар хил ҳолатда тутиб юриш; мўлжалга югуриш йўлакчasi чизиғи бўйлаб юриш;

### **15-16 мавзу: Югуриш машқлари. (2 соат)**

Паст тўсиқлар орасидан ўтиб югуриш; тезликни ошириб югуриш; тizzани юқорига кўтариб, 50-60 см бўлган тўсиқлар оша юриш; тез-тез кадамлаб, яrim чўққайиб кенг қадамлаб юриш машқларини бажариш.

### **17-мавзу: Аралаш югуриш. (1 соат)**

Оёқ учида, турган жойда тizzани баланд кўтариб югуриш машқлари; югуришни юриш билан алмашлаб 4 дақиқа давомида югуриш;

### **18-мавзу: 3x10 м мокисимон югуриш. (1 соат)**

3x10 м мокисимон югуриш;

### **19-мавзу: Масофа бўйлаб югуриш. (1 соат)**

Паст ва юқори стартларда туриш техникаси, қисқа (30, 60 м) ва ўрта (500, 800, 1000 м) масофаларга югуриш.

### **Назорат иши. (1 соат)**

**(14-19 мавзулар асосида)**

**20-21 мавзу: Узунликка сакраш. (2 соат)**

Жойида туриб узунликка сакраш; бир қадамдан (депсиниш машқлари) узунликка, 4-6 қадам ташлаб узунликка сакраш;

**22-23 мавзу: Баландликка сакраш. (2 соат)**

Югуриб келиб түғридан баландликка сакраш; югуриб келиб 40-50 см баландликдаги түсікден сакраб үтиш;

**Назорат иши. (1 соат)**

**(20-23 мавзулар асосида)**

**24-26 мавзу: Улоқтириш. (3 соат)**

Тұлдирма түпни (1 кг) түғри ушлаш; тұлдирма түпни пастдан улоқтириш турлари ва машқларини бажариш; үтирган жойдан тұлдирма түпни икки құлда бош орқасидан ва турган ҳолатда күкракдан олдинга ташлаш; теннис коптогини бир құлда мүлжалга ва узоклика улоқтириш; катта ва кичик түпларни белгиланған масофадан горизонтал ва вертикаль нишонга отиш; 5-6 қадам ташлаб теннис коптогини аник нишонга, узоклика улоқтириш.

**27-28 мавзу: Кросс тайёргарлик. (2 соат)**

Кросс югуриш қоидаси; унча баланд-паст ва үнқир-чүнқир бұлмаган жойларда охиста 400-500 м га (вақт ҳисобға олмаган ҳолда) югуриш; юриш билан алмашлаб югуриш.

**Назорат иши. (1 соат)**

**(24-28 мавзулар асосида)**

**Үқувчиларда шақыланадиган фанга оид компетенциялар:**

**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни түшуниш ва құллай олиш компетенцияси:** енгил атлетика машғулотларида үзини тутиш (юриш, туриш), масофа бүйлаб югуришда ҳаракат темпини назорат қила олади.

**Жисмоний машқлар мәжмусини кетма-кетликда түғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** унча

бонд-шест, ўнқир-чүнқир бўлмаган жойларда оҳиста югуриш орқали кросс  
тириялиги машқларини бажаради.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усуулларда фойдаланиш  
номистенцияси:** югуриб келиб тўғридан баландликка сакрашда техника  
сийдешарига амал қилган ҳолда сакрай билади.

### **2-синфлар учун ҳаракатли ўйинлар. (32 соат)**

**29-31-мавзу: Ҳаракатли ўйинларни ўйнашда унинг қоидалари  
билиш таништириш ҳамда бажариладиган машқлар. (3 соат)**

Мактаб кун тартибида – жисмоний тарбия дарсларида, синфдан  
шикари пайтларда ҳаракатли ўйинларни мустақил ташкил қилиш ва  
утишиш, унда иштирок этиш; ҳаракатли ўйинларни ҳамда спорт ўйинларига  
тиёрловчи ўйинларда қоидаларга риоя қилган ҳолда иштирок этишни  
ургатиш.

**32-34 мавзу: Ҳаракатли ўйинларни ўйнашдан бажариладиган  
миншқлар. (3 соат)**

Спорт анжомларидан фойдаланган ҳолда юриш, қўл ва оёқ, гавдани ҳар  
хил ҳолатда ҳаракатлантириш; майдончада йўналишини турли тарафларга  
узгартирган ҳолда секин ва тез юришлар; оёқлар учida ва товонларда  
юришлар; сакрашга доир бўлган бир ва икки оёқлаб сакраш, турган жойдан,  
ҳаракатланган ҳолда олдинга сакрашлар; аргамчида, ҳалқада сакраш; тўпни  
ирғитиш: кичик ва катта тўпларни иргитиб илиб олиш; ўқувчиларнинг юзма-  
юз турган ҳолда тўпни бир-бирларига иргитиш; тўпни узоққа отиш; ҳар хил  
нишонга улоқтириш ва саватчага тушириш машқларини бажариш.

**35-58 мавзулар. Ҳаракатли ўйинларни ўргатиш ва бажариш.  
(24 соат)**

“Соққа”, “Олиб қочар”, “Тўпни айлана ичига туширма”, “Кўриқчи”,  
“Кулок чўзма”, “Тўп ўртага”, “Кенгуруча”, “Аргамчи билан эстафета”,  
“Сакраб ўт ва қочиб кет”, “Биргалашиб сакраймиз”, “Кучлилар ва  
чаққонлар”, “Тўсиқлардан ошиб ўтиш”, “Ким узоққа отади”, “Саватга тўп  
тушириш”, “Тортишмачоқ”, “Узатдингми, ўтири”, “Доирага торт”, “Хурозлар

жанги”, “Жуфт-жуфт бўлиб тортишиш”, “Қармокча”, “Қирқтош”, “Чўпон”, “Чавандозлар”, “Қовун полизида”, “Сехрли катаклар”, “Машқни бажар, эслоб кол” ва бошқа ўйинлар ёрдамида диққат, хотира ва жисмоний сифатларни ривожлантириш.

### **Назорат иши. (2 соат) (35-58 мавзулар асосида)**

#### **Ўкувчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар:**

**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олиш компетенцияси:** харакатли ўйинларнинг ўкувчилар организмига ижобий таъсири ва уларнинг соғлом жисмоний ривожланишидаги ўрнини билади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** жисмонан чиниқишига, қадди-қоматни тикланишига, харакат фаолиятининг ўсишига, ишчанликка оид бўлган харакатли ўйинларни ўйнай билади.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усуllibарда фойдаланиш компетенцияси:** харакатли ўйинларнинг қоидаларини билади ва уларга риоя қиласди.

### **2-синфлар учун шахмат (2 соат)**

#### **59-60 мавзу: Шахмат. (2 соат)**

“Кишт қўйиш”, мот, пот, дурранг ҳолатлари.

#### **Ўкувчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар:**

**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олиш компетенцияси:** шахмат тахтаси катаклари ва унда доналарни жойлаштириш, доналарнинг номларини билиш орқали харакатлантира олади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** доналарни харакатлантира олади.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усуllibарда фойдаланиш компетенцияси:** шахмат доналарини бир-биридан фарқлай олади.

### **2-синфлар учун сузиш**

Эркин сузиш усули элементларини ўрганиш. 25 метрга эркин усулда  
сузишга оид бўлган ўйинлар: “Лайлак ва қурбақалар”, “Балиқчи ва  
бончопир”, “Гўпли қувлашмачоқ”, “Денгизчи”.

**Манзуларни ўрганиш учун - 60 соат**

**Назорат ишлари учун - 8 соат**

**Жами - 68 соат**

### **3- синфлар учун жисмоний тарбия**

Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенция элементлари:

**Коммуникатив компетенция:** фикрини оғзаки ва ёзма тарзда ифода эта  
лонги, мулокотда муомала маданиятига амал қилиш ва гурухларда ишлай  
лонги.

**Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси:** жисмоний тарбия фанига  
оид газета ва адабиётлардан фойдалана олиш, оммавий ахборот воситаларида  
жисмоний тарбияга оид бўлган маълумотларни кузатиб, тушуна олиш.

**Ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси:** мунтазам равишда ўзи  
устида ишлаш, ақлий, ахлоқий, эстетик, кун тартиби ҳамда гигиеник  
коидаларга амал қила олиш.

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:** атрофида бўлаётган  
покеа, ҳодиса ва жараёнларини англаш ва ҳис этиш, муомала маданиятига эга  
бўлиш.

**Миллий ва умуммаданий компетенция:** аждодлардан авлодларга  
ўтиб келаётган миллий урф-одатларни билиш, тенгдошлари билан дўстона  
муносабатда бўла олиш.

**Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларида хабардор  
бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:** жисмоний тарбия фанига оид  
саноқ сонларининг моҳиятини англаш.

### **Назарий билим асослари**

Олимпия ўйинлари ва уларнинг келиб чиқиши тарихи ҳақида тушунча  
бериш. Ўзбекистон ифтихорлари юзасидан маълумотлар (“Ифтихор”  
унвонига сазовор бўлган спортчилар). “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаси

ҳақида маълумот бериш. Спорт ўйинлари ва ҳаракатли ўйинлари ҳақида тушунча, уларни бир-биридан фарқлаш.

Жисмоний машқларнинг инсон соғлигини мустаҳкамлаши, қоматининг тұғри ривожланишида, жисмоний иш қобилятлариниң таъсири. Инсон мушакларини бүшаштирувчи машқларнинг аҳамияти. Ҳар хил ножұя ҳаракатлардан шикастланишинг олдини олиш. Қоматни ростлайдиган, әрталабки бадантарбия машқлари мажмуасини бажарып, Чиниктириш муолажаларнинг аҳамияти. Жисмоний машқларни бажарып вактида тұғри нафас олиш. Енгил атлетика дарсларида хавфсизлик қоидалари. Қисқа ва ўрта, узок масофаларга тез суръатда югуриш қоидалари. Сакраш турлари ва уларнинг фазалари. Ўқувчиларни юриш, югуриш, сакраш ва улоқтириш ҳолатларыда гавдани тұғри тутишнинг аҳамияти. Ҳаракатли ўйинларнинг ўтказилишида ҳаёттій фаолият учун зарур бўлган жисмоний сифатларни, ўйинлар жараёнида спорт майдонида ёки спорт залида ўқувчиларнинг тартиб-интизомни саклаши ва ўйин қоидаларига риоя қилиши тұғрисида. Мини-футбол ўйини ҳақида маълумот ва унинг қоидаларини ўргатиш.

### 3-синфлар учун гимнастика. (16 соат)

#### 1-мавзу: Саф машқлари. (1 соат)

Саф машқларини турған ва ҳаракатда бажарып, бир кишилиқ қатордан икки, уч кишилиқ қаторға үтиб сафланиш ва қайта сафланиш.

#### 2-3 мавзу: Үмумривожлантирувчи машқлар. (2 соат)

Қоматни тұғри шакллантириш учун құл, оёқ машқларини бажарышда турли ҳолатларни тұғри бажарып, саф машқларини бажарып да шериклари билан мутаносиб ҳаракатланиш; үмумривожлантирувчи машқлар мажмуасини буюмсиз ва буюмлар билан бажарып. Мустақил равища 4-5 та үмумривожлантирувчи машқларни тузишни ўргатиш.

#### **4-5 мавзу: Таяниб сакраш. (2 соат)**

Үгил болалар баландлиги 90 см бўлган гимнастик “козёл” устига турган қўллар билан таяниб тиззаларга сакраб чиқиш, тикка туриш ва юқорига керилиб юмшоқ сакраб тушиш; сакраб тушишда оёқларни ёзиш.

Қиз болалар баландлиги 80-90 см гимнастик “козёл”га қўлларга таяниб тиззаларга сакраб чиқиш, юқоридан керилиб юмшоқ сакраб тушиш; сакраб тушишда оёқларни ёзиш.

#### **Назорат иши. (1 соат)**

*(1-5 мавзулар асосида)*

#### **6-7 мавзу: Тирмасиб чиқиш. (2 соат)**

Кия жойлаштирилган гимнастик ўриндиқ устидан қўлларда тортилиб тирмасиб чиқиша қўл кучини ривожлантирувчи машқларни бажариш; ўркин ҳолда арқонга З усулда тирмасиб чиқиши ўргатиш; 30 сония мобайнида гимнастик нарвонга орқа билан қўлларда осилиб туриш.

#### **8-9-мавзу: Осилиш ва таянишлар. (2 соат)**

Гимнастика анжомлари: а) гимнастик нарвон, яккачўпда, гимнастика ўриндиқларида машқлар бажариш; б) қўлларда осилиб, тиззаларни юқорига кўтариш; в) баланд турникда тортилиш (үгил болалар), гимнастика ўриндиғида таяниб, қўлларни букиш ва ёзиш (қиз болалар).

#### **10-мавзу: Мувозанат сақлаш. (2 соат)**

Гимнастик ўриндиқ устидаги оёқ учидаги ёнбошлаб қадам ташлаб, мувозанат сақлаб юриш; “қалдирғоч” ҳосил қилиш; гимнастика ўриндиғида орқага қадамлаб юриш, бурилиш ва тиззада туриш, кия текисликда юриш; гимнастика ўриндиғининг таг қисми (орқаси)да юриш; гимнастика ўриндиқ устидаги юриб, тўпни юқорига отиб, илиб юриш; 1 метр баландликдаги яккачўп устидаги юриш,  $180^{\circ}$  бурилиш, чўққайиб ўтириш, сакраб тушиш.

#### **Назорат иши. (1 соат)**

*(6-10 мавзулар асосида)*

#### **11-12 мавзу: Акробатика. (3 соат)**

Гужанак булиб ўтирган ҳолатдан орқага думалаш, олдинга думалаб дастлабки ҳолатга қайтиш; ҳар хил дастлабки ҳолатлардан олдинга умбалоқ ошиш; сидирғасига 2-3 марта умбалоқ ошишни ўргатиш; дастлабки ҳолат асосий туриш, тұхтамасдан икки марта олдинга умбалоқ ошиш; орқага думалаш билан куракларда тик туриш; куракларда тик туриш ҳолатиди оёқларни букиш, бирданига “күпприк” ҳосил қилиш; бир құлда таяниб, ёндап орқага бурилиш билан чүққайиб таянишга ўтиш ҳамда гавдани тұғрилаб юқорига сакраб, юмшок құниш.

### **13-мавзу: Бадий гимнастика ва рақс элементлари. (1 соат)**

Миллий мусиқа ритмларини ижро этиш: “Андижон полкаси”, “Лазги”.

Мусиқа жүрлигіда қадамларда сакраб олдинга ва үнг томонларға юриш каби бажарыладыган машқлар.

### **Назорат иши. (1 соат)**

#### **(11-13 мавзулар асосида)**

**Үқувчиларда шақлланадыган фанга оид компетенциялар:** Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва құллай олиш компетенцияси: чиниқишининг асосий турлари, табиий омиллари, муолажаларнинг аҳамиятини билади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тұғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** гужанак булиб ўтирган ҳолатдан орқага думалаш, олдинга думалаб дастлабки ҳолатга қайтиш, сидирғасига 2-3 марта умбалоқ ошишни бажаради.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усулларда фойдаланиш компетенцияси:** акробатик машқларни бажаришда машқлар мажмуасини буюмлар ва буюмларсиз бажара олади, хавфсизлик қоидаларига амал қылған ҳолда бажаради.

### **3-сinfлар учун енгил атлетика. (18 соат)**

#### **14-мавзу: Юриш. (1 соат)**

Секин, ўрта ва тез суръатларда юриш.

#### **15-мавзу: Буюмлар билан юриш. (1 соат)**

(Орипда құллар билан турли ҳаракатланиб юришлар (масалан: құллар  
шашы, тенада, қарсак чалиб юриш ва х.к.); буюмлар (гардиш, түп)  
тәжіриде югуриш йүлакчаси чизигі бүйлаб юриш.

### **16-17 мавзу: Югуриш. (2 соат)**

Тәжірик сифатини оширувчи машқлар; паст стартдан тезликни ошириб  
10, 60 м масофаларга югуриш.

### **Назорат иши. (1 соат)**

*(14-17 мавзулар асосида)*

### **18-мавзу: Мокисимон югуриш. (1 соат)**

4x10 м мокисимон югуриш.

### **19-мавзу: Түсиқлар оша югуриш. (1 соат)**

Баландлиги 30-40 см бүлгап түсиқлар устидан ошиб югуриш; турли  
буюмларни четлаб, айланиб югуриш машқлари.

### **20-21 мавзу: Үрта ва узок масофаларга югуриш. (2 соат)**

Паст ва юқори стартларда туриш қоидалари, үрта масофага югуриш,  
югуриш мобайнида нафасни тұғри олиб, чиқариш; 1000-1500 м масофаларга  
югуриш.

### **22-мавзу: Эстафета югуриш. (1 соат)**

Таёқчани ушлаш, таёқча билан югуриш, таёқчани шеригига ҳаракат  
жараёнида узатиш, эстафета (4x30 м) югуриш.

### **Назорат иши. (1 соат)**

*(18-22 мавзулар асосида)*

### **23-24 мавзу: Сакраш. (2 соат)**

Турган жойдан оёқда депсиниб сакраб, олдинга ҳаракатланиш  
машқлари; бир оёқда сакраб ҳаракат қилиш машқлари; турган жойдан  
узунликка сакраш.

### **25-мавзу: Баландликка сакраш. (1 соат)**

40-50 см баландликдеги түсиқлардан ошиб сакраш; югуриб келиб  
узунликка ва баландликка сакраш; икки оёклаб  $180^{\circ}$  бурилиб сакраш  
машқлари.

## **26-27 мавзу: Улоқтириш. (2 соат)**

Турган жойдан теннис коптогини ўнг ва чап қўлда улоқтириш; турган жойдан коптокни нишонга улоқтириш; югуриб келиб теннис коптогини узоклика улоқтириш.

## **28-мавзу: Кросс тайёргарлик. (1 соат)**

Баланд-паст, ўнқир-чўнқир жойларда юриш ва югуриш машқлари; югуриш давомида турли бурчакларга бурилиш машқлари; 50 метрдан бўлаклардан иборат эстафет югуриш.

## **Назорат иши. (1 соат)**

### **(23-28 мавзулар асосида)**

**Ўкувчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар:**  
**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олиш компетенцияси:** сакраш турлари ва уларнинг фазаларини билиб олади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** юриш, югуриш, сакраш ва улоқтириш машқларини бажариш жараёнида гавдани тўғри тутган ҳолда амалга оширади.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усусларда фойдаланиш компетенцияси:** қисқа, узок масофаларга югуриш машқларини бажаришда белгиланган майдонни мустақил равишда танлай олади ва бажаради.

## **3-синвлар учун ҳаракатли ўйинлар. (24 соат)**

**29-30 мавзу: Ҳаракатли ўйинларни ўйнашда унинг қоидалари билан таништириш ҳамда бажариладиган машқлар. (2 соат)**

Ўйинларда тартиб-интизомга, сабр-қаноатга, шошилинч чиқишлиар, чақиришларнинг меъёрида бўлишига одатлантириш. Тўпларни узатиш, аргамчиларда тўғри сакраш, аниқ нишонга, масофага отиш машқлари асосида ва спорт ўйинлари бўлган ҳаракатли ўйинларни бажариш.

**31-32-мавзу: Ҳаракатли ўйинларни ўйнашдан аввал бажариладиган машқлар. (2 соат)**

Спорт турлари элементлариға үргатища үкувчилардан үйинни мустакил ташкил қилишни талаб этиш. Масалан, гимнастика үрнәккелеридан югуриб үтиш, сакраб тушиш, гимнастик таёқчаларни олиб үтиш, сакраб-югуриб олиб келиш, эстафеталар. Спорт үйинларидан волейболга тааллукли бўлган үйинни мустакил ташкил қилиб үтказиш ва х.к.

### **33-51 мавзу: Ҳаракатли үйинларни үргатиш ва бажариш. (19 соат)**

Ҳаракатли үйинлар ва эстафеталар: "Олимпия глобуси", "Сехрли китклар", "Подачи", "Чиргизак", "Қуриқчи", "Қирқ тош", "Оқ сұяқ", "Доира", "Доира бўйлаб катта эстафета", "Тўп учун кураш", "Тўп капитанга", "Тун ва кун", "Қармоқча", "Ғилдирак", "Арқон тортиш", "Мерган", "Тўпни тез ол", "Ҳавои тўп", "Чавандозлар", "Тақиқланган ҳаракат", "Кечиб үтиш", "Тўпга тегиб кетма", "Тез олиб от", "Отишма", "Бўрон" ва шулар каби үйинлар сидамида үкувчиларда ҳаётий фазилатларни тарбиялаш ва ривожлантириш. «Тўпларни қатордан узатиши», «Ман этилган машқ», «Доира бўйлаб тўп узатиши», «Ҳамма ўз байроқчасига», «Болаларда тартиб қатъий», «Кун ва тун», «Оқ айқлар», «Олиб қочар», «Инсиз куён», «Югуришли эстафета», «Нина, ип ва тугунча», «Копқон», «Чархпалак», «Чўртан балиқ ва балиқлар», «Ким узоққа отади?», «Тулкилар ва намартак», «Курбақа билан лайлак» үйинлари орқали чаққонлик, мардлик, меҳнатсеварлик қобилиятларини ривожлантириш.

### **Назорат иши. (1 соат)**

#### **(33-51 мавзулар асосида**

Ўкувчиларда шаклланадиган фанга онд компетенциялар: Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олиш компетенцияси: ҳаракатли үйинларнинг болалар ҳаракат таянч малакаларининг ўсиши ва ривожланишидаги аҳамиятини билиб олади.

Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси: жисмоний сифатларни ривожлантириш, ҳаётий фаолият учун зарур бўлган үйинлар бажаради.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усулларда фойдаланиш компетенцияси:** ҳаракатли ўйинларни бажаришда спорт майдони ёки спорт залда ўзини тутиш, тартиб-интизомни саклаши ва ўйин қоидаларига риоя қиласи.

### **3-синфлар учун футбол. (8 соат)**

#### **52-53 мавзу: Футбол ўйини билан таништириш. (2 соат)**

Футбол майдони, дарвозаси ва тўпи билан таништириш, эркин ҳолатди тўпни олиб юриш; тўпни турган ҳолатда ва ҳаракат жараёнида шеригиги тўғри узатиш машқлари; футболчиларнинг ўйин ва машқларни бажариш пайтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни ўргатиш.

#### **54-мавзу: Тўпни дарвозага киритиш. (1 соат)**

Тўпни дарвозага турли тарафдан киритиш, жаримадан киритиш;

#### **55-56 мавзу: Футболда тўпни ўйинга киритиш. (2 соат)**

Тўпни ўйинга киритиш (аут, бурчак тўпи) машқларини бажариш;

#### **57-58 мавзу: Дарвозабон техникаси. (2 соат)**

Дарвозабон техникаси (дарвозада туриш ва ҳаракатланиш), жамоавий футбол ўйинини ўйнаш.

#### **Назорат иши. (1 соат)**

#### **(52-58 мавзулар асосида**

**Уқувчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар:** Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олиш компетенцияси: футбол майдони, тўп ва дарвозанинг ўлчамларини билиб олади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** тўп билан ҳаракатланиш ва шеригига узатишни бажара олади.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усулларда фойдаланиш компетенцияси:** тўпни ўйинга киритиш ҳолатларида тўпни белгиланган жойга ўрнатади ва машқни бажаради.

### **3-сinfлар учун шахмат. (2 соат)**

#### **59-60 мавзу: Шахмат. (2 соат)**

Рокировка, пиёда билан йўлдан уриб олиш, сипохларнинг қиймати.

**Ўкувчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар:**

**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олиш** компетенцияси: футбол майдони, тўп ва дарвозанинг ўлчамларини билиб олади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш** компетенцияси: тўп билан ҳаракатланиш ва шеригига узатишни бажара олади.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усувларда фойдаланиш** компетенцияси: тўпни ўйинга киритиш ҳолатларида тўпни белгиланган жойга ўрнатади ва машқни бажаради.

#### **3-сinfлар учун сузиш.**

Эркин сузиш усули элементларини ўрганиш. 25 метрга эркин усулда сузиш. Сузишга оид бўлган ўйинлар: “Лайлак ва қурбақалар”, “Балиқчи ва балиқлар”, “Тўпли кувлашмачоқ”, “Денгизчи”.

**Мавзуларни ўрганиш учун - 60 соат**

**Назорат ишлари учун - 8 соат**

**Жами - 68 соат**

### **4 - Синфлар учун жисмоний тарбия**

**Ўкувчиларда шакллантириладиган таянч компетенция элементлари:**

**Коммуникатив компетенция:** Фанга оид олинган билимлари юзасидан мустақил фикрини оғзаки ва ёзма тарзда ифода эта олиш, мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш ва гурухларда ишлай олиш.

**Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси:** жисмоний тарбия фанига оид адабиётлардан фойдалана олиш, оммавий ахборот воситаларида жисмоний тарбияга оид бўлган маълумотларни кузатиб, тушуна олиш; дарслик ва бошқа манбалардан фойдалана олиш.

**Ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси:** мунтазам равишада ўтида ишлаш, ақлий, ахлоқий, эстетик, кун тартиби ҳамда гигиеникoidаларга амал қила олиш.

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:** атрофида булаётгани воқеа, ҳодиса ва жараёнларини тушуниш ва ҳис этиш, муомала маданиятини зга булиш.

**Миллий ва умуммаданий компетенция:** аждодлардан авлодлариги ўтиб келаётган миллий урф-одатларни билиш, тенгдошлари билан дўстони муносабатда була олиш.

**Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:** жисмоний тарбия фанига оид саноқ сонларининг моҳиятини англаш ва амалда қўллай олиш.

### **Назарий билим асослари**

Қадди-қоматнинг тузилишига маҳсус машқларнинг таъсири. Баданни чиниктиришнинг асосий қоидаси ва аҳамияти ҳақида тушунча бериш. Машгулот вақтида шикастланишнинг олдини олиш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида. Қомат бузилишининг олдини олиш, қоматни ростлайдиган машқлар ҳақида тушунча бериш. Оммавий спорт турлари тўғрисида (футбол, волейбол, гандбол, баскетбол, бадминтон, тенис ва х.к.) маълумот бериш. Ўз-ўзини назорат қилиш тўғрисида билим бериш. Баданни чиниктиришнинг асосий қоидалари ва аҳамияти.

Гимнастика турлари, спорт анжомларидан фойдаланиш тартиби. Гимнастика машқларини қўллаб, дарс ва танаффус вақтида ўйинларга ўргатиш, қўллар билан симметрик ва асимметрик ҳаракатларни бажариш. Ҳаракат тартиби (режими) ҳамда унинг ўқувчилар саломатлиги ва қобилиятини оширишдаги аҳамияти. Енгил атлетика машгулотларида ўзини тута билиш қоидалари. Қомат бузилиши ва шикастланишининг олдини олиш чора тадбирлари.

Саломатликни сақлашда жисмоний машқларнинг аҳамияти.

Күннин ширинг саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбиянинг ўрни.

Жисмоний машқ билан шуғулланишнинг гигиеник қоидалари.

Ўзбекистонда баскетболнинг ривожланиши тўғрисида қисқача маълумот. Мини-баскетбол ўйинининг соддалаштирилган қоидаси. Мактабда ўйинниладиган волейбол ҳакида тушунча ва унинг аҳамияти. Волейбол ўйинида туриш ҳолатини, ўйин қоидасини, ўрин ўзгартириш қоидаларини ўрганиши. Жисмоний машқларнинг тана аъзоларга ижобий ёки салбий таасири ҳакида тушунча бериш. Ўзбекистонда гандбол ўйини ҳакида (қисқача маълумот).

Футболчиларнинг ўйинда ўзини тутиши ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши. Ёш футболчиларнинг спорт формаси ва кийимлари. Футбол билан мунтазам шуғулланиш орқали чиниқтириш. Футболчиларнинг ўйин машқлари ва ўйин пайтида хавфсизлигининг асосий қоидалари. Футболчиларнинг кийим ва пойабзалларига қўйиладиган талаблар.

Ҳаракатли ўйинларнинг инсоннинг ҳар томонлама ривожланишидаги пхамияти, ўйинлар жараёнида таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, дўстларга қандай муносабатда бўлиш белгиларини аниқ мисоллар билан етказиш, ҳаракат пайтида ўзининг қобилиятини ўзи аниқлай билиш, узок-яқинни, теварак-атрофда қилинаётган ҳаракатларни кўра билиш.

### Гимнастика (14 соат)

#### 1-мавзу: Умумривожлантирувчи машқлар. (1 соат)

Тиззаларда чўккалаб, қўллар ёрдамисиз тик туриш; гимнастик наровонида ҳамда гимнастик ўриндиғида машқлар бажариш; буюмлар билан умумривожлантирувчи машқларни бажариш (гимнастик таёқчалари, гантеллар, гардишлар, кичик тўплар, аргамчи ва х.к.).

#### 2-3 мавзу: Таяниб сакраш. (2 соат)

Югуриб келиб гимнастик “козёл”га таянган ҳолда тиззага туриш, шу ҳолатда бир қўлга таяниб ён томонга (чап, ўнг) тиззадан сакраб тушиш машқлари;

#### **4-мавзу: Гимнастик “козёл”ида таяниб сакраш. (1 соат)**

Гимнастик “козёл”да тиззага таяниб туришдан таяниб үтиришга үтши, күкракни кериб юмшоқ сакраб тушиш; баландлиги 100 см бўлган гимнастик “козёл”дан оёқларни кериб сакраб үтиш; гимнастик “козёл” устидан оёқларни кериб таяниб сакраш машқларини бажариш:

1. Ўғил болалар – гимнастик “козёл” (узунасига ўрнатилган, баландлиги 100 см) устидан оёқларни кериб сакраш;
2. Қиз болалар – гимнастик “козёл” (енига ўрнатилган, баландлиги 80 см) устига сакраб чиқиш, чўққайиб үтириш, қўлларни силтаб юмшоқ сакраб тушиш.

#### **5-мавзу: Тирмашиб чиқиш машқлари. (1 соат)**

Гимнастик нарвонига қўл ва оёқларни бир вақтда қўйиб чиқиш ҳамда тушиш; қия кўтарилигани ( $45^0$ - $50^0$ ) гимнастик ўриндикка тирмашиб чиқиш ва тушиш;

#### **6-7 мавзу: Арқонга тирмашиб чиқиш. (2 соат)**

Арқонга эркин усулда тирмашиб чиқиш; арқонга уч ҳаракат усулида тирмашиб чиқиш ва тушиш; тик арқонга уч ҳаракат усулида тирмашиб чиқишида гимнастика деворида осилиб туришдан, уч ҳаракат усули техникаси билан тирмашиб чиқиш, тик арқонда кўрсатилган усулда 2-3 метргача тирмашиб чиқиш машқларини бажариш.

#### **Назорат иши. (1 соат)**

##### **(1-7 мавзулар асосида)**

#### **8-мавзу: Гимнастик нарвонда осилиш ва таянишлар. (1 соат)**

Гимнастика нарвонига ўргатилган усулларда тирмашиб чиқишлир (оддий, бир тарафлама, ҳар тарафлама); гимнастика нарвонидан осилиб турган ҳолатдан, қўлларга тортилиш билан тирмашиб чиқиш; гимнастика нарвонидан қия қўйилган гимнастика ўриндигига үтиш; гимнастик нарвонга таяниб турган ҳолда чап ва ўнг оёқни ён томонга узатиш; турникда осилиш, оёқларни букиб осилиш, осилишда оёқларни букиб тўғрилаб олдинга кўтарилиш машқларини бажариш.

### **9-мавзу: Паст турникда тортилишлар. (1 соат)**

Паст турникда осилиб туришдан тұнтарылып таянчга күтарилиш (бир өсім десиниб, иккінчисіде сұлтаниб бажарилади); машқни бажариш учун әрекеттің көрінісінде күллар букилиб, оёқ ва гавдани турникка яқынроқ олиб орнында қаралат қилинади.

### **10-мавзу: Мувозанат сақлаш. (1 соат)**

Гимнастик үриндиқда бир оёқлаб 2-3 сония давомида “қалдирғоч” туриш; үнг ва чап оёқларда таянч билан мувозанат сақлаң туриш; яккачұп устида машқлар: оддий, оёқ учларида, ёнларга жуфтлама қадам билан, оңдыша ва орқага жуфтлама қадам билан, буюмлар устидан хатлаб үтиш; яккачұп устида ён билан туриб оёқларни чалиштириб юриш; яккачұп устида сакраб бурилишлар: аввал ерда тұнтарылған гимнастик үриндинде  $90^{\circ}$ ,  $180^{\circ}$  үнг (чап)га сакраб бурилишларга үргатиши; яккачұп устида турған ҳолатдан 35-40 см баландлықдаги түсіклар устидан хатлаб үтиш билан юриш.

### **11-12 мавзу: Акробатика. (2 соат)**

“Ярим шпагат”, “шпагат” үтиришларни бажариш учун маҳсус машқлар билан шуғуллантириш; куракларда тик туриш; акробатика машқлар мажмуаси; дастлабки ҳолат оёқлар керилған, қүллар юқорида орқага энгашыб “күпrik” ҳосил қилиш, чап (үнг) қүлга таяниб бурилиб, чүккайиб таяниш ҳолатини бажариш. Икки марта кетма-кет олдинга умбалоқ ошиб, юқорига керишиб сакраш машқларини бажариш.

### **Назорат иши. (1 соат)**

*(8-12 мавзулар асосида)*

**Үкувчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар:**

**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва құллай олиш компетенцияси:** гимнастика турлари хусусиятига мөс бўлган спорт анжомларининг номи, үлчамлари ва улардан хавфсиз усулда фойдаланиш тартибини билиб олади.

**Жисмоний машқлар мажмусини кетма-кетликда тұғри бажарып орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** тиң арқонга уч ҳаракат усулида тирмашиб чиқади.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усулларда фойдаланып компетенцияси:** қомат бузилиши ва шикастланишининг олдини олини чораларини билади ва уларга амал қилади.

#### **4-синфлар учун енгил атлетика. (18 соат)**

##### **13-14 мавзу: Юриш. (2 соат)**

Күлларни турли ҳолатларда ҳаракатлантириб юриш; ярим үтириб юриш; оёқда ҳамла қилиб юриш; оёқ учиды ва товонда юриш; ҳар хил тезликда юриш.

##### **15-16 мавзу: Югуриш. (2 соат)**

Үрта тезликда 4 дақықа давомида югуриш; паст стартдан туриб жуфтликда 60 м масофага югуриш; 200 м масофага үрта тезликда 3-4 марта дам олиш билан алмашиб югуриш;

##### **17-18 мавзу: Узок масофага югуриш. (2 соат)**

Узок масофага югуриш техникаси, узок масофага (1000 м) үрта тезликда 6-8 марта дам олиш билан алмашиб югуриш;

##### **19-мавзу: Мокисимон югуриш. (1 соат)**

4x10 м мокисимон югуриш;

##### **20-мавзу: Эстафета югуриш. (1 соат)**

4x60 м эстафета югуриш.

##### **Назорат иши. (1 соат)**

##### **(13-20 мавзулар асосида)**

##### **21-22 мавзу: Югуриб келиб “оёқ букиш усули”да сакраш. (2 соат)**

Бир оёқда 15-20 метр масофага сакраб бориши машқлари; баландлиги 30-50 см бүлгелерде устидан сакраб, юмшоқ тушиш; тұғридан югуриб келиб баландликка сакраш; югуриб келиб узунликка “оёқ букиш усули”да сакраш,

### **13-14 мавзу: Югуриб келиб баландликка “ҳатлаб ўтиш усули”**

(2 соат)

Сакримда фазаларга бўлиб техникасини ўрганиш; югуриб келиб баландликка “ҳатлаб ўтиш усули”да сакраш (фазаларга эътибор қаратган манзур) машқларини бажариш.

### **15-16 мавзу: Улоқтириш. (2 соат)**

Генис коптотларини ўнг ва чап қўллар билан мўлжалга улоқтириш; коптогини бир қадам кенглиги 4 метр бўлган йулакча ичидан улоқтириш; коптотни узоқ масофага 3-4 қадам ташлаб улоқтириш.

### **27-28 мавзу: Кросс тайёргарлиги. (2 соат)**

Паст-баланд нокулай вазиятларга эга бўлган шароитларда 400-500 метр масофа бўйлаб кросс югуриш.

### **Назорат иши. (1 соат) (21-28 мавзулар асосида)**

Ўкувчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар:

**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олиш компетенцияси:** гимнастика турлари хусусиятига мос бўлган спорт инжомларининг номи, ўлчамлари ва улардан хавфсиз усулда фойдаланиш тартибини билиб олади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** тик арконга уч ҳаракат усулида тирмасиб чиқади.

**Спорт асбоб-инжомларидан хавфсиз усулларда фойдаланиш компетенцияси:** қомат бузилиши ва шикастланишининг олдини олиш чораларини билади ва уларга амал қиласи.

### **4-синфлар учун ҳаракатли ўйинлар. (12 соат)**

**29-30 мавзу: Ҳаракатли ўйинларни ўйнашда унинг қоидалари билан таништириш ҳамда бажариладиган машқлар. (2 соат)**

Таниш ҳаракатли ўйинларни ташкил этишда ўқитувчига, онабошига кўмаклашиш, ўйинлар қоидасини, мазмунининг ташкилий томонларини

билиш; тартиб-интизом қоидаларига риоя қилиш ҳамда ҳаракат белгилери сакраш, улоқтириш, тортилиш, югуриш меъёрларини бажариш.

### **31-39 мавзу: Ҳаракатли ўйинларни ўргатиш ва бажариш. (9 соат)**

"Оқ теракми, күк терак", "Рақам билан чақириш", "Қирқ том", "Ким чакқон?", "Олиб қочар", "Тұпни тушириб юборма", "Тұрт томондан түр узат", "Тұпни саватга ташла", "Кулок чұзма", "Тунги соқчи", "Отишмі", "Бұрон", "Қубба", "Доирага торт", "Сакраб ва ўрмалаб үтиш эстафетасы", "Тұпни узатиб югуриш эстафетасы", "Баландликка сакраш эстафетасы", "Иулаклар бүйлаб сакраш", "Халқачани кийгизиш", "Илон изи бұлиб юршы", "Калхат ҳужуми", "Тұхтамасдан қидир", "Энг сезгир ўйинчи", "Ким күп күзиқорин теради", "Бүш ѿрин", "Отиб қочар", "Естафетали югуриш", "Чизмадан шакл ясаш", "Сеxрли катақлар", "Ман этилган машқ" ва бошқа ўйинлар билан ұкувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш.

#### **Назорат иши. (1 соат) (31-39 мавзулар асосида)**

**Ұкувчиларда шаклланадыған фанга оид компетенциялар:** Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва құллай олиш компетенцияси: ҳаракатли ўйинларнинг инсоннинг хар томонлама ривожланишидаги аҳамияти, ўйинлар жараёнида таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, дұстларга қандай муносабатда бўлиш, ҳаракат пайтида үзининг қобилиятыни ўзи аниқлай билиш, узок-яқинни, теварак-атрофда қилинаётган ҳаракатларни кўра билади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тұғри бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси:** ҳаракатли ўйинларни бажариш орқали жисмоний сифатларни ривожлантиради.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усулларда фойдаланиш компетенцияси:** ҳаракатли ўйинларнинг тавсифига хос бўлган ҳаракат белгилари - сакраш, улоқтириш, тортилиш, югуриш меъёрларини бажариш қомат бузилиши ва шикастланишининг олдини олиш чораларини билади ва уларга амал қиласди.

#### **4-синфлар учун спорт ўйинлари.**

**(баскетбол, волейбол, гандбол). (10 соат).**

##### **10 минзу: Баскетбол ўйини. (1 соат)**

Баскетбол ўйин қоидаси, түп оғирлиги, майдон ўлчами; майдонда ўйинчиларнинг жойлашуви ва ҳаракатланиш.

##### **11-минзу: Баскетбол түпи билан машқлар. (1 соат)**

Тик турган ҳолда ҳимоя ва хужум ҳаракатларини бажариш; түпни илиб узатиш; түп билан иккала күл билан бир жойда туриб, жойни олоқтириб ҳаракатланиш; түпни бир қўл билан тўғри чизиқдан уриб олиб орниш.

##### **42-мавзу: Баскетбол тўпини саватга ташлаш. (1 соат)**

Тўпни жойдан туриб бир қўлда елқадан ошириб саватга ташлаш; икки ғомоцлама мини-баскетбол ўйинининг оддий элементларини соддалаштириб бажариш; баскетбол ўйини қоидаси асосида жамоавий ўйин ўтказиш.

##### **43-мавзу: Волейбол. (1 соат)**

Волейбол ўйин қоидаси, түп оғирлиги, майдон ўлчами; майдонда ўйинчиларнинг жойлашуви ва ҳаракатланиш.

##### **44-45-мавзу: Волейбол тўпи билан машқлар. (2 соат)**

Тўпни ушлаш; икки қўллаб тўпни пастдан, юқоридан узатиш; икки қўл билан юқоридан келган тўпни бир-бирига узатиш; ўйинчиларнинг асосий бурчи ва ҳукуқларини ўргатиш ва ўйнаш қоидаларини билиш; волейбол ўйини қоидаси асосида жамоавий ўйин ўйнаш.

##### **46-47 мавзу: Гандбол ўйини. (2 соат)**

Ўйинчининг тик турган ҳолатида туришни билиш; тўпни улоқтириш ва ушлаб олишни билиш, тўпни ерга уриб (аста-секин) дарвозага отишни ўрганиш; гандбол ўйини қоидаси асосида жамоавий ўйин ўйнаш.

##### **Назорат иши. (2 соат)**

**(40-47 мавзулар асосида)**

**Ўқувчиларда шаклланадиган фанга оид комиетенциялар:**

**Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш** ба  
олиш компетенцияси: Ўзбекистонда спорт ўйинларининг (баскетбол, волейбол, гандбол) ривожланиши тўғрисида ҳамда ўйин қониси маълумотга эга бўлади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўғри** ба  
орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси  
 билан бажариладиган ҳаракатнинг тактик-техникаларини бажариди.

**Спорт асбоб-анжомларидан хавфсиз усуllibарда фойдаланиш**  
компетенцияси: ҳаракат жараёнида ўз-ўзини мустисно ривожланиш  
хавфсизлигини таъминлай олади.

#### **4-синфлар учун футбол. (12 соат)**

##### **48-мавзу: Футбол ўйин элементларини ўргатиш. (1 соат)**

Футболчиларнинг ўйин элементлари ва машқларни бажариди;  
хавфсизлик қоидалари; эрталабки гигиеник гимнастикни  
мажмуасини бажариш;

##### **50-58 мавзу: Футбол техникаси. (2 соат)**

Футбол бўйича ўйин машқлари ва мезон талабларини бажариди;  
олиб юришни ва шеригига узатишни ўрганиш; тўни ўйинга ортиш  
бажариш.

##### **Назорат иши. (1 соат)**

*(48-58-мавзулар асосида)*

Ўкувчиларда шаклланадиган фанга оид компетенциялар

Соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш  
олиш компетенцияси:

ФИФА, ОФК, УФФ ҳақида маълумотларга эга бўлади.

**Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўғри** ба  
орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш компетенцияси

Биринчи оид бүлгүн машқларни бажаришда техника-тактикаларга эга

Гоҳро ғасоб-ножомларидан хавфсиз усуулларда фойдаланиш  
түнни олиб юриш машқларини бажаришда (“саккизлик”)  
түнни олиб юритиди.

#### **4-синфлар учун шахмат. (2 соат)**

##### **Оид сабаки Шахмат. (2 соат)**

Изборлар таасиби, қисқа партиялар, шахмат одоби.

Сабаккороти шаклланадиган фанга оид компетенциялар:  
Гоҳро ғасоб-ножомларидан мажмуда түнни олиб юриш  
түнни олиб юритиди машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олиш  
түнни олиб юритиди футбол майдони, тўп ва дарвозанинг ўлчамларини билиб

Гоҳро ғасоб-ножомларидан мажмуда түнни олиб юриш  
түнни олиб юритиди сифатларни ривожлантириш компетенцияси: тўл  
түнни олиб юритиди шеригига узатишни бажара олади.

Гоҳро ғасоб-ножомларидан хавфсиз усуулларда фойдаланиш  
түнни олиб юритиди түнни ўйинга киритиш ҳолатларида тўпни белгиланган  
түнни олиб юритиди машқни бажаради.

#### **4-синфлар учун сузиш**

Гоҳро ғасоб-ножомларидан сузиш; 50 метрдан 100 метргача бўлган масофада  
сувдаги ўйинлар: “Копток учун кураш”, “Фоввос”,

Сабаккороти шакллантирилдиган таянч компетенция

Гоҳро ғасоб-ножомларидан сузиш: Фанга оид олинган билимлар юзасидан  
түнни олиб юритиди ёзма тарзда ифода эта олиш, мулоқотда муомала  
түнни олиб юритиди гурухларда ишлай олиш.

**Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси:** жисмоний тарбия филиал оид адабиётлардан фойдалана олиш, оммавий ахборот воситалирига жисмоний тарбияга оид бўлган маълумотларни кузатиб, тушуна ошириш дарслик ва бошқа манбалардан фойдалана олиш.

**Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:** мунтазам равишда ўзини ўстида ишлаш, ақлий, ахлоқий, эстетик, кун тартиби ҳамда гигиеник қоидаларга амал қила олиш.

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:** атрофида бўлаштирилган воқеа, ҳодиса ва жараёнларини тушуниш ва ҳис этиш, муомала маданиятини эга бўлиш.

**Миллий ва умуммаданий компетенция:** аждодлардан авлодларни ўтиб келаётган миллий урф-одатларни билиш, тенгдошлари билан дўстони муносабатда бўла олиш.

**Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:** жисмоний тарбия фанига оид саноқ сонларининг моҳиятини англаш ва амалда қўллай олиш.

**Мавзуларни ўрганиш учун – 60 соат**

**Назорат ишлари учун – 8 соат**

**Жами – 68 соат**

#### **Текшириш учун назорат саволлари**

1. 1-синфлар учун йиллик соат қанча берилган?
2. 2-синфлар учун йиллик соат қанча берилган?
3. 3-синфлар учун йиллик соат қанча берилган?
4. 4-синфлар учун йиллик соат қанча берилган?
5. 1-синфлар учун гимнастика спорт турига неча соат ажратилган?
6. 2-синфлар учун енгил атлетика спорт турига неча соат ажратилган?
7. 3-синфлар учун харакатли ўйинларга неча соат ажратилган?
8. 4-синфлар учун шахмат спорт турига неча соат ажратилган?
9. 4-синфлар учун кураш спорт турига соат ажратилами?
10. Сузиш спорт турига соат ажратиладими?

## **2.3. Бошланғич синфлар учун жисмоний тарбия дақиқалари.**

### **1-2 синфлар учун қувноқ дақиқалар.**

Бошалар, күп вақт ҳаракатсиз үтириши, организмнинг қуи қисмларида, көрниди қон юришмай қолишига, бош миянинг қон билан тұла ойыншылмаслигига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, асаб қуанышларининг ҳаётий фаолиятига шикаст етказади.

Натижада дикқатингиз ҳам бекарорлашади. Бундан ташқари күп вақт шир жойда қимирламай үтирганингизда, белингиз толиқади, ручкани күп вақт қууди тутганингиздан бармоқларингиз қотиб қолади. Оқибатда тез чарчайдиган бўлиб қоласиз, иш қобилиятынгиз сусаяди. Тез-тез дарсдан чарчашларни йўқотиш учун 1-2 дақиқа давомида 3-4 та жисмоний машқлар бўжарилади. Бундай машқлар "Кувноқ дақиқалар" деб аталади.

#### **Биринчи машқлар мажмуаси**

(Партада үтирган ҳолда бажариладиган).

1-машқ. Д.х.: құллар олдинда, парта тепасида узатилған. Құлларни юқорига күтариш, чўзилиш, құлларга қараб, дастлабки ҳолатга қайтиш.

2-машқ. Д.х.: құллар бош орқасида. Үнг томонга бурилиб, үнг құлни үнг томонга узатиш ва дастлабки ҳолатга қайтиш. Шунинг ўзини бошқа томонга чап қўл билан бажариш.

3-машқ. Д.х.: бармоқларни чалиштирган ҳолда құллар бош орқасида. Құлларни юқорига күтариб чўзилиш, құлларга қарашиб ва дастлабки ҳолатга қайтиш.

#### **Иккинчи машқлар мажмуаси**

1-машқ. Д.х.: бармоқларни чалиштирган ҳолда құллар бош орқасида, тирсаклар парта устида. Аста ростланиб тирсакларни ён томонга қўйиш, очиш ва дастлабки ҳолатга қайтиш.

2-машқ. Д.х.: құллар билан ўриндиқ орасини ушлаб үтириш. Оёқларни олдинга узатиш, дастлабки ҳолатга қайтиш.

3-машқ. Д.х.: оёклар олдинга узатилиб, құллар үриндиқнинг орқа четиги қўйилган. Оёкларни құлдан кутарган ҳолда, елкаларни орқага керини дастлабки ҳолатга қайтиш.

### **Учинчи машқлар мажмуаси**

(Парта орасида туриб бажартыладиган машқлар).

1-машқ. Д.х.: құллар белда. Құлларни юқорига күтариб, орқага эгилиб чўзишиш ва дастлабки ҳолатга қайтиш.

2-машқ. Д.х.; құллар елкада. Партаға ўтириб құлларни олдинга узатиш ва дастлабки ҳолатга қайтиш.

3-машқ. Д.х.: құллар белда. йнгга бурилиб, дастлабки ҳолатга қайтиш, чапга бурилиб, дастлабки ҳолатга қайтиш.

### **3-4 синфлар учун қувноқ дақиқалар. (машқлар мажмуаси)**

Кувноқ дақиқалар бир ёки бир неча дарсларда ўтказилади. Кувноқ дақиқалар учун мўлжалланган машқларни сиз партада ўтирган ҳолда, парта ёнида туриб, шеърхонлик билан бажарасиз.

### **Биринчи машқлар мажмуаси**

(Партада ўтирган ҳолда).

1. машқ. Д.х. Құллар белда. Чап томонга эгилиш, д.х. га қайтиш. йнг томонга эгилиш, д.х. га қайтиш. Аввал йнгта, сўнгра чалға бурилиш ва д.х. қайтиш.

2. машқ . Д.х. Оёклар елкада. Бошни йнг томонга буриб, тирсакларни ён томонга очиш ва д.х. га қайтиш.

3. машқ. Д.х. Құллар белда. Ўтирган ҳолда оёкларни тўғрилаб, құлларни олдинга узатиш ва д.х. га қайтиш.

### **Иккинчи машқлар мажмуаси**

(Партада ўтирган ҳолда).

1. машқ. Д.х. Құллар тирсакдан букилиб, парта устига қўйилади. Құлларни бош орқасига қўйиш, д.х.га қайтиш.

2. машқ. Д.х. Құллар орқада. Бошни олдинга энгаштириш, д.х. га қайтиши, сүнгра орқа томонга энгashiш, д.х. га қайтиш. Бошни үнгга буриш, д.х. га қайтиш, кейин чап томонга буриш, д.х. га қайтиш.

3. машқ. Д.х. Кафтларни юқорига күтартган ҳолда құлларни олдинга унтиш. Бармоқларни мушт қилған ҳолда құлларни тирсакдан букиш, д.х. га қайтиш.

### **Учинчи машқлар мажмуаси**

(Парта ёнида турган ҳолда).

1. машқ. Д.х. Тұғри тик туриш. Құлларни бош орқасига құйиши, д.х. га қайтиш. Құлларни юқорига күтариб, ён томонга тушириш, д.х. га қайтиш.

2. машқ. Д.х. Құллар бош орқасида. Чүққайиш, құл кафтларини оёқ қозига теккизиш, д.х. га қайтиш.

3. машқ. Д.х. Құллар белда. Құлларни бош орқасида бирлаштириб, үнг оёқни орқага ташлаш, д.х. га қайтиш. Шунинг үзини чап оёқда бажариш.

### **Тұрткынчи машқлар мажмуаси**

(Парта ёнида турган ҳолда).

1. машқ. Д.х. тик туган ҳолда құллар белга құйилған. Энди шу ҳолатда елкаларни орқага эгиш. Құлларни елкага құйиши, юқорига күтариб, ён томонга тушириш ва д.х. га қайтиш.

2. машқ. Д.х. Құллар юқорида. Үнгга энгashiш, тұғри туриш, чапға энгashiш, тұғри туриш. Орқага энгashiш, тұғри туриш.

3. машқ. Д.х. Тұғри тик туриш. Құлларни белга құйған ҳолда оёқ учларидан икки марта күтарилиш. Икки марта ярим чүққайиб үтириш, құлларни олдинга узатишиш ва д.х. га қайтиш.

### **Бешинчи машқлар мажмуаси**

(Партада үтирган ҳолда).

1. машқ. Д.х. Құллар елкада. Құлларни юқорига күтариш ва бармоқларни юқорига чұзивиб юқорига қараң, олдинга энгashiш, д.х. га қайтиш.

2.машқ. Д.х. Құллар бош орқасида. Үнгга бурилиң, үнгга  
томонга чўзиш, д.х. га қайтиш. Шунинг ўзини чап құл билан бойнаған  
бажариш.

3.машқ. Д.х. Құллар елкада. Үнгга энгәшиш, тирсакларни  
күтариш, д.х. га қайтиш. Шунинг ўзини чап томонга бажаринш.

4.машқ. Д.х. Құлларни үриндиққа тираб үтириш. Оёқларни  
чўзиш, д.х. га қайтиш.

### **Олтинчи машқ мажмуаси**

(Партада үтирган ҳолда).

1.машқ. Д.х. Құл бармоқларини бир-бирининг орасига көрсетиши  
орқасига тутиш. Құл кафтларини устма-уст күйиб юқорига  
құлларга қарашиб, сұнгра олдинга энгәшиб, құлни олдинга уштап  
қайтиши.

2.машқ. Д.х. Құллар бош орқасида, тирсаклар парти устап  
ростлаш, тирсакларни ён томонга очиш, д.х. га қайтиш.

3.машқ. Д.х. Оёқлар олдинга узатилған, құллар үрнисига  
томонининг четига қўйилған. Оёқларни букмаган ҳолда юқорига  
елкани орқага эгиш, д.х. га қайтиш.

4.машқ. Д.х. Құллар елкада. Бошни үнга буриш, д.х. га қайтиш  
ўзини бошни чап томонга буриб бажариш.

### **Кувноқ дақиқалардаги сўзли ўйиншлар**

Кувноқ дақиқаларни шеърхонлик йули билан ўтказилип, бомондай  
олади, ҳам билими бойийди. Чунончи:

Бир, икки, уч,

Бармоқларга кирсин куч.

Бунда құллар олдинга узатилған ҳолда бармоқлар ҳарикитланып

Эрта тураман дейди,

Мактаб бораман дейди,

Расм соламан дейди,

Мөхнат қиласан дейди,

Доно бұламан дейди.

Күндер хир хил ҳаракатларни бажаради.

Әлакда ун эланди,

Супра унга беланди,

Хамир қилдик күпгина,

Кулча ёпдик тезгина.

Шыныңдар шеңерни айтиш жараёнида әлакда ун элаш, **хамир** қориш

күндер қарынғашырини бажарадилар.

Мен эрталаб тураман,

Күйш тикка чиқмасдан,

Юз-құлымни юваман,

Әринчоқлик қилмасдан,

Деразамни очаман,

Хаво тоза бұлсин деб.

Машқларимни қиласан,

Таним кучга тұлсин деб.

Шыныңдар сұлап сұзларға мос ҳаракатлар қилинади.

Түп-түп, түп-түп,

Футболчилар тепар түп.

Дарвозабон күп шошар,

Ишкібозлар қараашлар.

Сүйлемелі оғек ҳаракатлантирилади.

Ана, гол бұлди,

Хисоб бир-у нол бұлди

(бармоқ билан күрсатилади).

Жириңг-жириңг,

Жириңг-жириңг,

Чилингтан нарсани топинг!

Шыныңдар шыныңдарини қүнғироқ чалаёттандек ҳаракат **құлдирадилар**.

Кулимиизда беш бармок,

Мақсадимиз беш олмок.

Бармоклар күрсатилади, құллар билан ҳаракат қилинади.

Жисмоний тарбия дарслари үқувчилар жисмоний тарбиясининг асосын шакли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 1-4 синflарда жисмоний тарбия дарслари услубий құлланманинг дастлабки қисміда намуна сифатиды киритилген жисмоний тарбия бүйіча давлат таълим стандарты ва үкүп дастури, үкув құлланмага асосан бошланғич синflарда жисмоний тарбия дарслари ва дарсга қойыладын талаблар юзасидан услубий күрсатмалар берилди ва бу битим, бошланғич синflар жисмоний тарбия дарслари деб номланди.

### Текшириш учун назорат саволлари

1. Жисмоний тарбия дақиқаси деганда нимани тушунасиз?
2. Жисмоний тарбия дақиқаси дарснинг қайси вақтида үтказилади?
3. Жисмоний тарбия дақиқаси неча минут үтказилади?
4. Жисмоний тарбия дақиқасини машқ қилиб үтказилса, маъқулми ёки шеър орқали үтказилса маъқулми?
5. Жисмоний тарбия дақиқаси бир дарсда неча марта үтказилади?
6. Жисмоний тарбия дақиқасини үтказишдан мақсад нима?
7. Жисмоний тарбия дақиқаси қайси дарсларда үтказилади?
8. Жисмоний тарбия дақиқаси бошланғич синflарга жисмоний тарбия дарсларида ҳам үтказиладими?
9. Жисмоний тарбия дақиқаси билан қувнок дақиқанинг нима фарқи бор?
10. Жисмоний тарбия дақиқасини партада үтириб бажарса ҳам бўладими?

### 2.4. Бошланғич синflар жисмоний тарбия дарсларининг тузилиши

Жисмоний тарбия дарснинг самарали ўтилиши үқитувчининг дарс режасининг тұғри тузилишига боғлиқ. Шунингдек үқитувчи үқувчилар

фотоинтини ташкил этишдаги танлаган услубиятига, дарс учун зарур бўлгани  
спортининг мавжудлигига, спорт ишоотларининг ҳолатига ва улардан  
тажриби фойдалана олишига боғлик. Тушунарли қилиб айтилганда, дарсни  
тажриби ташкил этиш ва ўтказиш учун тұлақонли таъминланган бўлиши  
бўрик. Дарс ўтказишнинг таъминланиши куйидагилардан иборат.

1. Дарс учун табиий ва гигиеник шароитни яратиш унга риоя қилиш.  
Яхши дарс ўтиладиган жойнинг тозалиги, ҳаво темпратурасининг нормал  
инчилиги, спорт зал ёки майдоннинг тоза ҳаво билан таъминланганлиги,  
ўқитувчиларнинг спорт кийимларида бўлиши кабилар назарда тутилади.

2. Дарснинг моддий техник жиҳатдан таъминланганлиги. Дарсни моддий  
техник таъминлаш деганда дарс самарадорлигини таъминлашга имкон  
бесрадиган, қўйилган вазифаларни тўлиқ ҳал қилиш учун хизмат қиласиган  
жиҳозлар, анжомлар ва дарс жойи тушунилади.

3. Ўқитувчи томонидан дарсда ўқувчилар фаолиятини ташкил этишининг  
энг тўғри самарали усулларни қўллай олиши, дарс зичлигини оширади ҳамда  
самарадорлигини таъминлайди.

### Жисмоний тарбия дарснинг тузилиши

Жисмоний тарбия дарслари билан боғлик масалаларнинг энг  
асосийларидан бири бу дарснинг тузилишидир. Дарснинг тузилиши, дарс  
структураси деган атамалар 1940 йилларда педагогикага кириб келган.

Дарснинг тузилиши – бу дарс қисмлари сони, уларнинг кетма-кетлиги ва  
мазмуни, давромийлигидир, – деб таъриф бериш мумкин.

Дарснинг тузилишига оид маҳсус-илмий адабиётларда мутахассислар  
томонидан турига фикрлар билдирилган. Масалан, баъзи мутахассислар  
дарсни кириш – тайёрлов – асосий – якуний қисмлардан иборат деб  
биладилар. Яна бир катор мутахассислар жисмоний тарбия дарслари  
ташкилий – асосий – якуний қисмлардан иборат деб ҳисобланади.

Аммо бундай баҳс – мунозара ва фикрларга чек қўйилган. Бугунги кунда  
жисмоний тарбия дарслари тузилишига кўра уч қисмдан иборат ва улар

дарснинг тайёрлов қисми, дарсни асосий қисми, дарсни якуний қисми де номланади.

Дарснинг тайёрлов қисмидаги үкувчиларни ҳар томонлама дарснинг асосий қисмидаги бажарилиши лозим бўлган асосий вазифаларга тайёрланади. Олишдан иборат бўлиб, бу қисмга 8 - 12 минут, баъзан кўпроқ шакр режалаштирилади.

Дарснинг асосий қисмидаги үқитувчи томонидан тузилган дара ишланмасига кўра синфда жисмоний тарбиядан үкув дастурида белгиланиши янги машқлар уқтирилади ёки аввал үқитилган машқлар тақорорланади, тақомиллаштирилади. Жисмоний тарбия дарсларининг асосий қисми учун 25-30 дақиқа вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарснинг асосий қисмини ташкил этиш турли хил бўлиши мумкин. Яъни жисмоний тарбия бўйича Давлат таълим стандарти ва үкув дастури бўлимлари (гимнастика, енгил атлетика, ҳаракатли ўйинлар, спорт ўйинлари, шахмат, кураш, сузиш)ни дарснинг асосий қисмидаги турли усуллардан ташкил этишини талаб этади.

Дарснинг якуний қисми учун 3-5 дақиқа сарфланади. Унда дарснинг асосий қисмидаги үкувчилар олган жисмоний нагрузка ҳолати пасайтирилади, енгил машқлар билан якунланади. Үкувчилар рағбатлантирилади, лозим бўлса танбех берилади, баҳоланади ва уйга вазифа берилади. Уюшган ҳолда дарсни үтилган жойдан чиқиб кетилади. Дарс қисмларининг тўғри ташкил этилиши дарснинг узлуксизлигини ва самарадорлигини таъминлашга катта имкониятлар яратиб беради.

Бошлангич синфларда асосан дарслар ҳаракатли ўйинлар, эстафетали ўйинлар, гимнастика ва енгил атлетика машқлари асосида ташкил этилиши кўзда тутилган.

#### **Жисмоний тарбия дарсларига қўйиладиган талаблар:**

1. Жисмоний тарбия дарсига вазифалар аниқ қўйилган бўлиши керак;
2. Дарс услубий ва тарбиявий томондан тўғри ташкил этилиши лозим;

6. Соланинг үкитилган материалларни изчил давом эттириш ва айни пайтда оғанум тирижада келгуси дарснинг вазифасига боғлиқ булиши керак;
7. Укувчиларининг ёши, жинси жисмоний тайёргарлик даражаси, миссионерлигни хисобга олган ҳолда уларнинг жисмоний ривожланишига шаббий тиъсир кўрсатувчи жисмоний машқларни тұғри таңлаш;
8. Жисмоний тарбия дарслари үкувчилар учун қизиқарли булиши ва үкув тарбияни фаоллаштиришга хизмат қилиши керак;
9. Жисмоний тарбия дарсларида тарбиянинг бошқа турларини ҳам амалга ошириб бориш зарур;
10. Жисмоний тарбия дарсининг үкув кун тартибидаги бошқа фанлар билан мунофиқ олиб борилиши дарсга қўйиладиган асосий талаблардан хисобланади;
11. Дарс орқали диққатни ва нутқни ривожлантирувчи ҳаракатли ўйин ва машқлардан кўпроқ фойдаланиши.

Ҳар бир машғулотда үкув вазифаларининг кетма-кетлигини ва узвийлиги таъминлаши лозим. Булар “онглилик ва фаоллик”, “осон тушунарли ва индивидуаллаштириш”, “кўргазмалик”, “мунтазамлик” ва “талабларни аста-секин ва тобора ошириб бориш” таълим методларига суюнган ҳолда олиб борилади.

### **Жисмоний маданият дарсининг педагогик вазифаларга кўра таснифланиши**

Жисмоний тарбия дарслари ташкил этилиши, таълим-тарбия йўналишига қўйилган педагогик вазифаларига кўра таснифланади (турланади).

Унга кўра жисмоний тарбия дарслари “Кириш”, янги материалларни уюштириш, “аралаш”, “такомиллаштириш”, “якуний дарслар” кабиларга ажратилади.

Кириш дарслари үкув йилининг, чоракларнинг биринчи, шунингдек үкув чораги учун режалаштирилган дастурнинг янги бўлими бошланишидаги дарслардан иборат. Улар маъруза, сухбат, мuloқot тарзида ҳам ташкил

этилиши мумкин. Бунда ўқитувчи, масалан, ўкув дастури талаблари ҳисоби ўкувчиларга ўкув йилида қилинадиган ишлар, талаблар ҳақида мальумот берishi мумкин.

**Янги материални ўзлаштириш дарси** - ўкув дастурининг янги мавзуларини ўзида мужассамлаштиради, олдинги ўқитилган дарсни мавзуларининг нихояси билан боғланади.

**Аралаш дарслар** – бу дарслар амалда энг кўп қўлланиладиган тур хисобланади. Аралаш дарс мазмунига кўра тушунтириш, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш каби этапларини ўз ичига олади.

**Мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш дарслари** - кириш, янги материалларни ўзлаштириш дарсларидан кейин ҳаракат масалалари ўзлаштирилгандан сўнг, о'злаштирилган жисмоний машқларни мукаммал бажариш мақсадида ташкил этилади.

**Якунлаш дарслари** – мазмунига кўра ва педагогик вазифаси нуқтаи назаридан турланаётган дарслардан бутунлай фарқланади. Бу дарсларда ўкув чораги, ўкув дастуридаги туркум дарсларга, ўкув йили давомидаги дарсларга якун ясалади. Якуний дарслар ўкувчиларнинг билимлари ва қўникмаларини баҳолаш тарзида амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган жисмоний тарбия дарс турларидан ташқари. Дарсларни ташкил этиш характерига ко'ра ҳам турланади.

- Улар: 1. Акцентли (урғули) дарслар
- 2. Аралаш дарслар.
- 3. Мажмуавий дарслар деб номланади.

Акцентли дарслар мазмунига кўра, дастурнинг алоҳида ажратилган бўлими бўйича ташкил этиш демакдир. Яъни акцентли дарс дикқат гимнастика, енгил атлетика, волейбол, баскетбол ва х.к.га йўналтирилган. Дарсни ўқитиш жараёнида дикқат шу бўлим материалини ўрганиш, тақрорлаш ёки такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Аралаш дарслар мазмунига кўра ўкув дастури таркибидаги бир неча бўлим материалыни ўқитишни, ўзлаштирилмаган, ўзлаштирилиб,

жисмонийни тириладиган материални ўқитишга қаратилади. Бундай орнандырды ўқувчилар бир неча гурұхларга булиниб, дарс давомида үзіншіліктердегі мавзулари устида ўқитувчи назорати ва раҳбарлығыда анықтайды.

Мажмуавий дарсларнинг мазмунни ўкув дастурининг тартибидаги бир неча сабактар менен материаллар бүйича ташкил этилади. Яъни аник педагогик мәденийліктарга күра бир дарснинг ўзида бир неча мавзу (волейбол, еңгил аспектика, кураш, гимнастика ва х.к.) ўқитилади. Бундай дарслар амалда кам көп пайдаланылады.

### **Жисмоний тарбия дарснинг вазифалари**

Жисмоний тарбиянинг таълим бериш, тарбиялаш, соғломлаштириш және умумий вазифалардан келиб чиқиб, ҳар бир дарс учун аник хусусий вазифалар қўйилади. Бу вазифаларнинг эса “ургатиш”, “такрорлаш”, “мустаҳкамлаш”, “назорат олиш” сингари мазмунга эга бўлиши назарда тутилади.

Таълимнинг айрим вазифаларини бажариш учун нисбатан узоқ вақт ёки қаторасига кетма-кет дарслар талаб этилади. Баъзи вазифаларни бир дарсда амалга ошириш мумкин. Масалан, турник ёки бруссда берилган машқлар мажмуаси кетма-кетлик билан қатор дарсларда ўзлаштирилади.

Жисмоний тарбия дарслари жараёнида, нафақат, ўқувчиларнинг ҳаракат, малака ва кўнижалари, жисмоний фазилатлари тарбияланади, балки тарбиянинг ақлий-ахлоқий, этик-эстетик каби бошқа турларини ҳам шакллантириш назарда тутилади. Шунингдек, турли ўйинлар, мусобақалар орқали миллий ва умуминсоний қадриятлар сингдириб борилади. Масалан, “Чиллик” ўйини орқали ўқувчиларга бир – бирига ёрдам бериш, жамоаси учун курашиш, миллий ифтихор, миллатпарварларлик, ватанпарварларлик каби кўплаб туйгулар сингдирилади.

Жисмоний тарбия дарсларида машқларни тўғри ташкил этиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш билан соғломлаштириш вазифаси ҳал этилади.

## **Текшириш учун назорат саволлари**

1. Дарс деганда нимани тушунасиз?
2. Дарснинг тузилиши ҳақида маълумот беринг?
3. Жисмоний тарбия дарси неча қисмга бўлинади?
4. Жисмоний тарбия дарсига қандай талаблар қўйган?
5. Давлат таълим стандарти нима?
6. Кириш дарси нима?
7. Жисмоний тарбия дарсининг вазифалари ҳақида маълумот беринг?
8. Аралаш дарс нима?
9. Мустаҳкамлаш дарси нима?
10. Якуний дарс нима?

### **2.5. Жисмоний маданият бўйича намунали дарс ишланмаси**

Жисмоний тарбия дарсининг ишланмаси (конспект, баённома) ўкув ишларини режалаштиришнинг энг асосий ҳужжати ҳисобланади. Дарс ишланмасининг пухта тузилиши дарснинг самарали ўтишини таъминлаштиратта таъсир кўрсатади. Дарс ишланмаси тузишга конкрет талаблар қўйилсада, уни пухта ва намунали тузиш ўқитувчидан ижодий ёндашув билим ва тажриба талаб қиласи. Намунали давр талабига мос янги педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ишланмасини туза олган ўқитувчи, албатта, ушбу режага кўра самарали дарс ҳам ўтиб бера олади дейиш мумкин. Дарс ишланмаси ҳар бир синф учун ҳар бир дарсга мўлжаллаб тузилади. Албатта, 1 соатга мўлжалланган дарс ишланмаси ўкув жараёнини ташкил этишга доир ҳужжатларга мос бўлиши керак. Дарс ишланмаси умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартига жисмоний тарбия бўйича ўкув дастурига, ўкув ишларининг йиллик, чораклик, ойлик ва ҳафталик режаларига мос бўлиши назарда тутилмоқда. Умумий педагогикада. Жисмоний тарбия назарияси ва методи. А.Д.Новиков, А.П.Матвеев, К.М.Махкамжонов, А.Абдуллаев, Х.Рафиев, Р.С.Саломов, П.Хўжаев каби мутахассисларнинг тавсияларига кўра турли шаклдаги дарс

жонимлиридан фойдаланиш мумкин. Ҳозиргача ишлаб чиқилган дарс сифатирига ва шахсий тажрибаларга таяниб қўйидаги дарс ишланмасини олутусифатида тавсия этамиз. Ушбу ишланма дарс ишланмалари ичida ҳар кандай үқитувчи учун қулай ҳисобланади.

Ҳар бир дарс учун тузилган дарс ишланмасининг пухта тузилиши, сифатиринг тўғри қўйилиши дарснинг самарали ташкил этилишини бермийлади. Қўйида З-синфлар учун намуна сифатида дарс ишланмаси берилди.

**Жисмоний тарбия бүйича намунали дарс (конспект) ишляймасы**

**Синф:**

3 в

**Дарс вакти:**

19.01.2019 йил

**Дарс үтиш жойи**

Мактаб спорт зали

**Дарс тури:**

Гимнастика

**Дарс жиҳозлари:**

Гимнастика гилами, хуштак, тенни

**түпі, ҳалқалар**

**Дарснинг вазифасы:**

1. Таянч машқларини үргатиш.

2. Олдинга үмбалоқ ошишни такрорлаш

3. Ҳаракатли үйин. “Картошка экиш” үйини.

**Дарснинг мақсади:** Үқувчиларда әгилувчанлик, күч сифатини мұвозанат сақлаш қобилятини ривожлантириш. Уларда үзаро ҳамкорлық, бирдамлық хислатларини тарбиялаш.

Дарснинг мазмуні	Меъёри	Методик тавсиялар
<b>Тайёрлов қисми:</b> Бир қаторға сафланиш, саломлашиш, үқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириш, навбатчининг рапортини эшитиш, яңги дарс мавзуси билан таништириш.	8-12 мин	Үқувчиларнинг спорт күйими, кайфияти ва умумий ҳолатига эътибор қаратиш.
Саф машқларини бажартириш, үқувчиларни команда орқали бошқариш. Майдон бүйлаб бир қатор булиб юриш ва югуриш, үқувчиларни қайта түрт қаторға сафлаш.	4-6 марта	Саф машқларини бажарғанда үнг, чап, олд ва орқа томонларга бурилиш машқларини бажартириш. Югуришда дастлаб оддий, сұнгра ён ва орқа томон билан, тиззаларни күтариб, товоңларни орқага күтариб югуриш.
Умумривожлантирувчи, машқлар (УРМ) ни бажаришга киришиш. 4 қаторға сафланиб УРМ бажариш.	4-6 марта	Бошни айлантирганда күзларни юмасликка эътибор қаратиш. Машқни күрсатиб бериш.
<b>1- машқ. Дастлабки ҳолат (Д.Х).</b>		Үқувчилар ҳаракатини

1 – машқар белда, оёқлар елка кенглигидә, бошни чап ва ўнг томондан айлантирамиз. Машқарны чап томондан бошлаймиз.	8-10 марта	назорат қилиб. Машқарни күрсатиб бериш ва овоз чиқариб, аниқ тушунтириш.
2 – машқ. Д.Х. Күллар белда, оёқлар кенглигидә, слкаларни олдинга береге 4 миңгадан айлантирамиз. Машқни чап томондан бошлаймиз.	6-8 марта	Машқ бажарганда бошни тұғри тутишга эътибор бериш.
3 – машқ. Д.Х. Күллар белда, оёқлар кенглигидә, белни ўнг ва чап томонга 4 мартадан айлантирамиз. Машқни чап томондан бошлаймиз.	6-8 марта	Машқни борган сари тезлатиб бажариш мүмкін.
4 – машқ. Д.Х. Күллар олдинга кенглигидә, оёқлар елка кенглигидә. Күлларни қайчи ҳолатида ҳаракатлантирамиз.	6-8 марта	Машқни күрсатиб бирга бажариш. Үқитувчи күрсатмаси билан машқни күлларни ҳар томонға узатиб бажариш.
5 – машқ. Д.Х. Күллар олдинга, оёқлар елка кенглигидә. Күлларни тезлик билан очиб ёпиш.	6-8 марта	Машқни биргаликда бажариш.
6 – машқ. Д.Х. Чап күл белда, ўнг күл юқорида, чап ва ўнг томонларға навбат билан 2 мартадан эгилиш. Машқни чап томонға эгилишдан бошлаймиз.	4-6 марта	Бошни тұғри күтариш. Машқни биргаликда бажариш
7 – машқ. Д.Х. Күллар тиззада, оёқлар елка кенглигидә, тиззаларни ичкарига ва ташқарига айлантириш. Машқни ичкарига айлантиришдан бошлаймиз.	6-8 марта	1. Чапға ўтирамиз, Д.Х. 2. Ўнгга ўтирамиз, Д.Х.
8 – машқ. Д.Х. Оёқлар елка кенглигидан кенгрөқ, күллар белда, чап ав ўнг томонларға навбат билан ўтириб туриш. Машқни чап томондан бошлаймиз. Машқни 1,2,3,4 ҳисобида бажарамиз.	6-8 марта	Үтирган пайтда қүллар олдинга чұзилади. Гавда тұғри тутилади.
9 – машқ. Д.Х. Оёқлар жуфт, күллар әркин ҳолатда, оёқлар жуфт ҳолда юқорига енгил сакраш.	8-10 марта	Гурух билан биргаликда ва саноқ билан. Оёқ учларыда сакраш ва тушиш.
10 – машқ. Д.Х. Оёқлар елка кенглигидә, күллар әркин ҳолатда, юқорига баландроқ сакраш. Сакраган	8-10 марта	Сакраб ерга түшгап пайтда оёқларни жуфт ҳолда ушлаш. Машқни күрсатиб

вақтда тиззаларни алмашгириш.			бериш.
<b>Асосий қисм:</b> Үқувчиларни қайта бир қаторга сафлаш. Янги дарс мавзусини яна бир бор тушунтириш. Үқувчиларга керакли топшириқлар беріш. Үқувчиларни гимнастика гилами олдида 4 қатор қилиб қайта сафлаш. Қыздарни алоҳида сафлаш. Гимнастика гиламида олдинга умбалоқ ошишни қайта күрсатиб беріш. Үқувчиларга бажартириш ва назорат қилиш. Үқувчиларнинг бир-бірларига ҳалал бермаслигини назорат қилиш. Машқларни такроран ва тушунтириб беріб бажариб күрсатиш.	25-30 мин	25-30 мин	Үқувчилар бир-бириңін ҳалал бермаслиги керак.
Үқувчиларни қайта бир қаторга сафлаш ва кейинги топшириқни беріш. Үқувчиларни қайта 4 қаторға сафлаш. Янги машқни күрсатиб беріш.	2-3 мин	2-3 мин	Хар бир үқувчи күринадиган жойни танланы ва кузатиши. Камчиликларин бартараф қилиб бориш.
<b>Таянч машқлары:</b> Полда құллар кафти билан таянч ҳосил қилиб ётиш ва оёқлар билан депсиниб чүққайиб ўтириш. Оёқларни бир вақтда узатиб беріш. 1-2 хисобда йигиб олиш керак. Машқларни бажариб күрсатиши, буйруқ билан машқни бажартириш. Құллар елка кенглигіда оёқлар жуфт ҳолатда бўлиши керак. Машқни саноқ билан бажарамиз. 1-2 хисобда машқни бошлаймиз.	5-6 марта	5-6 марта	Үқувчиларнинг шахсий хусусиятларини инобатта олиб машқларни секинлик билан бажартириш керак.
1. ДХ. Құллар билан таяниб ётиш. 2. ДХ. Оёқлар билан чүққайиб ўтириш.	6-7 мин	8-10 мин	Үқувчилар нафас олишига эътибор қаратын керак. Машқни такрорлашуда оғзаки тушунтириш керак.
Үқувчиларни қайта бир қаторға сафлаш. Үйин шартларини айтиб ўтиш.	6-8 мин	6-8 мин	Үқувчилар хавфсизлигига эътибор беріш.
<b>Харакатли үйин:</b> “Картошка экиш” үйинини ўтказиши. Үйин қоидасини тушунтириб беріш. Үйинни ўтказиши жараёнида тартиб-коидага, интизомга риоя қилиш керак. Голиб команданы үйин шартига кура			Голиб командани үйин шартига кура тақдирлаш.

<p><b>Такдирлаш.</b></p> <p><b>Икуний қисм:</b> Кайта бир қаторға сифланиш, майдон бүйлаб секин югуриш, юриш машқларини біжартырыш. Бир қаторға сафлаш, үқувчиларни баҳолаш. Уйға вазиға бериш, үтилған машқларни уйда тақрорлашни айтіб үтиш. Үқувчиларни залдан чиқарып кетиш.</p>	3-5 мин	Үқувчиларнинг нафас олиши ва үзини тутишини назорат қилиш. Уйға вазиға беришда үқувчиларнинг шахсий хусусиятларини инобатта олиш.
--	---------	---

Юқорида намуна сифатда берилған жисмоний тарбия дарснинг ишланмасини үқитувчи ижобий имкониятларидан келиб чиқиб, илғор педагогик технологиялар асосида янада тақомиллаштириб бориши мумкин. Бирок бу белгиланған дарснинг самарадорлыгини ошириши шарт.

Яна шуни қайд этиб үтиш лозимки, үқитувчи ҳар бир дарс учун юқоридаги ҳажмда дарс ишланмаси ёзса, бунинг учун ортиқча ёзиш, күп меңнат қилиш, вактни йүқотиш деб билиши мумкин. Буни инобатта олиб куйидаги тавсиялар берилади:

- үқитувчыда ҳар бир синф учун камида 4-5 та кенгайтирилған мұкаммал дарс ишланмаси бўлиши шарт;

- қолган дарслар учун тузилған дарс ишланмасини қисқартирилған ҳолда тузиш ҳам мумкин;

Дарс ишланмасини тузишда баъзи талабларга амал қилинади. Жумладан, ишланманинг қисқартирилған шакли ҳам тушунарли бўлиши керак. Бунинг учун куйидагиларга аҳамият бериш керак;

- үқитувчи үқув йили бошида ҳар бир синов учун 10-12 та УРМ комплексини тузиши керак;

- УРМ комплекси бир-бирини тақрорламаслиги керак;

- УРМ комплекси алоҳида жамланади;

- дарс ишланмаси тузишда УРМ дарснинг асосий қисмига мос бўлиши лозим;

Аммо дарсда берилған УРМ комплекси түлиқ бажартирилиши назарда тутилиб, аввалдан тайёрланған дарс ишланмасига илова қилиб қўйилади.

УРМ турли хил усулларда ўтказилиши ҳам ўкувчиларда жисмоний тарбия дарсларига бўлган қизиқини оширади ва фаоллаштиради. Шунинг учун ҳар дарсда турли хил УРМ машқларидан фойдаланиш мақсадит мувофиқ. Умумривожлантирувчи машқлар тузишда, албатта, ўкувчиларни ёши, жинси ва жисмоний тайёргарлиги, мактаб шароити ва жиҳозларни мавжудлиги инобатга олиниши керак.

Мутахассислар учун Жисмоний тарбия дарсларига тайёрланиш, ташкил этиш ва ўтказиш билан бирга бошқа ўқитувчи томонидан ўтилган дарсни педагогик таҳлил эта олиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Шуни инобатга олган ҳолда, куйида жисмоний тарбия дарсларини педагогик таҳлил этишда нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида кўрсатмалар берилади.

#### **Текшириш учун назорат саволлари**

1. Дарс ишланмаси нима?
2. Дарс ишланмасини ким тузади?
3. Дарс ишланмасиа қандай тузилиш керак?
4. Дарс ишланмаси нимага қараб тузилади?
5. Бир дарсда тузилган дарс ишланмасини иккинчи дарсда қўллаш мумкинми?
6. Дарс ишланмасини ким тасдиклайди?
7. Дарс неча қисмдан иборат?
8. Дарснинг кириш қисмида нима ишлар амалга оширилади?
9. Дарснинг асосий қисмида нима ишлар амалга оширилади?
10. Дарснинг якуний қисмида нима ишлар амалга оширилади?

#### **2.6.Жисмоний тарбия дарсни педагогик таҳлил этиш схемаси**

Дарснинг бошланиш вақти \_\_\_\_\_  
Мактаб \_\_\_\_\_ Синф \_\_\_\_\_

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги \_\_\_\_\_

Дарс вазифаларини баён этишнинг тушунарлилиги, аниқлости

### Дарснинг тайёрлов қисми

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик ҳолати

Ўқувчиларнинг ёши, тайёргарлик ҳолатига дарснинг асосий қисмдаги вазифаларга мувофиқ жисмоний машқларни тұғри танланғанлиги

Машқларни бажариб күрсата олиш

Дарс жараёнида ўқитувчининг тұғри жой танлаши, харакатлари

Камчилик ва хатоларни үз вақтида тузатыб, методик тавсиялар беріб бориши

Қадди-қоматни тұғрилашга қаратылған машқлар

Тұғри нафас олишни назорат қилиш

Тайёргарлик қисмінде сарфланған вақт

Тайёргарлик қисмінде камчилик ва ютуқлары

### Дарснинг асосий қисми

Ўқитиши услубларидан фойдалана олиш, ўқитувчи томонидан харакат турини күрсатып бериш, күргазмали куроллардан фойдаланиш

Ўқитувчи буйруқларни аниқ ва тушунарли бериши \_\_\_\_\_

Ўрганиш услубларининг тавсифи ва натижаси \_\_\_\_\_

Ўқитувчининг машқларни такрорлаши ва самараси \_\_\_\_\_

Дарс асосий қисмининг мақсадга мувофиқлиги \_\_\_\_\_

Хатоларни аниқлаш ва тузатиш \_\_\_\_\_

Ўқувчиларни ўз хатоларини таҳлил этишга жалб этиш \_\_\_\_\_

Синф фаоллигини ошириш ва назорат қилиш \_\_\_\_\_

Дарс жараёнида ўйинлар ўтказа олиш ва ҳакамлик тажрибасини ошириш \_\_\_\_\_

Ўқувчилар билими ва тайёргарлиги баҳолаш \_\_\_\_\_

Ўқувчилар натижаларига қараб дарснинг боришига ўзгартириш киритиш \_\_\_\_\_

Уйга вазифаси ва унинг натижасини текшириш \_\_\_\_\_

Асосий қисмининг умумий хулосалари \_\_\_\_\_

### Дарснинг якуний қисми

Машқларнинг якуний қисмга мослиги \_\_\_\_\_

Дарсни якунлаш ва уйга вазифа бериш \_\_\_\_\_

Дарсга хулоса бериш \_\_\_\_\_

Гиклиф ва мулоҳазалар \_\_\_\_\_

### Текшириш учун назорат саволлари

1. Дарс таҳлили нима мақсадда ўтказилади?
2. Дарс таҳлили неча хил бўлади?
3. Дарс таҳлили бир йилда неча марта ўтказилади?
4. Кимлар дарс таҳлилига кириши мумкин?
5. Жисмоний тарбияда дарс таҳлили қандай олиб борилади?
6. Дарс таҳлилиниң вазифалари нимадан иборат?
7. Ўқитувчи дарсга қандай тайёр бўлиши керак?
8. Камчиликлар қандай аниқланади?
9. Дарснинг асосий қисми қандай аниқланади?
10. Дарсга қандай хулоса берилади?

## 2.7. Синфдан ташқари олиб бориладиган жисмоний тарбия ишларига тавсиф

Бошлиғич синфларга синфдан ташқари вактда ўтказиладиган жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотлари, спорт ҳамда соғломлаштириш тадбирлари тизимини синфдан ташқари ишлар деб аташ қабул қилинган.

Синфдан ташқари ишларнинг мақсади вазифалари ва уни ташкиллаштириш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси ва унинг маданияти учун кўйилган умумий мақсад, вазифалар билан мувофиқлаштирилган ва Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими вазирлигининг бир қатор услубий йўриқномалари, норматив ҳужжатлари, кўрсатмалари ва қарорлари билан регламентлаштирилган.

Бошлангич синфлар жисмоний маданиятининг умумий таркибий қисмини ташкилловчи, ўкув ишларини тұлдирувчи ва унга бўйсундирилган машғулотларнинг бундай шакллари ўкувчи жисмоний маданият жараёнини маҳсус ҳаётий зарурӣ билимлар, ҳаракат малакалари, қуникмалари билан бойитади. Энг аҳамиятли томони шундаки, бу машғулотлар ва тадбирлар ўкувчиларнинг қизиқишиларига таяниб ва кўнгилли равишда, уларнинг хоҳишли асосида тузилади ва бошқарув уларнинг ихтиёрига берилади. Бу ўз навбатида ўкувчиларда ташаббус кўрсатиш, ўз фикрини жамоага ўтказиш ёки унинг акси, жамоанинг фикри билан ҳисоблашиш, лозим бўлса унга бўйсуниш ҳамда жамоанинг жамоатчилик асосидаги ўзи хоҳлаган йўналишида фаолият кўрсатиш, жамоаси ёки ўз мактаби, тумани (шахри), вилояти, керак бўлса Республикаси шарафи учун курашиш, ҳимоя қилишдек хиссиятларни тарбиялайди.

### **Бошлангич синф ўкувчилари учун синфдан ташқари ишлар куйидагилардан иборат:**

Дарсгача гимнастика машқлари - ўкувчиларнинг ақлий иш қобилияtlари ва уларни олдиларида турган ўкув фаолиятларига тайёрлаш ҳамда аъзолардаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш, узоқ вакт ҳаракатсизликда бўлган вазиятни йўқотиш. Мажмуа машқлари кийин бўлмаган 5-6 та машқлардан жисмоний тарбия ўқитувчиси ёки юқори синф ўкувчиси томонидан берилган топшириқ асосида қоидага мувофиқ тузилади ва машғулотлар очик ҳавода ўтказилади.

Жисмоний тарбия дақиқаси - ҳордик чиқариш, ўкувчилар иш қобилиятыни ошириш. Улар биринчи дарсдан бошлаб синфда ўтказилади.

Жисмоний тарбия дақиқаларининг мажмуаси 3-5 машқдан иборат бўлиб, 2-4 дақиқа давомида синф физируги ёки фан ўқитувчиси раҳбарлигига олиб борилади.

Танаффуслар вақтида ўтказиладиган ўйинлар - ўкувчилар соғлигини мустаҳкамлаш ва фаол дам олиш, чиникиш, ақлий ва жисмоний иш қобилияtlарини ошириш, жисмоний машқларни мунтазам равишда бажаришни одатга айлантиришдан иборатdir. Қоидага кўра ўйинлар тоза ҳавода, катта танаффусларда ташкил этилади. Ҳар хил ҳаракатли ўйинлар қаторига соддалаштирилган ўйинлар ҳам киритилади. Ўйинлар жисмоний тарбия ўқитувчиси, спорт йўриқчisi билан биргаликда ёки навбатчи ўқитувчилар кузатувида (назоратида) ташкил қилинади.

Куни узайтирилган гурухда спорт соати - ўкувчилар сог'лигини мустаҳкамлаш, ақлий ва жисмоний зўриқишларнинг олдини олишдан иборат. Машғулотлар қийинчилик туғдирмайдиган, ўкувчиларни жалб қила оладиган соддароқ методлардан фойдаланган ҳолда ўтказилади ва бир йула уйга берилган топшириқлар ҳам бажарилади. Бундай машғулотларни ўтказища мутахассислар, мактабнинг жисмоний тарбия фаоллари ва ота-оналар ҳам жалб қилинади. Машғулотлар ҳар куни 35-45 дақиқа мобайнида ўтказилади.

Сайрлар - ҳаракатли ўйинларни болаларнинг ўзлари танлаганлари маъқул (шунда мазмуни, ўтиш жойи аниқ белгиланади). Машғулот топшириқлари билан сайрга чиқишлиар ҳар хил қишлоқ хўжалик ишларини (Футбол майдонини тозалаш, дараҳтлар ўтказиш, спорт майдончаларини жиҳозлаш ва бошқалар) ўз ичига олиш билан бирга бажарилади. Спорт сайри - югуриш, сакраш, улоқтириш ва бошқа оддий мусобақаларни ўз ичига олади.

Спорт мусобақалари - мактаб мусобақаларининг ўтказилиши - дарсдан ташқари мактабнинг оммавий спорт тадбирлари ҳақида тақвим иш режасига мувоғиқ ва мактаб раҳбарларининг назоратида бўлиши керак. Аввало, "Умид ниҳоллари" мусобақасида қатнашиш ва "Алпомиш", "Барчиной" тестларини ўтказиш. Мактабнинг ички мусобақалари синфлараро, синф гурухлараро

ұтказилади. Бундан ташқари мусобақалар шахсий биринчилик учун ҳим ұтказилади («Югурувчи куни», «Сакровчи куни» ва бошқалар).

Мактаб биринчилиги учун синфлараро мусобақалар, спартакиада шаклида ҳам ұтказилади. Мусобақалар ҳар хил синфларда:

Ұқитувчилар ва мураббийлар куни, Мустақиллик ва Наврұт байрамларига бағишилаб ұтказилиши мүмкін. Шунга үхашаш оммавий спортивтурлари бүйіча мусобақаларни мактаблараро ұтказиши амалға ошириш керак. Туман, шаҳар мусобақаларига қатнашиш учун мактабларда энг яхши спортчилардан терма жамоалар тузиб мусобақаларда қатнашилади.

**Спорт тұғаракларининг мақсади** – ұқувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлигини ошириш, жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар хил воситаларидан фойдаланиш йүли билан үкув дастури асосини тузиш. Бу шұъбаларга асосан бошланғич, ўрта синф ұқувчилари жалб қилинади. Айникса, тайёргарлик ва тиббий гурухларга ажратылған ұқувчилар таклиф қилинади. Машғулотлар хафтасига икки марта 45- 60 дақықадан ұтказилади. Умумий раҳбарликни жисмоний тарбия ұқитувчиси амалға оширади. Бундай машғулотларни ұтказиш учун жамоатчи спорт инструкторлари, юқори синф фаоллари, болалар ва үсмирлар спорт мактабларининг ұқувчи спортчилари жалб қилинадилар.

**Спорт шұъбалари** - спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланувчи ұқувчилар учун ташкил қилинади. Спорт шұъбаларини ташкил қилиш учун энг, аввало, шароит ҳисобға олинади. Умумий раҳбарлик эса жисмоний тарбия ұқитувчисига юқлатылади. Шунга үхашаш машғулотларни үтиш учун жамоатчи устоз-мураббий, жамоатчи-йүриқчи, мактабнинг энг яхши спортчилари, болалар ва үсмирлар спорт мактабининг яхши спортчи ұқувчилари таклиф қилинади. Машғулотлари ҳафтада 2-3 марта ұтказыладынан шұъбаларга қатнашадынан ұқувчилар олдин, албаттa, тиббий күриқдан үтишлари шарт (тиббий назорат мактабда ёки поликлиникада ұтказилади).

**Спорт байрамлари** - Бу тадбирлар мактабнинг барча анъаналарига мунофиқ, оммавий спорт тадбирлари календари ва бошқа тадбирлар билан олдинма-кейин йилда икки марта, ўкув йилининг бошланиши ёки икунланишини нишонлаш, арафасида ва мавсумнинг бошида ҳамда якунида, шунингдек, мусобақаларнинг тантанали очилиши ва ёпилишида, оммавий спорт мусобақаларини ўtkазиш ҳамда учрашувлар, гимнастика ва спорт турларидан қатнашишлар ҳамда ғолибларни мукофотлашда ўtkазилади.

### **Текшириш учун назорат саволлари**

1. Бошланғич синфларнинг жисмоний тарбиядан синфдан ташқари ишларига нима киради?
2. Синфдан ташқари ишлар деганда нимани тушунасиз?
3. Синфдан ташқари ишга ким масъул?
4. Жисмоний тарбияда синфдан ташқари ишлар қандай олиб борилади?
5. Спорт тұғараларининг мақсади?
6. Спорт байрамлари деганда нималар киради?
7. Жисмоний тарбия дақиқаси қайси синфларда олиб борилади?
8. Танаффус вактида ўtkazиладиган ўйинлар ҳақида маълумот беринг?
9. Дарсгача гимнастика машқлари ҳақида маълумот беринг?
10. Спорт мусобақалари қандай ташкил қилинади?

### **2.8. Спорт машғулотларининг назарий асослари**

**Спорт фаолияти** - Алоҳида танланган спорт тури билан мунтазам равиша шуғулланиш (мураббий раҳбарлигида), мусобақаларга тайёрланиш ва қатнашиш, ғолибликка интилиш, натижаларни юқорига кутаришга қаратилган фаолиятдир.

**Спорт тушунчаси** - Спорт бу инсоният ҳаётида тарихан шаклланган инсон фаолияти бўлиб, танлаб олинган спорт турида юқори натижаларга эришиш ва маҳсус мусобақалар шароитида ғолибларни аниqlаш, уларни тақдирлашдан иборат. Спорт ҳозирги жамиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб унинг жамиятдаги вазифалари, хилма-хил ва кўп қарралидир.

**Спортнинг жамиятдаги вазифалари** - спортнинг жамиятда мусобақи вазифаси, тарбиявий вазифаси, жисмоний фазилатларни тарбиялаш вазифаси, согломлаштириш вазифаси, ишлаб чиқарышга қаратилғанлиги, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилғанлик, дунё халқларини бирдамлікка чақириш вазифаси, томошабинлик каби вазифалари мавжуд.

**Спорт машқи** - спорт машқи педагогик ҳодиса булиб, у спортда юксак натижаларга эришиш учун бевосита йұналтирилған маңсус жисмоний машғулот жараёнидір.

**Спортчи тайёргарлигининг асосий томонлари** - спортчининг жисмоний тайёргарлиги (умумий ва маңсус), спорт техник ва тактик тайёргарлиги, маңнавий – иродавий тайёргарлик, спортчининг назарий тайёргарлайлары спортчи тайёргарлигининг асосий томонларини ташкил этади.

**Спорт машқининг воситаси сифатида құлланиладиган жисмоний машқлар** - спорт машқининг асосий воситаси ҳисобланмиш жисмоний машқлар 1) танланған мусобақа машқлари; 2) маңсус – тайёрлов машқлари; 3) умумий тайёрлов машқларидан иборат.

**Спорт машқининг асосий тамойиллари** - юксак күрсаткичларға интилиш, спортчининг умумий ва маңсус тайёргарлигининг бирлигі, спорт машқи жараёнининг узлуксизлиги, спорт машқида юкламаларни аста-секин орттириб бориши, спорт машқи юкламасининг тұлқинсимон үзгариши, спорт машқи жараёнининг даврийлиги тамойиллари саналади.

**Спорт машқи жараёнининг даврларга бўлиниши** - спорт машқи жараёни катта (жумладан, йиллик ва ярим йиллик) ҳамда кичик (бир неча кун, бир ҳафталик) даврларга бўлинади.

**Спорт машқини даврлашда қайси жиҳатлари ҳисобга олиниши зарур** - спорт машқи жараёнларининг үзгариши сабаблари ва шароитлари, спорт машқи даврларининг мөкдори ва давомийлиги, мусобақа тақвими, мавсум иқлим шароитлари, спорт машқининг тайёрлов даври, мусобақа даври, ўтиш даври хусусиятлари спорт машқини даврлашда ҳисобга олинади.

**Бир йиллик спорт машқининг тайёрлов даври босқичлари** – тайёрлов даврининг биринчи босқичи умумий тайёргарлиги даври деб синилади. Тайёрлов даврининг иккинчи (махсус тайёргарлик) босқичи булиб ҳисобланади. Ҳар бир босқичда ўзига хос вазифалар бажарилади.

**Спорт машқининг асосий босқичлари** – дастлабки спорт тайёргарлиги босқичи, бошланғич ихтисослашиш босқичи, чукур такомиллаштириш босқичи, спортда “узоқ йиллар яшаш” босқичларидан иборат бўлиб ҳар бир босқич ўзига хос саналади.

**Дастлабки спорт тайёргарлиги босқичи** – одатда кичик мактаб ёнидан, баъзан ундан эртароқ бошланади ва мураббий раҳбарлигидан боланинг қобилиятига, имкониятига энг мувофиқ келадиган бўлажак спорт ихтисоси предметини аниқлайди ва кейинги бошланғич ихтисослашиш босқичига ўтади.

**Бошланғич ихтисослашиш босқичи** – умумий тайёргарликдан кенг фойдаланиш асосида, бўлгуси ютуқларга ишончли пойдевор қўйишдан, яъни организмни ҳар томонлама ривожланишини таъмин этишдан, унинг функционал имкониятлари даражасини кўтаришдан ҳаракат малакаларини бойитишдан, спорт маҳорати асосларини эгаллашдан иборат.

**Чукур такомиллаштириш босқичи** – спорт машқининг барча ўзига хос қонуниятлари ўзининг тўлиқ ифодасини топади. Машқ жараёни жуда чукур ихтисослаштирилган бўлади. Бу вақт ёш чегаралари 17-20 ёшдан 35-40 ёшгача диапазон! ўртасида бўлади. Бу босқичда спорт қобилияти тўла намоён бўладиган ва спорт маҳоратининг чўқкилари эгалланадиган вақт ҳисобланади.

**Узоқ йиллар яшаш босқичи** – ушбу босқичда машқнинг мазмуни ўзининг ҳарактери жиҳатдан йилдан-йилга умумий жисмоний тайёргарликка яқинлашади. Мусобақаларнинг роли камаяди, юкламаларнинг ўсиб бориш тенденцияси кўп бўлмаган вақт доирасида сақланади ва машқларнинг айrim гурухларигагина тааллукли бўлади. Шунга мувофиқ машқ жараёнининг тузилмаси ҳам қайта тузилади.

**Спорт формаси (шакли) түшунчаси** - спорт формаси педагогик нүктөсінің назардан қараганда спортчининг ютуққа эришишига оптималь тайёр эканын хамма томонлама, рухий, жисмоний, техник ва тактик жиһатдан юқори даражада етилғанлығы эканлыгидан иборатдир. Спорт формасини доимо сақлаб туриш мүмкін эмас, у вақтінча сақланади ва маълум муддаттаң ійүқотилади. Бунинг турлича сабаблари мавжуд.

**Дунё миқёсида спорт ишлариниң қайси ташкилот мувофиқлаштиради** - спорт турлари бүйіча халқаро федерациялар амалы оширади, мувофиқлаштиради.

**Оммавий спорт ишлари қандай күрсаткыч билан бағоланади** - мусобака иштирокчиларининг сони билан.

**Спортчининг асосий мақсади** - юқори спорт натижасыға эришиши қаратылған.

**Спорт турлари харакат фаолияти фаоллигига күра 5 турға бүлинади.** 1-тур. Мусобақаларда юқори даражада ривожланған жисмоний сифаттарни намоён этишни талаб этади ва бу спорт турларыда натижаларға эришиш спортчининг тайёргарлик асосыда үзлаштырган шахсий имкониятларига боғлиқ бўлади.

**2-Тур.** Ҳаракат фаолиятларини техник воситалар орқали оширишга қаратылған спорт турлари ташкил этади. (мотоспорт, автоспорт, авиа спорт, яхта ва бошқалар) Спорт натижаларига эришиш техник воситасининг ҳаракатига ва спортчининг ушбу воситани бошқариш қобилиятига боғлиқ.

**3-Тур.** Махсус қуроллар орқали мұлжалға отишга қаратылған спорт турларидан иборат. (милтиқ, камон ва бошқалар)

**4-Тур.** Конструкторлик фаолиятини намоён қилишга қаратылған спорт турлари. (автомодилчilik, авиамодилчilik ва бошқалар)

**5-Тур.** Ақлий фаолият орқали мусобақалашиш ва рақибни енгишга қаратылған спорт турлари (шахмат, шашка ва бошқалар) дан иборат.

### **Текшириш учун назорат саволлари**

1. Спорт фаолияти нима?

3. Спорт тушунчаси нима?
4. Спортнинг жамиятдаги вазифалари?
5. Спорт машқи нима?
6. Спорт формаси тушунчаси?
7. Спорткининг асосий мақсади?
8. Узок йиллар яшаш бочқичи?
9. Дастрасы спорт тайёргарлик босқичи?
10. Бошланғич ихтисослашиш босқичи?

## **2.9.Спорт машғулотининг воситалари ва методлари**

Спорт машқи, мусобақа машқи, махсус жисмоний тайёрлов машқи, умумий жисмоний тайёрлов машқи, жисмоний сифатлар ва ҳ.к.

Спорт машқининг воситаси сифатида қулланиладиган жисмоний машқлар ҳаракат амаллари қўйидагилардан иборат: 1) Танланган (асосий) мусобақа машқлари; 2) Махсус тайёрлов машқлари; 3) Умумий тайёрлов машқлари.

Мусобақа машқлари - бу яхлит ҳаракат амалини бажаришдаги фаолияти бўлиб (ёхуд ҳаракат фаолиятларининг йигиндиси бўлиб) спортчининг ихтисосланиш учун танлаб олган спорт тури сифатида мазкур спорт тури бўйича ўtkaziladigan мусобақа шартларига тўла риоя қилган ҳолда бажарилади. «Мусобақа машқлари» тушунчаси маълум маънода «спорт тури» деган тушунчага ўхшайди.

Махсус жисмоний тайёрлов машқлари мусобақа ҳаракатлари элементларини, шунингдек, жисмоний қобилиятларни намоён этиш шакли ва тавсифи жихатдан уларга ўхшаш ҳаракат ва ҳолатларни ўз ичига олади.

Махсус жисмоний тайёрлов машқлари нимага кўпроқ хизмат қилишга қараб яқинлаштирувчи машқлар ва ривожлантирувчи машқларга бўлиниши мумкин.

Умумий жисмоний тайёрлов машқлари спортчининг умумий тайёргарлик воситаси булиб хизмат қилади. Бундай машқлар сифатиди хилма-хил машқлардан яқин бўлган ва ўз таъсир этиш хусусиятлари билан унга ўхшаган машқлар, шунингдек, улардан тубдан фарқ қиласиган (шу жумладан, қарама-қарши йўналишдаги) машқлар хам шу мақсадда фойдаланиши мумкин.

Жумладан, барча асосий жисмоний сифатларнинг (куч, тезкорлик, чидамлилик, эпчиллик, чаққонликнинг) ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи ҳамда спортчининг ҳаракат малакалари ва маҳорати захирасини кенгайтирадиган машқларни танлаш керак.

Бундай машқларни ёрдамчи спорт гимнастикасидан, ҳаракатли ўйинларидан ҳамда спортнинг қўшимча турлар деб аталган шаклларидан танлаб олинади. Ҳозирги пайтда кўйидагилар энг кўп тарқалгандир:

- умумий чидамлиликни тарбиялашда: ўртача ва ўзгарувчан шиддат билан узоқ вақт югуриш, паст, баландликларда ҳамда текис жойларда крослар ва шунга ўхшашиб югуриш;

- куч-кувватни ўстиришда (умумий куч-кувват тайёргарлиги учун): оғир атлетикадаги каби штанга билан бажариладиган машқлар, шунингдек, турли оғирлик ва қаршиликлар билан боғлиқ бўлган ёрдамчи ҳамда спорт гимнастикаси машқлари;

- ҳаракат тезлигини ҳамда реакциясини тарбиялашда спринтер машқлари ва спорт ўйинлари, айниқса, баскетбол;

- чаққонликни тарбиялашда спорт гимнастикаси, акробатика, ҳаракатли ва спорт ўйинлари.

Умумий тайёргарлик мазмунини белгилаётганда спорт фаолиятининг пировард натижадаги мақсадини, ҳаётга тайёrlаш мақсадини унутмаслик керак. Шунинг учун барча тенг шароитларда бевосита амалий аҳамиятга эга бўлган машқларга (жумладан, «Алпомиш» ва «Барчиной» комплекси машқларига) кўпроқ ўрин бериш керак.

Иккинчидан, спортчининг умумий тайёргарлиги спорт ихтисосининг ўзига хос хусусиятларини ҳам ифода этиши керак. Турли жисмоний машқлар ўртасида ўзаро ҳам ижобий, ҳам салбий муносабатлар бўлиши мумкин. Бу турли жисмоний сифатлар ва ҳаракат малакаларининг «ижобий ва салбий қўчиш» қонуниятлари билан изоҳланади. Биргина ана шу сабаб туфайли ҳам спортнинг хилма-хил турлари учун умумий тайёргарлик бир хил бўлиши мумкин эмас. Баъзи бир ўхшашлик бўлиши билан бирга ҳар бир аниқ ҳолатда ўзига хос жиҳатлари ҳам бўлади. Бу тайёргарлик воситаларини танлашга ҳам, уларга машқ қилиш жараёнида қанча жой беришга ёки вақт ажратишга ҳам бирдек тааллуклидир.

Масалан, тезлик-куч талаб қилинадиган спорт турлари (спринт, сакрап, улоқтириш) буйича ихтисослашган спортчилар машғулотда оғирлик кутариш билан боғлиқ бўлган машқлар (жумладан, максимал кутара оладиган оғирликнинг 75-90 фоизидан иборат штанга билан бажариладиган машқлар)ни тез суръатда ва нисбатан унчалик кўп такрорламай бажаришдан жуда кенг фойдаланилади. Шунингдек, чаққонликни ва тезкорликни, чидамлиликни ўстиришга қаратилган машқларга ҳам анчагина ўрин берилади. Умумий чидамлиликни ўстирувчи машқларнинг салмоғи эса анча кам бўлади.

Мусобақалар жараёнида узоқ муддат узлуксиз ишлашни назарда тутган спорт турларида (енгил атлетикада узоқ ва жуда узоқ масофаларга югуришда, кросс югуришларда, велосипед спортида ҳам шундай масофаларни ўтиш жараёнида) умумий чидамлилик алоҳида роль ўйнайди. Унинг учун спортнинг мазкур турлари билан шуғулланувчиларда бу сифатларни тарбиялаш умумий жисмоний тайёргарликнинг энг муҳим қисмларидан ҳисобланади. Бир-бирига яқин бўлган даврий машқлар (chanғичиларнинг эшкак эшиши, эшкак эшувчиларнинг чанғида югуриши ва ҳоказолар) ёрдамида куч-куватни ўстиришга ҳам анча ўрин ажратилади. Бу ерда куч-куват машқлари унча оғир бўлмаган юкларни кутариш, бироқ такрорлаш миқдорининг ортиши билан ҳарактерланади: улар асосан серияли тарзда

бажариладиган тезкор куч-қудратини оширишга қаратилган машқлар билди уйғунлаштириб борилади.

Яkkама-якка олишув ва спорт ўйинлари каби спорт турларидагы умумий тайёргарликда жисмоний сифатларни комплекс ривожлантирадиган хилма-хил машқлар жуда күп бўлади. Бунда тезкор-куч характердаги машқлар билан бир қаторда кўпгина куч талаб қилувчи элементлари бор, шиддатлилиги ўзгариб турадиган ишда чидамлиликни ўстирадиган (айниқса, курашчилар ва хоккейчиларда), шунингдек, чаққонликни ҳар томонлами ривожлантирадиган машқларда ҳам кенг фойдаланилади.

Кўпкурашчиларда умумий тайёргарлик воситалари масаласи ўзига хос тарзда ҳал этилади. Гап шундаки, танланган кўпкураш дастури учун кўлланиладиган маҳсус тайёргарлик ана шу кўпкурашни ташкил этган айрим спорт турларига нисбатан кўп жиҳатдан умумий тайёргарлик ҳисобланади, масалан, 1500 метрга югуриш машқи енгил атлетиканинг ўн кураш дастури буйича маҳсус тайёргарликнинг бир қисми бўлгани ҳолда, ўн курашнинг бошқа бўлимлари (спринт, сакраш ва улоқтириш) учун умумий тайёргарликнинг бир элементи бўлиб хизмат қиласи. Бу нарса кўпкурашчига кўшимча воситаларни танлашда кўл келади: ихтисос қилиб олинган кўп кураш турлари қанчалик кўп хилма-хил бўлса, шунчалик кўп восита «тежаб» қолинади.

Куриниб турибдики, умумий тайёргарлик бир вақтнинг ўзида ҳам ҳар томонлама, ҳам маълум мақсадга маҳсус қаратилган бўлмоғи керак. Умумий тайёргарлик танланган спорт турининг ўзига хос томонига боғлиқ, бироқ у ҳар томонлама тайёргарлик бўла туриб, ҳеч қачон маҳсус тайёргарликка айланиб кетмайди.

Юқорида санаб ўтилган спорт машқининг ўзига хос воситаларининг барчаси факат жисмоний тайёргарлик воситаси бўлибгина қолмай, балки спортчини техник, тактик ва ирода, руҳий тайёргарлиги воситаси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мәзкур ўзига хос воситалар билан муштарак ҳолда ақлий, ахлоқий ва  
әдәтик тарбиянинг хилма-хил воситаларидан ҳам фойдаланилади.

### **Текшириш учун назорат саволлари**

1. Спорт маңы нима?
2. Мусобақа машқлари нима?
3. Махсус жисмоний тайёргарлик нима?
4. Умумий чидамлилик нима?
5. Мусобақа жараёнида узоқ муддат яшаб қолиш нима?
6. Умумий жисмоний тайёргарлик нима?
7. Жисмоний сифатлар нима?
8. Танланган (асосий) мусобақа машқлари деганда нимани тушунасиз?
9. Спорт нима?
10. Спорт машғулоти нима?

## Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

<b>Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид мавзулари</b>	<b>Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар</b>	<b>Тавсия етилган адабиётлар</b>	<b>Хажми соятди</b>
Саф ва тартиблаш машқларини ўргатиш	Мавзуга оид назарий маълумотларни ўрганиб чиқиши ва реферат тайёрлаш		2
Умумривожлантирувчи машқлар ўргатиш	Мавзуга оид адабиётлар тахлил қилиш ва шу асосида конспект тайёрлаш		2
Акробатик машқларни ўргатиш	Мавзуга оид машқлар мажмуасини тўплаш ва шу асосида реферат тайёрлаш		2
Гимнастик жихозларда машқларни бажариш (скамейка, нарвонча, брус)	Мавзуга оид берилган талабларни тўлиқ ёритиб бериш ва шу асосида мустақил иш тайёрлаш		2
Оддий ва таяниб сакрашни сакрашни ўргатиш	Мавзуга оид адабиёт тўпламини йиғиш ва шу асосида мустақил иш тайёрлаш		2
Умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик	Мавзуга оид берилган талабларни бажариш, шу асосида мустақил		2

	иш тайёрлаш		
Харакатли ўйинларни бола ёшига мос ҳолда танлаш ва ўтказиш методикаси	Мавзуга оид адабиётларни тахлил қилиш, шу асосида конспект тайёрлаш		2
Харакатли ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси	Мавзуга оид маълумотларни тўплаш ва шу асосида мустақил иш тайёрлаш		2
Харакатли ўйинларни дарснинг асосий қисмига мос ҳолда танлаш ва таҳлил қилиш	Мавзуга оид адабиётларни тахлил қилиш, шу асосида конспект тайёрлаш		2
Спорт байрамларини ўтказишида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш	Мавзуга оид адабиётларни тўплаш, шу асосида конспект тайёрлаш		2
<b>Жами :</b>			<b>20</b>

## **Жисмоний маданият ўқитувчилар ва талабалари билиши зарур бўлған муҳим маълумотлар**

**1-савол. Жисмоний тарбиянинг мақсади нималардан иборат?**

**Жавоб:** Узбекистонда жисмоний тарбиянинг мақсади шахсни жисмоний камолотта эриштириш, уларни хукуқий демократик давлатнинг фаол иштирокчиларига айлантириш, ижодий меҳнатга ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашдан иборатdir.

**2-савол. Жисмоний тарбиянинг вазифалари нималардан иборат?**

**Жавоб.** а) Шахс организмини гармоник ривожлантириш, жисмоний қобилиятни ҳар томонлама камолга етказиш, соғлигини мустаҳкамлаш ва узоқ умр кўришини таъминлашга қаратилганлиги; б) Инсоннинг ҳаётий зарурий ҳаракат малакаларини ва кўникмаларини кундалик турмушда керак бўладиган жисмоний маданиятта молик маҳсус билимларни шакллантириш; в) Шахсни ҳар томонлама жисмонан ривожлантириш ва жисмоний сифатларни тарбиялаш кабилардан иборатdir.

**3-савол. Жисмоний ривожланиш тушунчаси нима?**

**Жавоб:** Турмуш шароитининг, хусусан, тарбиянинг таъсирида киши организми ва функцияларининг вужудга келиши ҳамда узгариши жараёнидир.

**4-савол. Жисмоний тарбия тушунчаси нима?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия педагогик жараён бўлиб, маҳсус танланган жисмоний машқлар орқали инсон организмининг функционал жиҳатларини такомиллаштириш, шахсни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қаратилган тарбия фаолиятидир.

**5-савол. Жисмоний маданият тушунчаси нима?**

**Жавоб:** Жисмоний маданият жамият аъзоларининг жисмоний камолотга эришишини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун маҳсус воситалар, методлар ва шароитларни яратиш ҳамда улардан рационал фойдаланиш бўйича эришган ютуқларнинг мажмуасидир. Жисмоний

моделният умумий маданиятнинг бир қисми унинг юксалиши жамият риоюлжанишининг асосидир.

**6-савол. Жисмоний билим нимани ўз ичига олади?**

**Жавоб:** Жисмоний машқларни бажаришга оид маҳсус назарий тушунчалар яхмда уларни амалда қўллаш маҳорати ва кўникмаларини ўз ичига оладиган билимлар мажмуаси жисмоний билимни ташкил этади.

**7-савол. Жисмоний сифат турлари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Жисмоний сифат турлари қуйидагилардан иборат: 1. Куч жисмоний сифати. 2. Тезкорлик жисмоний сифати. 3. Чаққонлик жисмоний сифати. 4. Эгилувчанлик жисмоний сифати. 5. Чидамкорлик жисмоний сифати.

**8-савол. Чаққонлик жисмоний фазилатига таъриф беринг?**

**Жавоб:** Чаққонлик деганда ҳаракатлар координацияларининг умумий тўплам йиғиндиси тушунилади. Соддалаштирилганда чаққонлик кутилмаган шароитда зарурый ҳаракатларни тез, шиддатли ва аниқ бажариш жисмоний фазилатидир.

**9-савол. Чидамлилик жисмоний фазилатига таъриф беринг?**

**Жавоб.** Мускуллар иши фаолиятида жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида чарchoқка каршилик кўрсатиш даражаси чидамлилик сифати деб аталади.

**10-савол. Маҳсус ва умумий чидамлиликка таъриф беринг?**

**Жавоб.** Таънлаб олинган (ихтисослик) спорт тури ёки меҳнат фаолияти учун талаб қилинадиган чидамлиликни маҳсус чидамлилик, бошқа ҳаётий шароитдаги фаолият учун лозим бўлган чидамлилик умумий чидамлилик дейилади.

**11-савол. Чидамкорлик сифати қандай тарбияланади?**

**Жавоб:** Узок муддатли машқлар бажариш, машқларни такрорлаш, чарchoқни енгизига қаратилган турли типдаги жисмоний машқлар орқали тарбияланади.

**12-савол. Тезкорлик жисмоний фазилатига таъриф беринг?**

**Жавоб.** Тезкорлик деганда индивидуал ҳаракат тезлик характеристикасининг, асосан, ҳаракат реакциясининг вақтини бевосита боғловчи функционал хусусиятлар комплекси тушунилади.

**13-савол. Тезликнинг намоён бўлишининг нечта шакли бор?**

**Жавоб.** Учта, қуйидаги шакллари мавжуд:

Якка ҳаракат тезлиги (кичик ташқи қаршиликни енгиш билан).

Ҳаракатлар частотаси.

Ҳаракатлар реакциясини тезлиги (яширин ламент даври).

**14-савол. Эгилувчанлик жисмоний фазилатига таъриф беринг?**

**Жавоб.** Эгилувчанлик жисмоний фазилат бўлиб, ҳаракат таянч аппаратларининг функционал хусусиятлари демакдир. Бу хусусиятлар шу аппарат бугинларининг ҳаракатчанлиги, унинг максимал амплитудаси (оғиши, эгилиши, буклана олиши, чўзилиши, қайишқоқлиги) билан ўлчанади.

**15-савол. Эгилувчаилик жисмоний фазилатининг қандай турлари мавжуд?**

**Жавоб.** Эгилувчанлик фаол ва нофаол бўлиши мумкин. Ўз мускул кучи эвазига эгилиш фаол эгилувчанлик ва ташқи қаршиликни енгиш эвазига рўй берадиган эгилувчанлик эса нофаол эгилувчанлик дейилади.

**16-савол. Куч жисмоний фазилати қандай таърифланади?**

**Жавоб.** Ташқи таъсирни мускуллар зўриқиши ҳисобига енгишга қаратилган куч жисмоний куч дейилади. Бошқача қилиб айтганда, мускуллар зўриқиши (узайиши-қисқариши) ҳисобига намоён бўладиган куч жисмоний куч ҳисобланади.

**17-савол. Кучнинг қандай турлари мавжуд?**

**Жавоб.** Куч намоён қилишда кишининг вазни ҳам рол ўйнайди. Шунга кўра абсолют куч ва нисбий куч ҳам деб фарқланади.

**18-савол. Куч сифати қандай машқлар билан ривожлантирилади?**

**Жавоб.** Ташқи қаршиликларни енгишга қаратилган машқлар ва индивиднинг ўз танаси оғирлигини енгишга қаратилган машқлар орқали.

**19-савол. Жисмоний фазилатларнинг ўзаро алоқадорлиги нимада?**

**Жавоб.** Жисмоний фазилатларнинг алоқадорлиги уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдиришидадир.

**20-савол. Жисмоний маданиятдаги моддий бойликларга нималар киради?**

**Жавоб:** Турли хил спорт иштоотлари (стадионлар, сув ҳавзалари, спорт чаллари ва бошқалар) маҳсус жиҳозлар, ускуналар, маблағлар, жамият аъзоларининг жисмоний баркамоллик даражаси жисмоний маданиятда моддий бойликларга киради.

**21-савол. Жисмоний маданиятда маънавий бойлик нималардан иборат?**

**Жавоб:** Маънавий бойлик тарбия тизими яратган, шакллантирган гоявий, илмий, ташкилий, амалий ва маҳсус илмий ютуқлар ҳисобланади.

**22-савол. Жисмоний тарбия тизими нима?**

**Жавоб.** Жисмоний тарбия тизими деганда жисмоний тарбиянинг принциплари (тамойиллари), воситалари, методлари ва унинг ташкилий шаклларининг умумийлиги тушунилади.

**23-савол. Ўзбекистонда жисмоний тарбия тизими қандай бўғинларга бўлинади?**

**Жавоб.** Ўзбекистондаги жисмоний тарбия тизими куйидаги бўғинларга бўлинади: мактабгача таълим муассасалари жисмоний тарбияси, мактаб ёшидагилар жисмоний тарбияси: (умумий ўрта таълим 1-9 синфлар), ўрта маҳсус касб-таълими (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари) ўқувчилари жисмоний тарбияси, олий таълим талабалари жисмоний тарбияси, ҳарбийлик (армия) даври жисмоний тарбияси, олий таълимдан ва ҳарбий хизматдан сўнгги ҳаваскорлик асосидаги катталар жисмоний тарбияси.

**24-савол. Жисмоний тарбия назариясининг умумий тамойиллари нималардан иборат?**

**Жавоб.** 1. Жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билли боғлиқлик тамойили. 2. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириши қаратилганлик тамойили. 3. Жисмоний тарбиянинг соғломлаштиришга йўналтирилганлик тамойили.

**25-савол.** Жисмоний тарбия тизими қандай элементларни бирлаштиради?

**Жавоб.** а) Жисмоний тарбиянинг мақсади, вазифалари ва тамойилларининг мақсадга мувофиқлиги; б) Жисмоний тарбия тизимида кўлланиладиган воситалар: гимнастика, ўйинлар, спорт, туризм ва бошқа жисмоний машқлар; в) турли шаклдаги педагогик жараён мобайнида кўлланиладиган (таълим методлари, спорт машқи, мустақил машғулотларда фойдаланиладиган) методлар; г) жисмоний тарбия мақсадида кишиларни бирлаштириш шакллари; д) жисмоний тарбия мазмуни ва натижаларида ифодаланган асосий ва давлат талаблар (меъёрлар ва дастурлар)ни бирлаштиради.

**26-савол.** Жисмоний тарбия воситалари нималардан иборат?

**Жавоб.** Жисмоний машқлар, табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллардан иборат.

**27-савол.** Жисмоний машқ деб нимага айтилади?

**Жавоб.** Жисмоний машқ деб, жисмоний тарбия қонуниятлари талабларига жавоб берувчи, онгли равишда бажариладиган ихтиёрий ҳаракат фаолиятларининг турли туркумлари тушунилади.

**28-савол.** Жисмоний машқ техникаси деб нимага айтилади.

**Жавоб.** Жисмоний машқ техникаси деб ҳаракат вазифасини осон, самарали ҳал қилиш учун танланган ҳаракат фаолияти тушунилади. Жисмоний машқ техникаси доим ўзгариб туради ва такомиллашади.

**29-савол.** Жисмоний машқлар классификацияси деганда нимани тушунасиз?

**Жавоб.** Жисмоний машқлар классификацияси бу - машқларни шакли ва мазмунига кўра туркумларга бўлиш демақдир.

**30-савол.** Жисмоний машқлар қандай туркумланган?

**Живоб.** Жисмоний машқлар тарихан ўйинлар тарзидаги, гимнастика кўринишдаги спорт ва туризм машқларига туркумланади.

**31-савол. Табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари нималардан иборат?**

**Живоб.** Ҳаво, ер, қуёш нури, сув, жисмоний тарбия жараёнида табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари жисмоний тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

**32-савол. Гигиеник омиллар нималардан иборат ?**

**Жавоб.** Гигиеник омиллар шахсий ва жамоат гигиенаси тадбирларини ўз ичига олади. Гигиеник омилларига тўғри риоя этган ҳолда жисмоний машқлар билан шугулланиш тарбиянинг самарадорлигини ошириши илмий-амалий жиҳатдан исботланган.

**33-савол. Жисмоний таълим тушунчасига таъриф беринг?**

**Жавоб.** Жисмоний тарбия жараёнида таълим маҳсус билим ва ҳаракатларни бажара олишни ўзлаштириш ҳамда уларни ўкувчига, шугулланувчига узатишни ташкил қилиш ва йўлга қўйишдир ёки соҳага доир маълумот беришдир.

**34-савол. Жисмоний тарбия қандай умумий тамойилларга таянади?**

**Жавоб.** а) Жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғлиқлиги тамойили; б) Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш тамойили; в) Жисмоний тарбиянинг соғломлаштиришга йўналтирилганлиги тамойили.

**35-савол. Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбиясининг вазифалари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Мактабгача ёшдагилар жисмоний тарбиясининг вазифаси болаларнинг соғлигини сақлаш, чиниқтириш, жисмоний ривожлантириш, гавдани тўғри тутиш, гигиенага риоя этиш, куч хислатларни тарбиялаш ишларидан иборат. Асосийси болаларда ҳаёт учун зарурый энг оддий ҳаракат малакаларини – юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, тирмашиб чиқиш, сузиш ҳамда велосипедда, самокатда ва отда юриш элементларини ривожлантиришдан иборат.

**36-савол. Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбиянинг қандай шакллари мавжуд?**

**Жавоб:** Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбиянинг эрталабки гимнастика, чиникитиувчи муолажалар, жисмоний тарбия дақиқалари, ўкув типидаги жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотлари, ўйинлар, жисмоний маданият байрамлари, жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг индивидуал машғулотлари, мустақил шуғулланиш шаклларида амалга оширилади.

**37-савол. Мактаб ўкувчилари жисмоний тарбиясининг мақсади нималардан иборат?**

**Жавоб:** Умумтаълим йўналишидаги ўкувчилар жисмоний тарбиясининг мақсади аста-секинлик билан уларни жисмоний камолотга эришиш ва шу аснода ҳаётга, ижодий меҳнатга ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлаб боришдан иборат.

**38-савол. Умумтаълим мактаблари ўкувчилари жисмоний тарбиясининг умумий ва хусусий вазифалари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Умумтаълим мактаблари ўкувчиларининг умумий вазифалари – билим олиш, жисмоний чиникиш ва соғлом бўлишдан иборат. Хусусийлари эса жисмоний тарбиядан ДТС дастуридаги махсус вазифалар тарзида ҳал қилинади.

**39-савол. Умумтаълим мактаб ўкувчиларини жисмоний тарбиялашнинг шакллари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Мактаб ўкувчиларининг жисмоний тарбияси қўйидаги шаклларда амалга оширилади: жисмоний тарбия дарсларида, дарсгача гимнастика машқларида, жисмоний машқлар дақиқаларида, танаффуслардаги ўюштирилган ўйинларда, спорт тўгаракларида, спорт байрамларида, турли хил мусобақаларда, учрашувларда, саломатлик куни ҳамда мактабдан ташқари ишлар асосида амалга оширилади.

**40-савол. Тиббий назоратга кўра жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар қандай гурухларга бўлинади?**

**Жавоб:** Таълим жараёни тиббий кўрик хулосаларига кура ўқувчилар асосий, тифлор ва маҳсус тиббий гурухлар деб номланувчи гурухларга бўлинади.

**41-савол.** Жисмоний тарбия жараёнида миллий қадриятлар ва анъаналардан фойдаланиш деганда нималар тушунилади?

**Жавоб:** Жисмоний тарбия жараёнида авлоддан авлодга ўтиб келган турли моддий ва маънавий, миллий қадриятлар, анъаналарни ҳозирги замонавий таълим-тарбия тизимиға жорий этиш жисмоний тарбияда миллий қадриятлар ва анъаналардан фойдаланиш тушунилади.

**42-савол.** Ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий иш ҳужжати нима?

**Жавоб:** Таълим тизими ning барча бўғимларида ҳам ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий ҳужжати Давлат таълим стандарти (ДТС) ҳисобланади.

**43-савол.** Ўқувчилар жисмоний тарбияси жараёнида қандай вазифалар ҳал қилинади?

**Жавоб.** Ўқувчилар жисмоний тарбияси жараёнида умумий ва хусусий вазифалар ҳал қилинади.

**44-савол.** Ўқувчилар жисмоний тарбиясининг умумий вазифаларига нималар киради?

**Жавоб:** Ўқувчилар жисмоний тарбиясининг умумий вазифалари – билим бериш, жисмоний тарбиялаш ва соғломлаштиришдан иборат.

**45-савол.** Ўқувчилар жисмоний тарбиясининг хусусий вазифалари нималардан иборат?

**Жавоб.** Ўқувчилар жисмоний тарбиясининг хусусий вазифалари жисмоний тарбиядан Давлат таълим стандарти дастуридаги маҳсус вазифалар тарзида ҳал қилинади.

**46-савол.** Ўқувчилар жисмоний тарбиясининг машғулот шакллари нималардан иборат?

**Жавоб:** Ўқувчилар жисмоний тарбиясининг машғулотлари мактабда ўқув ишлари, синфдан ташқари ишлар, соғломлаштириш ишлари, мактабдан ташқари муассасаларда ва оиласда амалга оширилади.

**47-савол. Ўқувчилар жисмоний тарбияси мактабда қандай шакллари амалга оширилади?**

**Жавоб:** Мактабда ўқувчилар жисмоний тарбияси жисмоний тарбия дарси, дарсгача гимнастика, жисмоний тарбия дақиқалари, танаффуслардиги ўйинлар, спорт кружоклари, спорт мусобақалари, спорт байрамлари ва бошса синфдан ташқари ишлар шаклида амалга оширилади.

**48-савол. Ўқувчи жисмоний тарбиясининг мактабдан ташқари шаклларига нималар киради?**

**Жавоб:** Ўқувчи жисмоний тарбиясининг мактабдан ташқари шакллариги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, тураг жойлардаги спорт иншоотлари, сув ҳавзалари, истироҳат боғлари, маданият саройларидаги спорт тўгараклари ва бошқа тарздаги машғулот шакллари киради.

**49-савол. Умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия дарси нима?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарси жисмоний тарбия машғулотларининг тизимли шакли бўлиб, бир хил ёшдаги, бир хил контингентдаги болаларга 45-минут вақтда дастур мавзуларни ўқитиш жараёни тушунилади

**50-савол. Жисмоний тарбия дарсларининг вазифалари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарслари ўқувчиларни таълим бериш, тарбиялаш ва соғломлаштиришдек вазифаларни амалга оширади.

**51-савол. Жисмоний тарбия дарсларининг таълим бериш вазифаси нималарга қаратилган?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарсларида таълим бериш вазифалари ўқувчиларни ўкув дастури асосидаги жисмоний машқларни бажаришга уларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга ҳамда ҳаракатларни амалиётда кўллашга ўргатишга йўналтирилган. Шунингдек, ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт, соғлиқни сақлаш, чиникиш, жисмоний маданиятга доир назарий билимларни оширишга қаратилгандир.

**52-савол. Жисмоний тарбия дарсларида тарбия вазифалари нималарга шуналтирилган?**

**Жавоб.** Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларни барча инсоний физиолатларини, жумладан, ақлий, ахлоқий, этик-естетик тарбиялаш, шунингдек, уларда миллатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби кўплаб ижобий ғояларни сингдириш каби вазифалар ҳал этилади.

**53-савол. Жисмоний тарбия дарсларида соғломлаштиришга шуналтирилганлиги вазифаси қандай бажарилади?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарслари жараёнида дарсни тұғри уюштириш, санитария гигиена қоидаларига риоя қилиш, дарсларни очиқ ҳавода үтказиш орқали ўқувчиларнинг иш соғломлаштириш вазифалари ҳал қилинади.

**54-савол. Жисмоний тарбия дарсини үтказишининг тиббий гигиеник шароити қандай яратилади?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарсини үтказишининг тиббий гигиеник шароитини яратища машғулот үтказиладиган жойнинг қатъяян белгиланган тиббий – гигиеник нормаларга мувофиқлигига эришиш зарур. (Бунда спорт зал бўлса, ҳаво температураси 14-16° С очиқ майдонларнинг тозалиги ва бошқалар эътиборга олинади).

**55-савол. Жисмоний тарбия дарслари моддий техник таъминоти деганда нималар назарда тутилади?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарсларини моддий техник таъминлаш деганда дарс зичлигини, самарадорлигини таъминлашга имкон яратадиган, дарс вазифаларини тұлақонли ҳал қилиш учун кафолат берадиган етарли даражадаги ўкув жиҳозлари, анжомлари ва машғулот жойи назарда тутилади.

**56-савол. Жисмоний тарбия дарслари мазмуни самарадорлигини белгиловчи асосий компонентлар нималардан иборат?**

**Жавоб.** Дарс таркибиға кирилган жисмоний машқлар, ўқувчиларнинг дарсдаги фаолияти, ўқитувчининг дарсдаги фаолияти, ўқувчилар организмида бажарилган машқлар орқали содир бўладиган физиологик психологияк, биомеханик ва бошқа ўзгаришлар жисмоний тарбия дарслари

мазмуни самарадорлигининг сифатини белгиловчи асосий компонентлар саналади.

**57-савол. Жисмоний тарбия дарслари қандай тузилишга эга?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарслари тайёрлов қисм, асосий қисм, ва якуний қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисмда белгиланган вазифалар бажарилади.

**58-савол. Жисмоний тарбия дарсларини қисмларига вақт тақсимоти тахминан қандай тақсимланади?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарсларининг қисмлари куйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ. Тайёрлов қисм учун 8-12 дақиқа. Асосий қисм учун 25-30 дақиқа, якуний қисм учун 3-5 дақиқагача.

**59-савол. Жисмоний тарбия дарсларида ўкувчилар фаолиятини ташкил этиш усувлари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарсларида ўкувчилар фаолиятини ташкил этишининг фронтал усули, узлуксиз улаб ташкил этиш усулини синф гурухларга бўлиш, ўкувчилар фаолиятини яккама-якка ташкиллаштириш ўкувчи фаолиятини айланиб юриб машқ бажариш услубиятидан иборат.

**60-савол. Жисмоний тарбия дарсларининг қанақа турлари мавжуд?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарслари таълим мининг йуналишига кура, дарсга кўйилган вазифаларга кўра “кириш”, “янги материални ўзлаштириш”, “аралаш”, “мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш”, “якуний” дарс турларига бўлинади.

**61-савол. Жисмоний тарбия дарсининг зичлиги нима?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарсининг зичлиги дарс самарадорлигини кўрсатувчи белгилардан бири бўлиб у иккига умумий ва мотор зичликка бўлинади.

**62-савол. Дарснинг умумий зичлиги нима?**

**Жавоб.** Дарснинг умумий зичлиги – бу дарсни умумий давомийлиги учун росионал сарфланган вақтнинг нисбати ҳисобланиб у бир неча компонентлар асосида ўлчанади.

**63. Савол. Дарснинг мотор зичлиги нима?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарснинг мотор зичлиги – бу ўкувчиларнинг бутун дарс давомидаги факт ҳаракат фаолиятининг фаоллиги учун сирфланган соғ вақтдир.

**64-савол. Жисмоний юклама нима?**

**Жавоб:** Жисмоний юклама бу шуғулланувчи организмига бериладиган жисмоний машқларнинг белгиланган ҳажмидир.

**65-савол. Жисмоний тарбия дарс тахлилиниң қандай усуллари мавжуд?**

**Жавоб.** Жисмоний тарбия дарсларини умумий ва маҳсус тахлил этиш мумкин. Умумий тахлилда дарс зичлиги жисмоний баҳоланиши ва ўкув тарбиявий компонентида умумлаштириб баҳоланади. Маҳсус тахлилда эса дарсни алоҳида компоненти (масалан: ўкувчи фаолияти, ўкувчиларни ўзлаштириши ва бошқа компонентлар) алоҳида тахлил этилади.

**66-савол. Жисмоний тарбия дарсларини тахлил этишда қайси жиҳатлар эътиборга олиниши лозим?**

**Жавоб:** Дарс тахлилида ўқитувчи ва ўкувчиларнинг дарсга тайёргарлиги, дарснинг мазмуни, дарснинг қисмидаги бажариладиган ўкув тарбиявий ишларининг тўғрилитига, ўқитувчи ва ўкувчи фаолиятига, ўқитувчининг нутқи, буйруқлари, маданиятига, дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланганлик каби жиҳатларга эътибор қаратилади.

**67-савол. Жисмоний тарбия дарсларини тахлил этишдан қандай мақсад кўзланади?**

**Жавоб:** Жисмоний тарбия дарсларини тахлил этишдан мақсад ўқитувчининг иш фаолияти билан танишиш уни ўрганиш, жисмоний тарбия дарснинг қандай ўқитилишини, ўкувчиларнинг кўникма ва малакаларини қай даражадалигини аниқлаш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш, лозим бўлса ўқитувчига дарс самарадорлигини янада ошириш мақсадида маслаҳатлар беришдан иборат.

**68-савол. Спорт фаолияти нима?**

**Жавоб:** Алоҳида танланган спорт тури билан мунтазам равиша шуғулланиш (мураббий раҳбарлигида), мусобақаларга тайёрланиш ва

қатнашиш, ғолибликка интилиш, натижаларни юқорига кўтаришга қаратилган фаолиятдир.

**69-савол. Спорт тушунчаси нима?**

**Жавоб:** Спорт бу инсоният ҳаётида тарихан шаклланган инсон фаолияти бўлиб, танлаб олинган спорт турида юқори натижаларга эришиш ва маҳсус мусобақалар шароитида ғолибларни аниқлаш, уларни тақдирлашдан иборат. Спорт ҳозирги жамиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб унинг жамиятдаги вазифалари, хилма-хил ва кўп карралидир.

**70-савол. Спортнинг жамиятдаги вазифалари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Спортнинг жамиятда мусобақа вазифаси, тарбиявий вазифаси, жисмоний фазилатларни тарбиялаш вазифаси, соғломлаштириш вазифаси, ишлаб чиқаришга қаратилганлиги, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилганлик, дунё халқарини бирдамликка чакириш вазифаси, томошабинлик каби вазифалари мавжуд.

**71-савол. Спорт машқи нима?**

**Жавоб:** Спорт машқи педагогик ҳодиса бўлиб, у спортда юксак натижаларга эришиш учун бевосита йўналтирилган маҳсус жисмоний машгулот жараёнидир.

**72-савол. Спортчи тайёргарлигини асосий тамонлари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Спортчининг жисмоний тайёргарлиги (умумий ва маҳсус), спорт техник ва тактик тайёргарлиги, маънавий – иродавий тайёргарлик, спортчининг назарий тайёргарликлари спортчи тайёргарлигининг асосий томонларини ташкил этади.

**73-савол. Спорт машқининг воситаси сифатида қўлланиладиган жисмоний машқлар нималардан иборат?**

**Жавоб:** Спорт машқининг асосий воситаси ҳисобланмиш жисмоний машқлар 1) танланган мусобақа машқлари; 2) маҳсус – тайёрлов машқлари; 3) умумий тайёрлов машқларидан иборат.

**74-савол. Спорт машқининг асосий тамойиллари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Спорт машқининг асосий тамойиллари бўлиб; юксак кўрсаткичларга шигтилиш, спортчининг умумий ва маҳсус тайёргарлигининг бирлиги, спорт мешқи жараёнининг узлуксизлиги, спорт машқида юкламаларни аста-секин ортириб бориш, спорт машқи юкламасининг тўлқинсимон ўзгариши, спорт машқи жараёнининг даврийлиги тамойллари саналади.

**75-савол. Спорт машқи жараёни қандай даврларга бўлинади?**

**Жавоб:** Спорт машқи жараёни катта (жумладан, йиллик ва ярим йиллик) ҳамда кичик (бир неча кун, бир ҳафталик) даврларга бўлинади.

**76-савол. Спорт машқини даврлаштиришда қайси жиҳатлар ҳисобга олинниши зарур?**

**Жавоб:** Спорт машқи жараёнларининг ўзгаришининг сабаблари ва шароитлари, спорт машқи даврларининг миқдори ва давомийлиги, мусобақа тақвими, мавсум иқлим шароитлари, спорт машқининг тайёрлов даври, мусобақа даври, ўтиш даври хусусиятлари спорт машқини даврлашда ҳисобга олинади.

**77-савол. Бир йиллик спорт машқининг тайёрлов даври қандай босқичларда амалга оширилади?**

**Жавоб:** Тайёрлов даврининг биринчи босқичи умумий тайёргарлиги даври деб саналади. Тайёрлов даврининг иккинчи (маҳсус тайёргарлик) босқичи бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир босқичда ўзига хос вазифалар бажарилади.

**78-савол. Спорт машқининг асосий босқичлари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Спорт машқининг асосий босқичлари: дастлабки спорт тайёргарлиги босқичи, бўйланғич ихтисослашиш босқичи, чукур такомиллаштириш босқичи, спортда “узоқ йиллар яшаш” босқичларидан иборат бўлиб ҳар бир босқич ўзига хос саналади.

**79-савол. Спорт формаси (шакли) тушунчаси нима?**

**Жавоб:** Спорт формаси педагогик нуқтаи назардан қараганда спортчининг ютуқка эришишига оптималь тайёр экани, ҳамма томонлама, руҳий, жисмоний, техник ва тактик жиҳатдан юқори даражада етилганлик эканлигидан иборатдир. Спорт формасини доимо сақлаб туриш мумкин эмас,

у вақтінча сақланади ва маълум муддатда йүқотилади. Бунинг туршыю сабаблари мавжуд.

**80-савол. Дунё миқёсида спорт ишларини қайси ташкилді мувофиқлаштиради?**

**Жавоб:** Дунё бүйіча спорт ишларини спорт турлари бүйіча халқаро федерациялари амалга оширади, мувофиқлаштиради.

**81-савол. Спортчىнинг асосий мақсади нимага қаратылған?**

**Жавоб:** Спортчىнинг асосий мақсади юқори спорт натижасига эришишті қаратылған.

**82-савол. Спорт турлари ҳаракат фаолияти фаоллигига күра қандай турларға бўлинади?**

**Жавоб:** Спорт турлари ҳаракат фаолияти фаоллигига күра 5-турга бўлинади ва улар куйидагилардан иборат.

**1 - гурӯҳ мусобақаларда** юқори даражада ривожланган жисмоний сифатларни намоён этишни талаб этади ва бу спорт турларида натижаларга эришиш спортчىнинг тайёргарлик асосида ўзлаштирган шахсий имкониятларига боғлиқ бўлади.

**2 - гурӯҳни** ҳаракат фаолиятларини техник воситалар орқали оширишга қаратылған спорт турлари ташкил этади. (мотоспорт, автоспорт, авиаспорт, яхта ва бошқалар) Спорт натижаларига эришиш техник воситасининг ҳаракатига ва спортчىнинг ушбу воситани бошқариш қобилиятига боғлиқ.

**3 - гурӯҳ** махсус куроллар орқали мўлжалга отишга қаратылған спорт турларидан иборат. (милтиқ, камон ва бошқалар)

**4 - гурӯҳ** конструкторлик фаолиятини намоён қилишга қаратылған спорт турлари. (автомодилчилик, авиамодилчилик ва бошқалар)

**5 - гурӯҳ** ақлий фаолият орқали мусобақалашиш ва рақибни енгишга қаратылған спорт турлари (шахмат, шашка ва бошқалар) дан иборат.

**83-савол. Соғлом турмуш тарзи кечириш нималардан иборат?**

**Жавоб:** Соғлом турмуш тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, меҳнат ва дам олишни тұгри режалаштириш, унумли меҳнат қилиш, фаол дам олиш,

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, организмни чиниқтириш, шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш, ёмон одатлардан үзини тийиш, инсонлар билан оиласда, ишда, ўқишида ва жамоада, умумжамоа жойларида тарбияли яхши муносабатда бўлиши демакдир.

#### **84-савол. Жисмоний сифатлар нима?**

**Жавоб:** Инсон ҳаракат фаолиятининг фаоллигини тарбиялашга қаратилган сифатларга жисмоний сифатлар деб айтилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **Меъёрий – хуқуқий ҳужжатлар:**

1. Узбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрири). – Т.: 2015 йил 4-сентябрь.
2. Узбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Шарқ 1997 йил. 29 август, 9-сон.
3. Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Узбекистон Республикасини янада ривожлатириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли фармони // “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил., 8 феврал №28.
4. Узбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартағи “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли фармони.
5. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 187-сонли қарори.
6. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 140-сонли қарори.
7. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан биргаликда қурамиз”. – Тошкент. 2017-йил.
8. Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч: – Т.: Маънавият, 2008 й, 176 бет.

### **Асосий адабиётлар:**

9. Абдуллаев А., Холқелдиов Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. Дарслик – Т.: 2005 йил. – 269 б.
10. Адбуллаев А., Ш. Хонқелдиев Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. Дарслик – Т.: 2013 йил. – 462 б.
11. Абдумаликов Р., Кудратов Р. Соғлом авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спорт. Услубий қўлланма. Т.: 2003 йил. – 90 бет.

11. Абууминов Р., Юнусов Т. – Т.: Узбекистонда жисмоний тарбия  
и просвітній розвиток народу. Услубий қўлланма. – Т.: 1992 йил. 145 б.
12. Адигов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг  
наварий асослари. Пед.фак.док... дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.
13. Анохин Н.К. Принципиальные вопросы общей теории  
функциональных систем // Системный механизм высшей нервной  
деятельности: Издр. Труды. – М.: Наука, 2008 г. – 240 с.
14. Ахмедов Ф.К. Жисмоний таълимда миллий анъаналардан  
файдаланишининг ўрни. Монография Тошкент “Фан” нашриёти. – 2010 йил. –  
91 б.
15. Ахмедов Ф.К. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси  
фотидан 101- саволга 101 жавоб Жиззах – 2011 йил. 16 б.
16. Ахмедов Ф.К., Атамуродов Ш.Ў ва бошқалар. Бошланғич  
синфларди жисмоний тарбия. Услубий қўлланма. Тошкент: – 2013 йил. – 111  
б.
17. Ахмедов Ф.К., Атамуродов Ш.Ў. Бошланғич синфларда  
жисмоний маданият дарслари. Услубий қўлланма. Тошкент: – 2017 йил. –  
139 б.
18. Ахматов М.С. Узлуксиз таълим тизмида оммавий спорт-  
соглумлаштириш ишларини самарали бошқариш. Монография. Тошкент: –  
2005 йил. – 278 б.
19. Бондоревская Е.В. Кульевич С.В. Педагогика: Личность в  
гуманистических теориях и системах воспитания: учеб, пособие для  
студентов сред. И высш. Пед. Учеб, заведений, слушателей ИПК и ФПК.  
Ростов н/д: учитель, – 2009 г. – 279 с.
20. Богданов Б.П. Физические культуры в начальных классах.  
Учебное пособие. Москва: – 1996 г. – 165 с.
21. Виленский М.Я., Горшков А.Г. Физическая культура и здоровый  
образ жизни студента. Учебник. Кнорус. Москва: – 2016 г. – 164 с.
22. Войнер Э.Н. Общая волеология. Липецк: Изд-во Липецкого гос.

24. Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилияларини ривожлантириш. Ўкув қўлланма, Тошкент., ЎзДЖТИ, – 2005 й – 171 б.
25. Иброҳимов Ў., Рафиев Ҳ. Спорт ва қадрият. Ўкув услубий қўлланма –Т.: “Янги аср авлоди”, – 2009 йил. – 174 б.
26. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар: дарслик Т: – 2004 й. – 334 бет.
27. Матвеев Л.П. Теория и методика физического культуры. Учебник М: – 1991 год. – 245 с.
28. Матвеев Л.П. Теория и методика физически воспитания. Учебник. Москва: – 2000 г. – 252 с.
29. Махкамжонов К., Туленова Ҳ. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. Маруза матн. ТДПУ – 2001-2002 йил. – 96 б.
30. Махкамжонов К., Ҳўжаев Ф. Жисмоний тарбия. (1-синф) ўкув қўлланма. Т.: – “Ўзбекистон” – 2010 йил.
31. Махкамжонов К., Ҳўжаев Ф. Жисмоний тарбия. (2-синф) ўкув қўлланма. З-нашри. Т.: – “Ўзбекистон” – 2018 йил.
32. Махкамжонов К., Ҳўжаев Ф. Жисмоний тарбия. З - синф ўкувчилари учун ўкув қўлланма 5–нашри. Тошкент: – 2016 йил.
33. Махкамжонов к., Ҳўжаев Ф. Жисмоний тарбия. 4 - синф ўкувчилари учун ўкув қўлланма 7-нашри. Тошкент: - 2017 йил. 173 б.
34. Махкамжонов К.М., Ҳўжаев П. Жисмоний тарбия 1-4- синф учун ўкув қўллами. Тошкент: – 2008 йил. – 186 б.
35. Махсумжонов В.К. “Бошланғич синфларда жисмоний тарбия”. Т – 1992 йил.
36. Масалова О.Ю. Физическая культура: педагогические основы ценностного отношение к здоровью. Учебное пособие. Кнорус. Москва: 2016. – 184 с. .
37. Рафиев Ҳ.Т. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. Маруза матни. Самарқанд: – 2005 йил. – 98 б.

38. Саломов Р. Спорт машғулотларининг назарий асослари: Ўқув қўлланма. Тошкент: 2005 йил. – 261 б.
39. Саломов Р., К.Махкамжонов. Жисмоний тарбия назарияси ва шартийаси. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2005 йил. – 176 б.
40. Саломов Р.С, Арипов Ю., Утенов О.У. Мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси услубияти асослари. Ўқув қўлланма. Т: “Иқтисод молия” – 2010 йил. – 159 б.
41. Соатов Н., Наджимов Ф. “Мактаб жисмоний тарбияси”. Услубий қўлланма. Г:– 2016 йил. – 122 б.
42. Туленова Х.Б. Малинина Н.Н., Умумривожлантирувчи манзуларни ўргатиш методикаси: Ўқув қўлланма ТДГУ: – 2005 й. 178 б.
43. Усмонхўжаев Т.С., Турсунов Ў., Мелиев Х. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент: – 2008 йил.
44. Усмонхўжаев Т., Х.Мелиев. Миллий харакатли ўйинлар. Ўқув қўлланма. –Т.: “Ўқитувчи”, – 2000 йил.
45. Умумий ўрта таълимнинг жисмоний тарбия бўйича ўкув дистури. Тошкент: – 2010 йил. – 84 б.
46. Умумий ўрта таълимнинг жисмоний тарбия фанидан давлат таълим стандарти. (1-9-sinf). Тошкент: – 2017 йил. – 80 б.
47. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов X ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Тошкент: – 2009. 239– бет ва 671– бетлар.
48. Холодов Ж.К, Кузетсов В.С Теория и методика физического воспитания И спорта. Учебное пособие. Москва : – 2011 йил. – 104 с.
49. Ходоров Т.Х., Туленова Х.Б. Жисмоний тарбия, спорт, туризм, ҳалқ миљлий ўйинларининг назарий ва амалий асослари. Услубий қўлланма. ТДГУ босмахонаси, – 2007 й. – 142 б.
50. Хўжаев Ф., Усмонхўжаев Т. “Бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарслари”. Методик қўлланма. Т– Ўқитувчи – 1996-йил. – 183 б.
51. Хўжаев Ф. Жисмоний тарбия 1-синф ўқитувчилари учун методик қўлланма: Тошкент:-2015 йил. 166 б.

**52.** Хұжаев Ф. Жисмоний тарбия 2-сinf үқитувчилари үшүн методик құлланма: Тошкент:– 2015 йил. 165 б.

**53.** Хұжаев Ф. Жисмоний тарбия 3-sinf үқитувчилари үшүн методик құлланма. Тошкент:– 2015 йил. – 165 б.

### **Электрон таълим ресурслари.**

- 1.** [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
- 2.** [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
- 3.** [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- 4.** [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- 5.** [www.bilim.uz](http://www.bilim.uz)
- 6.** [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

# МУНДАРИЖА

Барои синфларни сифатларни таълимни тарбия назарияси.....	4
1.1. Синфларни сифатларни таълимни тарбия назарияси ва методикаси форматида оиди замони синифлари.....	7
1.2. Узбекистон Республикаси ҳукуматининг жисмоний маданият ва спорт пуренга сабаб ўзбек хокимиятиниң аҳамияти.....	9
1.3. Бонлангич синфлар жисмоний тарбия назариясига оид дастлабки асосий туннингар.....	13
1.4. Бонлангич синфлар жисмоний тарбия воситалари.....	16
1.5. Тарбиясининг дидактик тамойиллари.....	24
1.6. Бонлангич синфлар учун машғулотларда қўлланиладиган жисмоний тарбия методлари.....	32
1.7. Нароказларга ўргатиш жараёни асослари.....	51
<b>II. Бонлангич синфлар жисмоний тарбиясининг методикини.</b>	
2.1. Жисмоний сифатларни (куч, тезкорлик, чақонлик, эгилувчанлик, шаклини) тарбиялаш методикаси.....	70
2.2. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти.....	91
2.3. Бонлангич синфлар учун жисмоний тарбия дақиқалари.....	127
2.4. Бонлангич синфлар жисмоний тарбия дарсларининг тузилиши.....	132
2.5. Жисмоний маданият буйича намунали дарс ишланмаси.....	138
2.6. Жисмоний тарбия дарсини педагогик тахлил этиш схемаси.....	140
2.7. Синфдан ташқари олиб бориладиган жисмоний тарбия ишларига тавсиф.....	147
2.8. Спорт машғулотларининг назарий асослари.....	151
2.9. Спорт машғлотининг воситалари ва методлари.....	155
Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	160
Жисмоний маданият ўқитувчи ва талабалар билиши зарур бўлган муҳим маълумотлар.....	161
Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.....	178

**Аҳмедов Фурқат Қўлдошевич  
Атамуродов Шодиёр Үролович**

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ**

*(5111700-Бошлангич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналишида таҳсил оладиган талабалар учун ўқув қўлланма)*

Muharrir: S. T. Xashimov

Musahhih: H. Zakirova

Sahifalovchi: A. Hidoyatov

Нашриёт лицензияси №AI 242, 04.07.2013 й.

Офсет қоғози. Босишга рухсат этилди 02.12.2019.

Формат 84x108  $\frac{1}{32}$ . Гарнитура «PT Serif».

Босма табоқ 11.5 Адади 300 нусха. Буюртма №89.

«VNESHINVESTPROM» масъулияти  
чекланган жамияти.

100029, Тошкент шаҳри, Навоий кучаси, 30.

Тел./факс: (+99871) 244–75–75

ISBN 978-9943-4444-4-7



A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-4444-4-7. The barcode is composed of vertical black bars of varying widths on a white background.

9 789943 444447